

ОМИНА ТОЖИБОЕВА

ҚИСМАТНИНГ ТОШЛОҚ ЙЎЛЛАРИ

Қисса

**Тошкент
«Янги аср авлоди»
2005**

84(59)6-4 Баъдий адабиёт

КИТОБХОНИГА ЭГА АДИБА

... Адиба Омина Тожибоева воқеаларни динамик равишда ривожлантириб боради, айни пайтда, маълум даражада ўқувчини интрига қилишни яхши билади. У ёки бу воқеанинг ечимини дарров ҳал қилиб қўя қолмайди, натижада қиссалари қизиқиш билан ўқилади...

Ҳожиакбар ШАЙХОВ,
фантастик ёзувчи

Дарвоқе, таниқли адибимиз Ҳожиакбар Шайхов таъкидлаганидек, андижонлик ёзувчимиз адабиётда ўз сўзига, ҳаётда ўз ўрнига эга қалам-кашларимиздан. Адиба бир неча қиссалар муаллифи. Уларда севги, садоқат ва аёл меҳри қаламга олинган. Ёзувчининг бу янги қиссасида ўзбек аёлининг оилага, фарзандларига содиқлиги тасвирланиши билан бирга, унинг орияти ҳақида сўз кетади. Қаҳрамонлар болаларнинг тақдирига етимлик тамғасини бостирмаслик учун курашадилар. Охир-оқибат...


Оила йишида ёзилиб, катта муаммони кўтарган бу қисса ўқувчиларга, гўзал ва дилбар аёлларимизга маъқул келади, деган умиддамиз.

Масъул муҳаррир:

Нормурод НАРЗУЛЛАЕВ, Ўзбекистон Халқ шоири

ISBN 5-633-01742-0

© Омина Тожибоева. «Қисматнинг тошлоқ йўллари».
«Янги аср авлоди», 2005 йил.



10

* * *

Машхурбек кўча муқолишидан ўтибоқ, тўн кийган беш-ўн чоғли одам дарвозаси олдида тўпланиб турганини кўриб, юраги увушди. Қадами тақа-тақ тўхтаркан, нуқул: «Онам, онам...» дердию, бошқа сўзга тили айланмасди.

* * *

... Кечки пайт ишдан қайтишига Шалола унинг қўлига хабарнома тутқазган: «Тез етиб келинг, ака!» «Менсиз битмайди-ган яна биронта иш чиқиб қолибди-да», дея кўнгилладию бамай-лихотир овқатланди, сўнг йўлга чиқди.

— Яна тўнғичингиз олдида ойлаб қолиб кетманг?! Агар узоқ-сангиз, нақ бир балони бошлайман-а!..

Хотинининг бу ҳазили Машхурбекнинг кўнглига оғир ботди. Шундай бўлса-да, унинг йирик кўзларига қараб, илжайиб қўя қолди.

— Куласиз-а, — деди чиройли лабларини буриб Шалола, — рашк одамларни қайси кўчаларга олиб кирмаган...

— Ҳар не бўлса-да, севган одамига нисбатан хиёнат кўчасига олиб кирмас.

— Ў-ў, ҳар нарсага эпчилгинам, жоним ичра манзил қургангинам, бир ҳафтадан ортиқ кутолмайман-а, биласиз.

— Ҳм, азизам, — Машхурбек кулимсираганича унинг яноғини аста силаб қўйди, — ер тагидан бўлса ҳам етиб келишга ҳаракат қиламан...

* * *

... Машхурбек Шалоланинг тимқора кўзлари жодусига қоришган хаёллари оғушида ухлаб қолганини ҳам, эрталаб кўзлаган манзилига кириб келганини ҳам сезмай қолди:

— Ака, туринг, — кузатувчи аста туртди уни, — Анжонга келдик, ўзимизни Анжонга...

— А-а-а...

У бир-бир қадам босиб, тўпланиб турганлар қаршисига борди:

— Бандачилик, — ён қўшниси Азим ака юпатган бўлди, — Жамилахондан ажраб қолдик.

Ўлим шамоли уни сескантириб юборди.

— А-а, нега? Нимага ахир?!

— Сариқ бўлган экан, ўтиб кетибди.

Бир-бир келиб ҳол сўрагувчиларга мум тишлаган каби миқ этмас, кўзлари ҳам кўпчиликни илғамас эди. Кўнглининг бир чети ўпирилгандай, юрагининг тубида қандайдир бир нарса жинллаб узилгандай эди. Нест-карахт ҳолда миясида фақат бир савол чарх уриб айланарди: «Энди нима қиламан? Болаларим нима бўлади?»

Шу пайт онасининг кўнғироқдай овози уни бир оз хушёрлан-тирди:

Болаларини ҳайрон қилган, вой болам,

Уйларини вайрон қилган, вой болам.

Яна қайтиб бино бўлинг, вой болам,

Машҳуримга фидо бўлинг, вой болам...

«Фидо, — у аста қадам ташлаб бораркан, яна ўйлар гирдобига шўнғиди, — фидо, фидойи нима ўзи? Шу кунгача Жамила менга фидойи эмасмиди? Ё...»

Бу алам унинг кўнглига мақбара қурди.

Роҳат мендан кетара, болаларингни кўрганда,

Сабрим қандай етара, қизинг сочин ўрганда.

Жаннати ҳурлиқолар онанг бўлсин, вой болам,

Фотимаи Зухролар онанг бўлсин, вой болам.

Тинглай десам сўзинг йўе-а, вой болам,

Кўрай десам ўзинг йўе-а, вой болам.

Қабристон йўлларин тупроги майдадир,

Энди сени жон болам, кўрмоқ қайдадир, болам...

Бу ҳазин, мунгли марсия унинг занглаган кўнгил пардасини тимдалаб ўтди. Кўзларига ёш сизиб келди. Овоз эгасини ёшли кўзлари билан қидираркан, нигоҳи алвон рангли бахмал тўшалган тобутга тушди. Энди у чидаб туролмади:

— Нималар қилиб қўйдинг, Жамила-а-а?! — ўкраб юборди. Дилидаги дарду аламлари, юрагини тошдай босиб ётган армонлари фарёд қоришиғида ҳовли юзини тутди. Машҳурбекни кўрган катта-ю кичик, ёту қариндошлар йиғиси бир-икки пардага кучайди. Бир муддат бўрондай гуриллаган фарёдлар ҳовли юзини, атрофда турган инсонлар қалбини ларзага келтирди. Шу топда унинг бемажол танида кўнглига тошлар каби чўккан тоғлардай

армони эриди. Титраган қўллари ила кўзёш селобини сидирар экан, айрилиқ дарди ичра Мажнун каби тўлғонар, тилида бир сўз айтиб, юракдаги ғам-ҳасратларини тўкиб-солиб йиғлаётмас, қалб тўфонини босмоққа куч тополмас эди.

*Куйдим десам, кулим йўғ-а, вой болам,
Ёндим десам, чўгим йўғ-а, вой болам...*

Яна ўша мунгли овоз. У ўзига ўзи сиғмай қолди. Кўзларидан ёш оқмаган Машҳурбек энди пинҳона бўзлаш фаслига кирганди:

*Қалдирғоч қанотидай қошларингга йиғлайми?
Минг хил савдода қотган бошларингга йиғлайми?*

«Юрагида хазонлари мўлга ўхшайди бу аёлнинг, ким ўзи?» Машҳурбек кўз қирида овоз эгасини қидирди. Ана у, тобутнинг бош томонида энкайганича бўзлаётибди. Бир неча ўлимлар доғида куйиб ёнган, бир ҳовуч жуссага айланган, аламзада — Жамиланинг онаси:

*Аламларинг айтсанг ўзим ўярдиму, Жамилам,
Қошларингга ўзим ўсма қўярдиму, Жамилам.*

Тоқати тоқ бўлган Машҳурбек аста қайнонасига яқинлашиб, елкасини қучди ва фарёд уриб, кўксига муштлади:

— Мени кечиринг, жон буви, мени кечиринг?!

Она унинг фарёдига безътибор бир назар-ла боқди, сўнг яна хиёл эгилганича бўзлашда давом этди:

*Ажсал ҳукми тигдек ўткир бўларми-я, вой болам,
Эвоҳ, юрак-бағрим қонга тўларми-я, вой болам,
Мисли фаришта болам, дили яримта болам...
... Юрагим қони дарё, вой болам,
Сочларинг ерга бўйро, вой болам,
Қадри ерга хайф бўлган, вой болам,
Гулгун умри хазон бўлган, вой болам...*

Машҳурбек бир сиқим кулчага айланиб қолган бу вужудга қарай-қарай, давра қатидан суғурилиб чиқди ва ортиқ бардоши етмаслигига ақли етиб, ташқарига йўналди. Ҳа, қайнонасининг ҳазин нолалари бардошининг чок-чокини ситиб бораётганди.

* * *

Бир пайшанбаси ўтгач, ҳовли юзини зир титратаётган фарёдлар кучи булутларнинг маънос сурунгани каби аста сўна борди. Мангу айрилиқ алами юраклар тубига чўка борди. Азадор чеҳралар бир оз шам еган ой каби хира тортганди. Кўзёшни артгучи, ҳол-аҳвол сўрагучи айрим яқинлар ўз ошиёнлари сари йўл олдилар. Бу ҳолат Машҳурбекни ҳам четламади. У аламлар бағрида қимтиниб турса-да, ўз қавми билан қолгач, кечга яқин таом устида Тошкентга бормоғи кераклигини сўзлади:

— Яна келасизми дада? — жавдираб сўроқлади Жаҳонгир, — келасиз-а?

У эса бу ҳақда ўйламаган, асли Шалоланинг тайинлови бўйича отланса-да, ҳамма қараб тургувчиларга юзланиб:

— Албатта, ўғлим, ишимдан жавоб олиб келай, — деб юборганини ўзи ҳам билмай қолди.

Бу жавоб Жаҳонгирнинг ғариб кўнглини нурафшон этди.

— Ҳм..., гап бундай бўпти, — деди онаси Муҳаррам ая, — агар бошқача гапирганингда борми, сениям баҳрингдан ўтиб қўя қолардим.

— Ойижон!

Машҳурбекнинг энди нима демоқчи бўлган сўзларини онасининг ўқрайиб боқипи миясидан бўрон каби юлқиб кетди.

— Ўзбекчиликда қирқи ўтмай туриб, азадорларнинг кўчага юзланиши одобдан эмас, — қудасига кўзи тушган Муҳаррам ая бир оз шаштидан тушди, — бу урф-одатларимизга қарши юрганларни тавқи лаънат тагида қолгани ўша!

Онасининг гаплари юрагига оғир ботган Машҳурбек ҳазин ҳиссиётлар бағрига оқди.

— Ҳозир анчайин нозикчилик, — қайнонаси Жаннат ая аралашди суҳбатга, — сабабсиз йўқ бўлиб кетса, гап эшитиб қолармикин? Ахир нозик жойнинг иши ҳам нозик-да, қуда?!

«Минг қилса-да ўқимишли, маҳалланинг отинойисиди, гаплари тайинли», — хаёлидан лип этиб ўтди Машҳурбекнинг.

У севинч тўла кўзлари ила қайнонасига боқди, аммо кўзларининг тасодифий тўқнашувини кутмагани ҳолда, шундай табаррук

она олдида кечирилмас гуноҳга эгалиги ёдига тушиб, беихтиёр лабини тишлади. Қайнонасининг юзи кузнинг заҳил юзи каби тусга кирганини кўриб, кўзларини ерга тикканича сукут ичра бир лаҳза жимиди: «Мен гумроҳ қилган гуноҳни билармикин? Билади, билмас айтган марсияларидан ҳиди келмас эди. Эҳ, аттанг! Шундай табаррук онанинг, унинг гулдай қизининг юзига тупурдим. Мана энди ўз ғамим ўзимга бўйра бўлиб ўтадиган бўлди».

— Тақир пешонамда яна нелар бор? — тўнғиллади у, — бундай тақдирни ўт олса бўлмасмиди?

— Тақдирни қарғаб бўлмайди ўғлим, — Жаннат ая мулойимлик билан деди. — У Аллоҳнинг мўъжизаси, ҳукмидир. Биз бандалар эса унинг амри фармонида доимо шаймиз. Ўғлим, минг нолаю фарёд уриб, кўёшларимиз билан оламини суғурсак-да, Жамилахон энди қайтиб келмайди. Шунинг учун тирикчиликни ҳам қантариб қўймаган маъқулдир...

Бу гаплардан Машҳурбекнинг юраги оғриди, йўқ, у бунга чидайди. Аслида кўксидаги юраги эмас, имони оғирди, имони.

* * *

Тунги поезднинг охирги вағонида бир маромда тебраниб бораркан, Машҳурбек хотиралар қаърига шўнғиганини ўзи ҳам сезмай қолди: «Во ажабо! Ўлик чиқар эшиқдан, сабр кирар тешиқдан деганларича бор экан. Агар ўша кунги куйиб-ёнишларда давом этсанг борми? Айниқса, тобутни кўргандаги ҳолат, тез орада ўзингни ҳам сўлиб қолишинг ҳеч гап эмас. Эвоҳ, видолашув онларидаги фарёдлар, юракни тирновчи марсиялар... Эндиликда юзларни заҳил ним табассумлар қоплаган. Сабрнинг иши бу, албатта. Мана, сабр деган нарсани мени ҳам ўз измига солди. Яшаш учун интилиш каби мақсадни дилимга жо қилди. Қайнонамнинг гаплари юрагимга далда бўлди, ҳувуллаган қалбимга тиргак. Ҳа, инсон ҳаёт ошиғи бўлиб ўтаверар экан. Лекин, менику Шалола билан ҳаётим давом этаверади, болалар-чи? Уларнинг тақдири нима бўлади? Икки она кексайди, синглим эса бировнинг хасми, иним ҳали ўзи бола. Йў-ў-ўқ, ўз бағримда бўлади, улар. Ҳар нени ўйлама, аҳмоқ. Энди уларга Шалола оналик қилади. Унинг ҳам фарзандсизлик армони ушаладиган бўлди. Дунёнинг ишлари қизиқ-да... Жамила зурриёт деган олий неъматга эга қилди, аммо кўнглимни куйдирадиган севги чўғини сололмади юрагимга. Шалола борлиғимни қамради, хаёлимни ўғир-

лади, муҳаббат васлига муяссар қилди. Усиз кунларим зулмат, усиз кунларим ҳаром. Эй, Парвардигор! Мана шуларнинг ҳаммасини бир аёлга яъни, Шалола тақдирига жо қилсанг бўлмасмиди? Нима қилардинг мени икки аёл ўртасида тентиратиб? Шалола! Исми-жисмига монанд, камалаксимон нур каби қалбимга инган, шаффоф меҳри ила тамоман асир қилган ва мушқу анбарларга йўғрилган вужуд. Унинг кўнгли ҳам мисоли нурдан яралган. Ҳали икки фарзандга эгалик хабарини эшитса борми, юзлари нақ тўлин ойдек порлайди. Лекин..., лекин болалар кўнарникин? Бу ёгини ўйламабману? Жаҳонгиру кўнса керак, аммо Раъно-чи? Ёмон куйиняпти, на кўзёши тинсин, на томоқ қилсин. Қани энди биронта далдали сўз топиб айтолсам. Шалолани она ўрнида кўрармикин? Начора? Кўнмаса ойим билан яшайверар... Эй, Парвардигор?! Кўнглим соҳилларида эркин қушдай учибману, аммо зурриётларим ҳоли не, кўнгли не — ишим бўлмабди. Шу кунгача жилғалардай жимиб яшабдилар-а?»

Шу топда бор вужуди ғамдан ғижимланган Мапхўрбекни поезддан тушиб, Шалола билан япаб турган кўп қаватли бино бағрига кириб боргунча хогиралар тарк этмади. Шалола эса бу гал остонадаёқ пичинг билан қарши олди:

— Минг қилса-да кўз очиб кўрганингиз, бу гал кўзингиз қийиб ташлаб кетишингиз қийин бўлди чоғи?

Машхўрбек зўраки илжайиш билан ҳар галги одатича унинг ўнг яноғидан аста ўпди:

— Нега бунча араз, жоним?

— Биласизми, бу ўтган ўн куннинг менга ўн йиллик захм етказганини?

Машхўрбек шамдек эриб кетди: «Шунақаям севадими? Агар мендан жудо бўлса, нақ девона бўп қолса керак?»

У аста Шалоланинг белидан кучганича диван сари йўналди, ўтириб ошиқона эркалашлардан сўнг:

— Муборак қўлларингиздан бир чой ичсам дегандим, — деди илтифот айлаб.

— Ҳо, — терсланди Шалола ва чиройли лабларини бурди, — қўй ёғига паловни у ёқда енгу, чанқоғини бу ерда қондиринг, а?

— Нималар деярсиз, жоним, ўша паловни қилиб бергувчи бир умрга йўқ энди!

— Нима, нималар дедингиз?! — ранги қути ўчди Шалоланинг, — бир умрга, наҳотки?!

— Афсус, шунақа иш устига бордим.

Шалолани севинтирдим дея боққан Машхурбек унинг кўзларида зоҳир бўлган зўраки севинчга қоришиқ совуқ бир ифодани кўрди. Баданлари туклашди. «Нега бунчалар ўзгариш?.. Қарашлар ҳам ўзгача? Ё биронтаси билан?... Э, бунчалар ваҳимакаш бўлмасанг Машхур, ҳар галги ноз-истиғноларда».

...Шалола ошхона томон йўналаркан, ғам босди уни: «Ҳали етимчаларини опкеламан деса-я... Унда анвои севгим лаззатидан айрилиб қоламан-ку? Бу минғир-минғирни бошимга ураманми? Кейинги пайтларда топишининг ҳам мазаси йўқроқ. Ёрдамчисининг айтишича, фирмаси ҳам яқинда барбод бўлар эмиш. Унинг фирмаси эса абадий, биров билмайдиям, танимайдиям. Аммо даромади зўр-да унинг. Энди бу билан яшаш — ҳам даромаддан, ҳам буромаддан айрилиш деган гап. Бундан битта тирноғим бормидики юзини қилсам. Ҳис-туйғулари ҳам ўзига ўхшаб қариб қолди. Уники эса, янги очилган гулдай тароватли, бу билан турмушимиз ҳам ўлда-жўлда, кет десам кетаверадиган бир итда...»

Ичкаридан бир тарзда чиққан Шалола қўлидаги чойнак-пиёлани тақ эткизиб, хонтахта устига қўйди ва ўзинг қуйиб ичавер қабилида бир қараб олгач, Машхурнинг қаршисидаги ўриндиққа ўтирди. Бу ҳолат унинг нафсониятига тегса-да, чойдан пиёлага қуйиб ичди.

— Агар яна бир ҳафта юрганингизда борми, устингизга нақ кундош балосини оширардим.

Унинг бу қадар бепарволарча айтган дил оғриқ сўзларига Машхурбек безътибор қаради ва ҳар галги одатига бу сафар озгина зира-пиёз қўшилибди, дея гумон қилди. Бошқачасини ҳаёлига келтирмади.

Аслида ўтган йили ҳам шу мазмундаги хабарномани олган Машхурбек бир ойча дом-дараксиз йўқ бўлиб кетганди. Бекорчиликдан нима иш қилишини билмай юрган Шалолани бир куни кечки пайт синфдош дугонаси Лайло уйига меҳмондорчиликка таклиф қилиб кетди. Улар йирик одамлар, демак ўтиришга йирикроқ пардоз билан бориш керак, деди-да, гўё маликалардай кириб борди. Ҳамманинг кўзи унда. Буни сезган Шалоланинг нозу истиғнолари яна бир карра ортди. Иттифоқо, айёмда Лайлонинг Андижондаги энг чекка қишлоқ — Жийдакапада яшовчи

тоғасининг ўғли ҳам бор эди. Аёл деса суяги эриб кетадиган бу йигитнинг исми Фаффоржон бўлиб, қишлоқ мактабининг директори бўлса-да, кийинишлари пўрим ва ўзиям басавлат, ҳар қандай қиз-жувон орзусига арзирли одоб-тавозега эга эди. У Шалолани кўрибоқ, чучук емишни кўрган йиртқидай, бир тампаниб қўйди. Шалола ҳам унинг ўтли қарашларидан ниманингдир исини туйди ва нозлар дунёсини беаганича аста Фаффоржоннинг ёнида турган бўш жойга бориб ўтирди. Улар жуда тез тил топиша қолдилар. Шалола ярим тунда уйига кузатиб қўйишни сал нарида тез-тез ўғринча кўз ташлаб турган кимсадан эмас, фақат Фаффоржондан илтимос қилди. Йўл-йўлакай у жуда ҳушёрлик билан Шалоланинг қўйнига қўл солиб кўрди. Эри жийдакапалик дўсти Машҳурбек эканини, бу ерга келиб фирма очганини билиб олди: «Писмиқ, хотиндан омади бор экан, — ўйга чўмди Фаффоржон, — қишлоқда ҳам энг гўзал қизга эга бўлган. Ойим отини бир кун олдин қамчилаганда борми, Жамиланинг эгаси балки мен бўлардим...»

— Нимани ўйлаяпсиз? — шаҳло кўзларини сузиб эркаланди Шалола, — ё Машҳур акамми танийсизми?

Фаффоржон ишшайди:

— Мен ҳам ўша Жийдакападанман-да...

— Вой, унда таниркансизда, а?

— Ҳм, кўрсам танисам керак, — негадир маҳалладош эканликларини яширди, — лекин астойдил танимайман.

Шу топда унинг дилида ўч пайдо бўлди. Жамиланинг васлига эриполмаган ниятини Шалола тимсолида амалга оширмоқни ва шу йўсин билан Машҳурбекдан ўч олишни режа қилди. Шунинг учун қаршисидаги офатижоннинг саволига мубҳам жавоб қилди. Шу тун Фаффоржон Шалоланинг азиз меҳмони бўлди. Лайло эса қариндошини истамади ҳам. Чунки ҳар иккисининг феъл-атвори унга бешпанжадай маълум эди. Лайло отасининг ранжиганнамо сўзларига, шунчаки йўлига таклиф қилгандим, учиб-қўниб келишини қаердан билай, деб қўя қолди. Мана, бир йилдан ошдики, улар шу аснода учрашадилар. Бу орада Шалола Фаффоржоннинг киссасига кўз ташлаб кўрди. Қарасаки мўл. Ҳатто бу мўл даромад ниманинг эвазига келишини ҳам Фаффоржон Шалолага бир учрашувида эриб кетиб, гуллаб қўйди. Лайлонинг отаси профессор, уни чет элда профессор дўсти бор. Ўша дўсти ҳар йили икки марта келади ва Тошкентдан

қайтишда куч дори опкетади. Бир сузма халтачалик куч дорига бир сумкага сиққулик йирик долларларни ташлаб кетишини ҳам мароқ билан сўзлади.

— Ўзи қаердан олади? — энтикиб сўради Шалола.

— Тоғлардан, бизга ўхшаганлар йиғиб беради-да. Асли номи бошқа, мен куч дори деб атайман.

— Ие, сиз ҳали йирик бизнесмен ҳам экансизда, а?

— Албатта, жоним... Лекин уни ичганлар ярим манқуртга айланади, деб ўйлайман. Манқурт ҳақида биласизми?

— Ҳм, Чингиз Айтматовнинг «Асрга татигулик кун» асарида ўқиб билганман. Ие, Фаффор ака, ўша чет эллик профессорнинг қуллари бормикин?

— Ким билади, буям мени тушунчам, жоним...

... Мана, яна шунақа хабарноманинг келишини кутган Шалола ниятига етди. Қишлоқ сари йўл олган Машхурбекка ёндош совуқ симларда яна бир хабар оқиб борарди. Шалоланинг Фаффор акасига «Тез етиб келинг...» дея интиқлик ила қилган телефони. Бир неча кун бурун худди мана шу Машхурбек ўтирган ерда Фаффоржон ҳам ястаниб дам олган. Чой ичган. Ишқлардим ҳаддидан ошди, дея Шалолани бот-бот ишонтирган. Кўнгил қасримдаги муҳаббатим, ҳа, ягона муҳаббатимсан, дея шеърлар ўқиган...

Ҳамон Машхурбекнинг миқ этмай ўтириши Шалоланинг жиғибийронини оширди:

— Бундан чиқди, устингизга кундош балосини юкласам ҳам парвойингиз фалак, шундайми?

«Жамиланинг вафоти унга пашша чаққанчалик таъсир этмади-я. Лоақал кўнглим учун ёмон бўпти деб қўймади-я. Шунақаям бағритошми? Муддаоси нима ўзи?»

Машхурбек тилига қадар музласа-да, сир бой бермади, чиқмаган жондан умид қабiliда:

— Келинг жоним, бир ётиғи билан гаплашиб олайлик, — деди вазминлик билан.

У Шалоланинг жим қиёфасига разм солди, аммо унинг кўнглида жунбушга келган пўртанада фарқ бўлиб кетишини ҳаёлига келтирмай, севинтириш илинжида гап бошлади:

— Шу кунгача бола ҳақида орзу қилардингиз...

— Энди керакмас! — қиличдай кесди бу гапни Шалола.

Қалбида жунбушга келган пўртана галаёни сабрдай қирғоқни ялаб ўтди:

— Шу кунгача, ЗАГСсиз, фақат никоҳ йўли билан яшаб келдик! Ана-мана деб, ЗАГС қилдиргани бўй бермадингиз, сабаби хотинингиздан кўнгил узолмадингизда, а?

Қаттол ёвга дуч келган лашкардай бақрайиб қолди Машҳурбек. Хонани, хонанигина эмас, бутун борлиқни ўлик бир сукунат қоплади. Гўё Аршининг кифтига бош қўйиб, Худонинг ўзи ҳам сукутга кетгандай.

— Бу ерда фирмангиз борлиги учун, — сукунат бағрини ёрган бу овоз Машҳурбекнинг қулоқларига бомба портлашидай эшитилди. — Мен каби кир ювгани, овқат қилгани бир чўри керак эди, сизга. Ишхонангизга келмай мен ўлай, ҳозиргидан кўра котибалик мавқеим баланд эди. Суриштириб, ҳеч кимим йўқлигини билгач, илондай аврадингиз. Охири кўнгилхушингизга, сўнгра чўрингизга айлантирдингиз!!

Машҳурбек, қилмишлари борлигини тоғдай эзётганини, қолган умри гурбат ичра кўмилаётганини ҳис қилса-да, оғир-босиқлик ила сўзлади:

— Мен сизни танимай қолдим.

— Танимасангиз таниб олинг, аҳмоқ бўлмасам сизнинг па-лағда севгингиз қурбони бўлармидим!!

Машҳурбек чўғни босгандай сесканиб кетди. Вужудини мубҳам бир титроқ эгаллади: «Бахтим дея бошим узра қўйгандим» — пичирлади лаблари.

— Агар у хотинингиз ўлмаганда, фирмангиз барбод бўлган кунисқ мен билан хайр-хушниям насия қилиб жўнаб қолардингиз. Энди мендай чўри болларингизгаям керакда, а?!

Шалола тилида болалар тўғрисида сўзласа-да, дилида ўзга дард анжуман қурган, руҳида ўзга бир ҳол яшар ва ўзга дунёда нафас оларди. Энди унга Машҳурбекдай тушов керак эмас эди.

— Энди куним етимчаларга қопти-я...

Пичоқ бориб суякка қадалди:

— Мен тирик эканман, болаларим кўчада сарсон қолмас! — газаби қайнади унинг.

Таънаю дашиномлардан дийдасига топш ботган Машҳурбек шаҳд билан ўрнидан турди ва хонаси томон йўл олди. Шалола ортидан қараб қоларкан, унинг бир оз энкайган гавдасига кўз тикди ва ўйга толди: «Бўш келма, Шалола! Яна бир ҳужум қилсанг, бу қаримсиқ рўдаподан қутуласан-қоласан. Топгани етимчаларига қоладиган, чўнтаги тешик бу кимсани бошингга урасанми? Мени ўйнаб-кулишимга Фаффоргинамдай бутун чўнтак керак».

Ичкаридан чиқиб келаётган Машҳурбек қирини кўрибоқ Шалола бобиллай кетди:

— Кундош иси кептурадиган етимчаларга қарагани тоқатим йўқ!!

Машҳурбекнинг қаршисида гўё мина портлагандай, қалбини илма-тешик жароҳатларга кўмиб ташлагандай бўлди.

— Дийдиёларингизни бас қили-и-инг!? — ўшқариб юборди у.

— Ҳо, дийдиёларим ёқмай қолдим, унда ёқадиган ерга боринг! Кўзим учиб тургани йўқ!!

Шалоланинг совуқ нигоҳларига, қиш чилласи каби муомаласига чидолмаган Машҳурбек тамом борлигини унутган, тун арвоҳини кўргандек қарахтланганди. У орзуларининг кўзи синганини, ниятлари саробга айланганини пайқади: «Не даҳшат?! Унга қанча ширин сўзласам-да, кўнглида кек уйғотди. Нега? Не деса бердим, ҳатто унинг учун жонимни тикдим. Унинг дилида аламу ўч пайдо қилувчи не айблар қилдим, не гуноҳим бор? Бу кўргулик қайси гуноҳим учун?...»

Пинҳон бир дард қалбини музлатди. Бу кундан тўйди. Вужудини ғам ғижимлади. Орада ноаён сирлар борлигини англади.

«Дада, дадажон!» ўглининг овози янгради қулоқлари остида. Чўчиб чор-атрофга аланглади. Бирон шарпа йўқ.

— Ўғлим, мени кут ўғлим!!

У шахдам қадамлар ила хонасига кириб кетди ва ҳаял ўтмай, қўлида жомадон билан қайтиб чиқди. Чунки Шалоланинг адоват наштавларидан охиргиси жонини қақшатган, кўзини мошдек очган эди:

— Қўлдан-қўлга ўтиб юрғувчи қўғирчоқ эканингни аввалроқ билганимда эди, — ёввойи бир қиёфада яқинлашди Шалолага, — ёнингдан пешимни қирқиб ўтган бўлардим. Ҳалиям кеч эмас! ўз жавобинг ўзинг билан!!

Ташқарига ўқдай отилиб чиқаркан, гўё елкасини босиб турган тоғдан қутулган каби ўзини енгил ҳис қилди. Шу онда у Шалоланинг бағрини тузладим, куни келиб кечирим сўрайди, дея ўйлади. Шалола эса аксинча, Машҳурбекдан осонгина қутулгани боис хона ичида чарх уриб айланар ва Фаффоржон билан кейинги учрашувлар гаштини ҳис қилиб, кўзлари ёнарди. Бу ҳолдан беҳабар Машҳурбек эса ўпкасини тўлдириб нафас олди ва бир дақиқа иккиланиб тургач, ишхонасига етгулик масофани пиёда босиб кетди. Бир ойча келолмаслигини ёрдамчисига ай-

тиб, айрим қоғоз ишларини ва фирма ҳаётини назорат қилиб туришини тайинлади-да, вокзал томон шошиб кетди.

* * *

Ҳаво дим. Кўк юзида қора булутлар уймалашиб, ойни яширган, мовий осмонни гажиб ётарлар. Ер юзининг чироқларидан ўзга йилт этган ёруғ йўқ. Машҳурбек тунги поездга патта олди ва паттахона ёнидаги «Кафе»га кириб, бир оз тамаддиланди. Поезд жўнашига ҳалти анча вақт борлигидан ташқарига чиқди-да, қатор турган ўриндиқлардан бирига чўкди. У ҳасрат уммонига ғарқ, кўнглини изтироблар йиртган, олисга, зим-зиё тун сийнасига, гоҳ-гоҳ тунд фалакнинг илоҳий бир сувратига термулганича миқ этмай ўтирарди, фикргумонлари эса тахирлашган: «Жамила, Шалола — иккиси ҳам бир аёл. Ҳм, бир аёл. Нега хотиним, фарзандларим бўла туриб Шалолага оғдим, нега? Жамила билан анча йил китрик янглиғ бирга яшадим-ку, нега ташладим уни? Мен гувроҳ гул исини кўнғиз билмаганидек, унинг қадрига етмадим. Нега? Чунки ўз эрким йўлида хон сездим ўзимни. Кўнгил кўчасида маст-аласт тентирадим. Энди билсам, ўта худбин эканман. Худбинлик кўзларимни кўр, қалбимни сўқир қилди. Сўқир қалбдаги юрак эса ҳар йўлларга етаклади, ҳаво-лангирди. Мени ҳар кўйга солувчи бу бебош юракни ўша пайтлардаёқ итларга талаш қилишим керак экан. Афсус, буни кеч англадим, Жамилам! Сени ғам гирдобига оғдим, жафо ботқоғига ботирдим, энди жонинг ғам даштидан учиб ўтмас, оёқларинг ҳижрон чўғларини босмас. Эҳ, аттанг?! Сен билан ўтган умримнинг энг гўзал манзилларини хонавайрон қилибман-а? Энди-чи, бир кунда минг бор ўлиш қисматимга айланди. Қолган умрим эса шу қисматим қирғоғидаги тутун кабидир. Кийган тўним ҳасрат, дилим тўла надомат. Сен каби хоксор аёлни етти ухлаб тушимда ҳам тополмасам керак. Сендан биргина сўроғим — ҳар куни тушларимга киргин, шояд руҳингни шод қилолсам...»

«Тошкент — Андижон» поезди жўнаши эълон этилади...

Зилдай хаёллар оғушида ўтирган Машҳурбек чўчиб тушди ва ирғиб турди-да, поезд томон югура кетди.

* * *

— Войдод! Уйим куйди! Хонавайрон бўлдим!!!

Бу мудҳиш, бўғиқ фарёд ярим тунда янаям ваҳимали эшитилди. Ярим уйғоқ қалблар сергакланди. Ўтган кунлар қолдир-

ган аламли оғриқ тўлғоғида ҳамон мижжа қоқмай ётган Машҳурбек сакраб ўрнидан турди-да, овоз қайси томондан келганини фарқлолмай, гарангсиб туриб қолди. Бир оз ўтгач, онги тиниқлашди ва жанжал-тўполон Азим аканинг ҳовлисида эшитилаётганини фарқлади. Елкасига чопонини ташлаганича қўшнисиникига югурди, кетидан иниси ҳам. Азим ака айвон лабида ўтирганича икки қўли билан чаккасига муштлар, сал нарида мунгайганича Адол ая ўтирар, кенжа ўғли Тоҳир эса айвондаги сўри четида чаён чаққан одамдай тўлғонарди.

— Сени борингдан йўғинг, — Азим ака куйинарди, — эл орасида калла кўтаролмай қолдим, ярамас!!

— Ўзингизни қўлга олинг, Азим ака, — Машҳурбек яқинлашди ва ҳамон икки чаккасини муштлаётган қўллари ушлаб, ўзига қаратди, — куйинганингиз билан фойдаси йўқ. Нима гап?!

— Бўлди, дадаси, — ялиндиги Адол ая, — куйинаверманг, касал бўл қоласиз. Унда менинг ҳолим нима кечади?

— Бу кунимдан тўшакка михланиб ётганим яхши, уқдингми галварс?! Ҳе ўша... — энди Азим аканинг оғзидан боди кириб, шоди чиқа бошлади.

— Азим тоға, ўзингизни босинг?! Илтимос! — овоз келган томонга ўгирилган Машҳурбекнинг кўзи инисига тушди, — мен сенга минг маротаба айтганман Тоҳир, ўша ўйиндан чиқ, охири яхшиликка обормайди деб, мана кўрдингми?

— Жон Машҳур болам, бир миллионни қандай қилиб узаман! Бор даромадим, уй-жойимни сотсам ҳам етмайдию? Энди нима қиламан?! Яна эртадан қолса икки бош эмиш. Ҳе, ўша икки бошингиз...

Машҳурбек англадики, Тоҳир қимор ўйинида ютқазган. Бир миллион қишлоқ муҳитида жуда катта маблағ, чунки бу ерда уй-жойлар нархи шаҳарникига қараганда анча паст туради. Ишонган даромадлари эса полиз маҳсулотлари...

Машҳурбек анча юракка қувват бергулик гап-сўзлар қилди ва ўша икки бош деб кетган қиморбоз билан ўзи гаплашиб қўймоқчи эканини, жуда бўлмаса бир миллионнинг эпини қилишда ёрдам беришлигини айтди. Қимор оқибати хонавайронлик ё ўлим эканини уқтирмақ ниятида сўрининг четида ҳамон кучала еган итдек ғужанак бўлиб ётган Тоҳирга яқинлашган эди, гупиллаб напша ҳиди димоғига урилди. Ҳозир унга гапирилган сўзлар сой юзида қалқиб оқаётган хас-чўпчалик таъсир этмаслигини сезиб, ортига қайтди.

— Сен ҳам татиб турасанми? — ўқрайди дарвоза тагига етиб келганда ортидан келаётган иннисига.

— Йў-ўқ, мен у гуруҳга қўшилмаганман.

— Қайси гуруҳга? Нималар деяпсан ўзи?

— Мактаб дирихтири Фоппор ака шунақа гуруҳ тузган.

— Ие, мактаб бошлиғи-я, нима у, нашавандлар гуруҳими ё қиморбозлар?

— Йў-ўқ, «каратэчилар гуруҳи» тузган. Спорт билан шуғулланганларга наша куч бераркан-у?

Машҳурбекнинг танига титроқ кирди. Ўша гуруҳда қандайдир сир борлигини пайқади, аммо уни иннисидан сўрамади ва бу мавзунини шундайлигича қолдирмасликни ҳам ўйлади.

— Кучи шуми? Марадонани ёдидан чиқармасалар яхши бўларди, — дея ўзини бепарво кўрсатган бўлди.

* * *

Жамиланинг қирқ айёми ўтган куннинг кечида қайнонаси ўз гўшасига кетиш учун тараддудланди.

Раъно ҳеч кимнинг гапига қулоқ солмай, каттабувиси билан кетди-қолди. Илгари айрилиқнинг савдолари оғушида юрса-да, бу дамга қадар ҳис қилмаган ва бу кунгачалик соғинмаган Машҳурбек икки ҳафтанинг қорасини қилди-да, эрта тонгданоқ қизини қайтариб келиш учун қайнонасиникига борди. Жаннат ая йиглади-сиқтади. Жамила қизининг умри қисқалигидан куйинди. Қуръон тиловат қилиб бўлгач, қалби мисли аланга каби ёнаётган куёвига юзланиб:

— Майли ўғлим, — деди ҳазин овозда, — ҳеч ким умридан мамнун бўлиб ўтмаган. Тақдирингларда бу ишлар бор экан. Нимаям дердик. Ҳар иш Аллоҳнинг иродаси билан бўлади. Жамилага қолса ўлгиси келармиди. Ҳадеб куйинаверишдан фойда йўқ, болам. Энди у қайтиб келмайди. Бизни эса унинг руҳига бағишлаб, Қуръон тиловат қилишдан ўзга чорамиз йўқ. Йиллар, кунлар тумандай келиб кетаверар экан. Шун-чун, туну кун Парвардигордан сабр-тоқат тилайман...

Машҳурбек қайнонасининг малҳамдай гапларини тингларкан, юраги ҳапқириб, кўзлари ёшга тўлиб бормоқда эди.

— Қудам ҳам кексайиб қолдилар, — яна сўзида давом этди Жаннат ая, — ҳаргиз дилини оғритманг, дуосини опқолинг. Оналар қилган дуоси фарзанд топган дунёси эрур, ўғлим...

Тақдиридан дили яра, ҳаёт чорбоғида бахти қароликка юз тутган Машҳурбек пешинга яқин тарвузи қўлтиғидан тушиб кириб келди.

— Султон суягидан тонармиди. — деди ҳовли этагида таҳорат ушатиб келаётган онаси қўлидаги обдастани айвон лабига қўяр экан, — келар, келмаса қудам қиз қилиб узатар.

Бу гаплар Машҳурбекнинг мудраб ётган ҳамиятига ўқ каби санчилди ҳамда қисмат ўйинидан кўнгли қон бўлиб турган бир пайтда қалбига наштардек ботди. Шундай бўлса-да, қайнонасининг ҳалим насиҳатини эслаб ўзини босди.

— Ҳа, хотининг топганини қудамникига таширди, — деди жаҳл билан бошдаги дуррасини олиб, юзини артаркан Муҳаррам ая, — қизингнинг сепига бемалол етиб ортади.

— Нималар деяпсиз?! — тикланишга мажбур бўлди ўғли охири, — нимани ташибди?! Ахир даладан топганини ўқишни битиргунимча чўнтагимга солди. Сўнг, ишлаб топган даромадига синглимни узатдик. Кейин эса, икки болам билан қолди.

Машҳурбекнинг бўғзини биров қисгандай нафаси бўғилди. Киприклари учига биллурий шабнамлар кўнди. Аммо ўғлидаги ўзгариш она дилидаги кекни юмшатмади.

— Анови кўшним Азимжоннинг ҳам катта ўғли сендақа пирма бошлиғи, данғиллама уйлар, қатор-қатор машиналар. Сеники-чи, қуруқ савлатдан бошқа ниманг бор ҳозир?!

Ҳа, она ҳақ! Унинг нимаси бор! Ҳозир бор-будидан айрилган. Бор-будидан айрилиш — эр йигит учун писандмас. Энг ёмони, бутун жону жаҳонидан айрилган. Ҳа, ғам тоғи йўлига хавф солса, ақли билан енгувчи ғамхонасидан, муҳими, тақдирининг сўқмоқ йўлларидаги тийра тунларни қувғувчи қуёшдан айрилган эди.

— Сен лаваш топганингни хотинингга узатавердинг, мазани қудам кўраверди.

— Нималар деяпсиз, ахир...

— Дард деяпман, бало деяпман, галварс! Не умидлар билан боққан деб лоақал битта кўйлак обертдингми? Кўйлакни-ю кўй, ҳеч йўғи рўзан майрамазонда бир кило хурмо опкелдингми?

Машҳурбек кўкариб кетди. Кўз косасини тўлдириб келаётган ёшлар ҳам тақа-тақ тўхтади.

— Синглинг бировнинг хасми экан, эпланиб ўтирибди. Лекин маҳаллада ининг тенгги бўй йигитлар қолдимми?! Анави нашаванд Қодир ҳам болалик бўлди.

Тўғрида, ўғлидан шундай мурувват кутган она яна қай йўсин-ни ўйласин?

— Хотининг...

— Лоақал унинг руҳини тинч қўйинг, ойи?!

— Ҳо, ичинг ачишиб кетдими?!

— Ахир Жамилага нима қиппан? — аламдан лаблари гезарди Машҳурбекнинг, — нима обериппан?

— Нима қиппан эмиш, бўлмаса хотининг ҳар турли тилла тақинчоғу қимматбаҳо кийимларни осмондан оптушибди-да, а?

— Кийса, ишлаб кийгандир, — сув каби югурик ўйлар гирдобда дами чиққан пуфакдай бўшапти у.

— Ҳм, зўрға сут-қатикқа етадиган маоши билан-а?

Машҳурбек ҳайкалдек қотди. Нималар деяпти ахир... Шубҳаларнинг муздек қўллари томоғини бўғди-да, ҳолига чапак чала бошладилар.

— Ш-шунақа денг? — Машҳурбекнинг жонига ўт тушди. Онасининг оловланиши дард устига чипқон бўлди: «Наҳотки, шунча йиллар ўтиб, биронта кўйлак олиб бермаганман?! Унда Жамилага нима қилдим? Ҳеч нима! Наҳотки, Жамила бу ҳақда онамга тил ёрмаган? Агар гапирганда эди, онам бу қадар унинг гўрига гишт қаламаган бўларди».

Ўғлининг ҳолатини кузатиб турган она кўнглининг бурчак-бурчакларигача чўкиб қотган дардларини ковлаштира берди:

— Ўша пуллардан бир қисмини менгаям берсанг, жамғариб юриб укангни уйлардим. Қолгани манови қора кунларимизда асқотарди.

Машҳурбек икки ўт орасида қолди. Жамиланинг айбсиз-айбдор бўлганига чидамаса-да, ҳақиқатни ҳам айтолмасди. Агар айтса, онаси уни таёқ олиб қувлашдан ҳам тоймасди.

— Хотининг эса битта тиллани камроқ тақарди...

Энди Машҳурбекнинг жонида ором қолмади: «Демак, Жамила ҳам қасдма-қасдга йирикроқ бир кимса билан дон олишган. Бўлмаса тилла буюмларга опгулик маош олмасди».

Онасининг дил сандиғидаги келинга тегисли тахлоғлиқ гаплари қолмади шекилли, намоз ўқиш учун уйга кириб кетди. Ортдан нест-карахт ҳолда анграйиб қолган Машҳурбекнинг шу теспдаги туманли фикрлари аниқ бир йўлни кўрсата олмасди. Хаёллари лангарсиз кемада сузгандай алғов-далғов. Тилини эса армон танғиб боғлаган: «Наҳотки, Жамила ўзга бир одам би-

лан...». У ҳижрон йўлларига ҳазон тўпалганини, эндиликда ҳаёти алғов-далғов тушлар каби ўтишини сизди.

Машҳурбек ярадор илон каби судралганча айвонга чиқди ва ҳар гал келганда онасига сездирмай тунаган даҳлизга, унинг тўрисига қўйилган сим каравотга назар ташлади. Ҳамон ўша-ўша. Бош ва оёқ томонига тўр парда тутилган, устига эса қизил духоба ёпилган. «Нега шундай қилдим? Нега уни бу қадар ҳўрладим? Не гуноҳи бор эди? Менгаки шунчалар гап қилишдан тоймаган онам, уни тинч қўярмиди? Нега мен тўғримда онамга нолимаган? Агар гапирганда эди, онам мени тинч қўймасдилар? Хотин устига хотин оладиган сенмисан, кўнглинг кўчасидан сени дея оқ сутини кўкка соларди. Эвоҳ, шу ерда ҳам мени авайлабсан-а, Жамила!».

Бир томондан ўзидан-ўзи нафратланса, иккинчи томондан Жамиланинг номини атамай қўйгани обдон таъсир қиларди. Икки алам олови ўртасида ёна-ёна, бир-бир босиб, ичкари кирди. Жаҳонгир дераза ёнидаги диванда донг қотиб ухларди. «Бизникида диван йўқ эди-ку, ҳм, Жамиланинг йирикроқ шахс билан дон олишгани рост. Ким экан у?». Қўллари ўз-ўзидан мушт бўлиб тугилди. Шу кўйи ўғлига бир зум тикилиб қолди. Хиёл сабза урган мўйлаби, тим қора қошлар, жингалак сочлар. «Дадаси, Жаҳонингиз наҳ ўзингизга ўхшайди-я?». Жамиланинг сўзлари такрор ўтди ёдидан... Ҳозир ўғлидан ўзига ўхшамас бир жиҳатни қидирди. Агар, шундай ўхшамасликни топса, юқоридаги гумонларга асос топган ва шу билан Жамилани бевафоликда айблаб, унинг бу каби оғир гуноҳи олдида ўзиникини бир арзимасликка чиқариб, бир томондан дилидаги ўртаниш тафтини босмоқчи, иккинчи томондан ўзини бир бегуноҳдай ҳис қилмоқни ўйлади. Афсус, Жаҳонгирдан ёт бир сифат тополмагач, ўзини-ўзи дилида янди: «Хотиннику хор қилдинг, номард! Энди бегуноҳ ўглинг, пок зурриётингни лойга қоргани уялмадингми, аблаҳ?».

У бир оз гарангсиз тургач, аста уй жиҳозини кўздан кечири бошлади. Чунки Жамиланинг вафотидан бери ҳам иниси билан онасиникида тунаб келар, бу уйда эса Раъно ва икки қуда эдилар. Раъно бу хонадонни тарк этиб кетгандан бери ҳам безътибор қараган кўзлари, бугун онасининг аччиқ-аччиқ сўзларидан кейин мошдек очилган кўйи атрофга тийрак боқа бошлади, аммо ҳеч қандай ўзгариш сезмади.

Икки тахмон кўрпа: бирида униққанлари, бирида эса янгила-ри. Тахмон ва икки деразага тўр парда тутилган бўлиб, улар Жамиланинг келинлик либослари билан дорга тушган. Уйнинг тўрида Жамиланинг сеплари билан келган гилам ва кейинида Машҳурбеклар томонидан солинган оддий палос. Ички эшик биқинида шифоньер, ундаги илинган ва тахланган уст-бошлар-да ҳам деярли онаси айтганчалик қимматбаҳо кийимлар йўқ. Лекин чап томондаги ғаладонларни бир-бир очиб, кўнгил осмо-нига ғубор қўнди. Чунки ҳар бири палонча сўм турадиган ҳар турли матоҳлар тах еб ётар, айримларини турли хил кўринишда тиктириб ҳам қўйганди. Бағрига ўт тушди унинг. Ютоқиб кетди. Бир-бир отиб, улоқтира берди. Шу пайт, ялтироқ зардан тўқил-ган матоҳнинг қатидан бир семиз, кўк муқовали дафтар чиқди. Титраган қўллари ила дафтар саҳифаларини варақларкан, би-ринчи бетига йирик-йирик ҳарфлари бўяб ёзилган «Армонли дунё» сўзини ўқиб, бир оз таажжубланиб турди, сўнг ўқишга тушди.

* * *

— Юргимиз мустақил бўлганига бир йил тўлганда, — дея бош-ланарди саҳифанинг боши, — Раъно билан Жаҳонгир дадамга борайлик, деб сира тинчлик беришмади. Ўзимнинг ҳам учиб бор-гим келади, аммо қайнабувим, атрофдагилардан уяламан. Ди-лида, эр деса ўлиб турган экан, демасинлар деган андиша йўлим-да ғов. Яна бугун эрта тонгдан Жаҳонгир хархашани бошлади. Ўғлимдаги ота дийдорига ташналик ҳисси қайнабувимнинг ҳам кўнглини юмшатди, шекилли, кўндилар.

Ўғил бола оёқ кийимига нисбатан қўполлиги сабаб, пойабза-ли пойтахт деган жойга ярашиқсиз алфозда эди. Бўлмаса Раъно иккисига тенг олиб берганман. Қизимники ҳали оҳоридан туш-маган. Шу кўринишда борсак, Машҳур акам ишхонасидагилар-дан уялиб юрмасинлар дея қўшним, ҳам дугонам Барнодан Тош-кентдан олиб келиб бериш шарти билан озгина қарз олдим. Кўпин-ча шунақа масалаларда фаросатсизлик қиламизда, эрларимиз-нинг кўнглини қолдириб қўямиз, дея ўйлаганим боис, Жаҳонгир яна янги туфли кийди. Қолган пулга тунги поездга патта олдик. Қиз бола сезгир эмасми:

— Қайтишга пулимиз етмайди-ку, аяжон? — жавдираб сўра-ди Раъно.

— Ўргилиб кетай турмуш юкини бирга кўтаришганингдан...

Машҳурбекнинг кўзлари жиққа ёшга тўлди: «Мен у ёқда бир суюгоёқнинг атир-упасига пулни сувдай тўкиб турганимда... қизим...». Бармоқлари билан кўзёштини сидирди-да, давомини ўқишга тутинди: «...кўнглим тўлиб кетди».

— Даданг берар қайтишимизга.

Чеҳраси ёришган қизимиз билан ўғлимизнинг шодлиги ичига сиғмас, нуқул сизга олдиражак музқаймоқ ва шоколад ҳақида гапиришарди. Севинишади-да, ахир сиз билан кўришмаганларига йил тўлай деяпти. Мен эса... Мен ҳам соғиндим. Меҳр тўла кўзларингиз, қайрилма қошларингиз, жингалак сочларингиз, айниқса, мийиғингизда кулимсираб тинглашларингизни... Учрашув висолидан энтиккан қалбим кўзларига саҳаргача уйқу кўнмади.

Ана, ой ёруғида булутдай товланган шаҳри азим — Тошкент. Поезддан барвақтроқ тушганимиз боис, бир оз кутишга тўғри келди. Катта бино ичига терилган ўриндиқларда жим ўтирганча тонг отишини сабрсизлик билан кута бошладик. Ҳар хил толели, ҳар турли кўринишга эга йигит-қизлар, эркак ва аёллар, болаларни етаклаган кимсалар қўлларида катта-кичик юклари билан у ёқдан-бу ёққа ўтишар, чор атроф олағовур эди. Ана, қуёшнинг тарам-тарам қизғиш нурлари осмон юзига тарала бошлади. Ҳаял ўтмай, офтоб Тошкент элини қутлади. Қуюқ сояли дарахтлар тагидан юриб бориб, трамвайга ўтирдик. Буни Жаҳонгир Тошкентдан келгач, поезднинг укаси ҳам бор экан, дея мақтовини келиштириб юрди. Истаб-сўроқлаб, идорангизни ҳам топдик...

Андижоннинг Жийдакаласи ёзда нақ тиззангдан тупроқ, қишда эса тўпигинггача лой. Кўчамиз юзи жамоамиз бош ҳисобчиси Мамасодиқ аканинг ҳиммати билан шағал кўрди. Лой, тупроқ кўча тошкўчага айланиб, ҳовли-жойлар сал чанг тўзондан упа қўймай қўйдилар. Лекин ёш ўғил болалар оёқ кийимига қирон келди. Негаки, унда-мунда тупроқ бағрига сингишмай қолиб кетган, тухумдай, муштдай тошларни мактаб сари кетишда ҳам, қайтишда ҳам тепкилашавериб, ҳафтасига ўтмай кийган туфлилари, этикларининг оғзини очиб қўйдилар. Шаҳар шаҳар-да, ҳамма йўл текис, равон, асфальтланган. Чор атроф гулзор. Қишлоқда эса бир қарич жойга ҳам буғдой, пахта, шоли...

— Сизлар шу ерда ўтириб туринглар, — дедим совға солинган сумкамни ерга қўйиб, — мен дадажонингларни айтиб чиқаман.

Ойна каби ялтираб турган мәрмәр зиналардан юқорига қутарилиб борарканман, беихтиёр ортимга ўтирилдим. Икковининг соғинч тўла кўзлари зиналар бағридан гўё сизнинг изларингизни қидиргандай жавдирарди. Рўмол ва ёқаларимни тузатган бўлдим. Чўнтак ойнамни олиб, юз-кўзимни кўрмоқчи эдим, кузатиб турган Жаҳонгирдан уялдим. Кўп хонали идораларнинг ҳеч бирида ҳеч ким йўқ эди. Ҳайрон бўлиб турган эдим, охириги кўкиш эшиқдан бир шоп мўйловли йигитча чиқиб келди. Кўксимга қўл босиб, салом йўлладим. Йигитча бош ирғаб қўйди-да, сўради:

— Келинг опагон, кимни қидирвоссиз?

— Машҳур акамни... ҳалиги...

— Ҳм, йўқ эдилар, — деди, гапимни охиригача эшитишга вақти йўқ шекилли, шошиб бошқа эшик томон юраркан, — хотинлари касалхонада эди, бир ҳафтадан бери олдида қаравоттилар.

Жоним жонимни тарк айлади гўё, илон чаққан одамдай қарахт бўлиб қолдим. Борлиғимни олов тили ялар, қулоқларим том битган, кўз олдим қоронғилашиб, гандираклаганча деворга суяниб қолганимни биламан. Бир вақт юзимга урилган муздек сувдан ўзимга келдим.

— Нима бўлди, опагон? — қўлида коса билан ўша йигит турарди.

— Кўнглим, кўнглим беҳузур бўп кетди...

— Ҳм, бугун эрталабданоқ кун исияпти. Сиз Машҳур акамга ким бўласиз?

Савол лағча чўғ бўлган қалбимдаги юрагимни оташга айлантирди, чунки сийнамдаги энг буюк мулкимдан айрилган эдим.

— Менга сув беринг!

Йигитча ён томондаги хонадан қўлидаги косада сув олиб чиқиб узатди. Сувни гўё кўзёшларимга қўшиб ичдим. Бир оз тетиклашган руҳим ақлим ойнасини равшанлаштиргандай бўлди.

— Қ-қачон уйланибдилар?

— Бир йилча бўлди-ёв, — деди йигитча, — келганига ўн йилча бўлган бўлса, хотини бор-йўқлигини билмагандик. Кейин билсак, хотини ўлган экан. Лекин уйланмасликка қасд қип қўйган эканлар...

— Нима-а-а? Хотини ўлган эканми?

Ўзим ҳақимда бу каби саволга юзланиш, жаллод кундасига бош қўйиш билан баробар эди. Ҳа, шу топда ажал исини туйиб турган қалб титроғида эдим.

— Ҳа, — деди йигитча юзимга қарамай, — лекин меҳр кўзда деб, менимча, Шалола опамни кўргандан кейин фикри ўзгарди шекли...

Бошқа гап қулогимга кирмади. Юрагим музлади, севинчим музлади, дардларим музлади. Бахтим дея бошим узра қўйганим ер билан яксон қилган эди. Хўрлигим келди, фарёд уриб, тўлиққан юрагимни бўшатмоқ истадим, лекин начора? Ҳеч бир аёл мен каби оёғости бўлмасин? Нима қилай, хотини мен эдим дейми? Пастда, зор-интизор турган болаларимга дадангиз янги ая олибди, дейми? Ҳозиргина соғинч тўла кўзларини зиналар юзига тикиб, сизнинг изларингизни қидирган кўзларига ёшлар селобини қуяйми? Норасида қалбларни тилка-пора қилайми? Ота меҳрига зор кўнгилларга тош чўктирайми? Йў-ў-ўқ! Энди бу кабилардан не наф? Тақдиримга ямоқ тушган экан, тош келса кемириб, сув келса симириб яшаш қисматимдир. Болаларим шундай тақдир қўлида хор бўлганимни, ғойибона ота меҳри қурбони эканликларини улғайгач, сабр не, бардош нелигини англаганда тушуниб олишар...

Ташқарига чиқдим. Эсаётган майин елга куйган бағримни тутдим. Эндиликда болаларим юзига қараш, уларнинг сўроғига не деб жавоб бериш қийноғи қамраб олди вужудимни.

— Дадаларингиз бошқа шаҳарга кетибди, — дедим оҳиста тушиб келиб, — бир ойдан сўнг келаркан. Энди уйга қайтамиз, начора.

— Дарров-а? — қизимнинг шод чеҳраси ғамгинлашди, мўлтираб қараркан, — жудаям соғингандим, — деди йиғламсираб.

— Мустақиллик байрамини кўрмай-а? — аразлади Жаҳонгир, — энди ўртоқларимга нима дейман?

— Эҳ ўғишгинам, мустақиллик бир ҳайкал, ё бир бино эмаски, сен уни томоша қиласан. У одамлар дилидаги эркинлик, қалбидаги шодлик, юрагига жо бўлган Ватаннинг ўз эркига эғалиги...

Улар гапларимга тушунмадилар, аммо мустақиллик томоша қиладиган нарса эмаслигига ақллари етди. Ўзим ҳам телескран орқали сухандон қизнинг айтган сўзларидан қулогимда қолганини гапиргандим. Аммо бир йил олдин қайнабувим, энди ўзинглар мустақил яшанглар, дея оиламизни ҳар жиҳатдан бошқа қилгандан бери маъносига тушунгандайман. Уларга ота бўлиб шоколад, она бўлиб музқаймоқ олиб бердим. Тошкент кўчаларида айланиб юриб, ҳар турли одамларни кўрдик.

— Дадам бўлганда биззиям ҳув анови амакига ўхшаб етаклаб юрарди, — сал нарида кетаётган сиз каби бир қиз ва ўғилчасини икки қўлида ушлаб, сайр қилиб юрган кишини кўрсатиб деди Раъно. Юрагим қалқиб, гандираклашимга оз қолди. Нафас олишим ўзгарди. Кўзёшларим юзимга думалади...

Кечга яқин Тошкентнинг ҳудудсиз осмони қовоқ уйди. Гўё осмоннинг йиртилган жойларига булутлардан ямоқ солингандай, аҳён-аҳён жойлари тим қора рангга кирди. Ҳаял ўтмай, пағапаға булутларнинг момиқ қўйнидан табиатнинг сахий фарзанди бўлмиш ёмғир севалаб ёға бошлади. Гўё аламзада табиат мен каби кўзёш тўкарди...

* * *

Яхши одамлар кўмагида Андижонга, ундан Жийдакапага етиб келволдик.

Ҳа, киндик қоним тўкилган, ёшлигимда елкасида опичлаб катта қилган она қишлоғим — Жийдакапа, ассалому алайкум! Тароватли бағрингдан ўргилай сени...

Кўрксиз бўлса-да, билим булоғи бўлмиш мактаб, бир-иккита ҳашамсиз чойхонаси ва ёнида жамоа идораси жойлашган Жийдакапа.

Бағрида бир неча боғ-роғлар, ёнгинасида жўшқин сой оқмиш бу Жийдакапанинг.

Ҳа, тонглари беғубор, одамларининг дили ундан-да беғубор. Мана шу ерда сиздай йигит севгисига сазовор бўлдим, бахтимни топдим.

Бахтим оғушида эса Аллоҳ берган икки буюк неъматга эга бўлдим. Энди-чи?

Ҳижрон алами дилимда ғавғо қилди. Ҳар доим кўзимга қасрга алишгусиз кўринган уйимиз бу гал бошқачароқ: гўё у ҳам сиздан айрилганига мунғайиб қолгандай туюларди. Не қилай, толемга ёзилган қутлуғ бахт юзига ҳижрон қалами ўз чизигини тортиди. Тоғдай кўнглим уйини харобага айлантирди. Айб ўзимда, сизга мен ўта ишониб хато қилдим.

Опоқойисининг саволига ўғлим:

— Дадам бир ойга бошқа ерга кетибди, — деб жавоб бера қолди.

Қайнабувим ялт этиб юзимга қаради. О, оналар қалби, нақадар сезгир?

— Ҳм, шундай ойигжон, — жилмайишга мажбур бўлдим, — фирма иши билан бошқа шаҳарга кетибди.

Уйга базўр кириб ечиндим-да, дераза тагидаги тушакка чўзилдим: суянганим бир дил эди, дил ўзгага дилдош чиқди, ҳидлаганим бир гул эди, гул ўзгага ҳамроҳ чиқди. Дилим остонасини қаттиқ топтадингиз. Хорлик остонасида кўнглим, дилим куйди букун, бағрим, борлиғим куйди. Айтинг-чи, куйган ерда не ҳосил бўлур? Қону зардоб оққан жойда не гул унур? Шу қону зардоб учун қалбим бир гўр энди. Чунки қалбимнинг гўрлар каби сукут сақлашига, садо чиқармаслигига имоним комилдир. Ҳа, икки фарзандимизнинг ҳаёти, ор-номуси, бахти учун ҳам шундай яшашга мажбурман. Эҳ-ҳа, аввал ойлаб, сўнг йиллаб келмайдиган бўлқолдингиз десам, ўзга ошён қурган экансиз-да, а? Фурбат дарёсига ботганимча, тун ярмига қадар сиз билан кечирган бахтли кунларим, бахтиёр тунларимни эсладим. Гўё ҳаёлнинг тилсимли ойнасида томоша қилдим. Дарвозадан аста кўчага чиқдим. Чор атрофга боқдим, йўқсиз. Сиз борлигингизда ҳам бўлгани каби Жийдакапа сукунат қўйнига чўмган, боғларида эса салқин тун бағри судралар, кўкда юлдузлар беун жилмаяр, ой эса зарҳал шуълалар таратиб, кимсасиз, ҳувуллаб ётган кўчаларни ёритганча, симобдай титраб, қай бир макон сари ошиқарди. Нурли оқшом қўйнида сизни ёд айлаганча анча сайр қилдим. Илк бор учрашган жойимиз, учкўча бошидаги бекатни зиёрат қилдим. Мен мактаб сари, сиз ўқиш учун Тошкентга йўл олган бекат. Кейин эса мактуб келди, мактублар кетидан мактублар...

Ишқ тўла мактублар бағрида эдим ўшанда. Бу ҳол узоққа чўзилмади, тўйимиз бўла қолди. Шу ердан, мана шу кўчадан карнай-сурнай, ёр-ёр садоларига кўмилганча, бахт уйи бўлмиш кошонангизга, оппоқ, ҳарир либосга буркалганимча, дугоналарим қуршовида кириб келгандим.

... Ажабо, ўшанда ёр-ёрнинг мана бу кўринишлари дилимни бир оз хижил қилганди:

*... Андижонда ўт ёқсам, Ўшда тутун ёр-ёр,
Бу дунёда бормикан, бағри бутун ёр-ёр...*

Нега энди, мен севганим билан биргаман, бахтлиман, шунинг ўзи бағри бутунлик эмасми, дея тушунганим букун ўз мазмунини англатди. Ҳа, бу дунёда ҳеч ким бағри бутун эмас экан...

Нақадар бахтли, беихтиёр эдик, ўша кунлари. Бир олмани тенг бўлиб ердик. Бахтимизга кўз тегмасин, дея Аллоҳдан сўрардик. Тангрига шукрлар айтардик...

* * *

Бир ҳафта кўрпа-тўшак бағрида ётиб қолдим. Хиёнат қиличи гўё вужудимни чилпарчин қилгану қонимни, жонимни сўриб олгандек мажолсизман. Қилт этгани мадорим етмас, аммо дилимдаги ғалаён бўрони кўнглим дунёсини алғов-далғов қилар, ақл дея аталмиш денгиз қирғоғини ялаб ўтиб, иродани ўз измига солишга уринарди — қасос сари етакларди.

... Эй Худо?! Аёл деган шафқатни-ку яратган ўзингсан! Нега энди унга қарши разолат, минг қабоҳатни ҳам яратдинг?! Нега? Нима учун?! Биламан, ҳар бир юртнинг ўз ўғриси ва ҳар бир қўйнинг ўз бўриси бор, ҳар бир халқнинг ўз ойини, ҳар Ватаннинг ўз хоини бор! Унда Шалола ким? У аёл зотидан-ку?! Айтгин, эй, Худо? Нега у аёл бўла туриб, мендай бир муштипар аёлнинг инини бузди? Нега у ўз зотини овлади? Жавоб бер, эй, Худо? Нима ўчи бор эди менда? Ким у? Нима деб аташ керак? Ахир, аёл зоти аёл зотини овлаб турса, нега жим қараб турибсан, Худо?! Нечун ёрилмайсан, эй, замин?! Нега қуламайсан, эй, осмон?! Тупроғингни ўт олса бўлмасмиди, дунё!! Эвоҳ болаларимнинг уволи, кўзёшларининг қарғиши тутсин сени, Шалола?! Икки дунёда косанг оқармай ўтсин! Бола деган тирноққа зор бўлиб, у дунёю бу дунё хор бўлгин! Дўзахга дўмбира бўлгин!..»

Машҳурбек шу ерга келганда бир оз тин олди:

— Овчи, Шалолани овчи дебдими? Қизиқ, овчи мен эмасми? Ё... Ҳа, у ҳақ. У — овчи. У ёш, навқирон йигитларни, амалдорларни, энг муҳими пулдорларни овлайди, ҳа, ҳа, пулдорларни. Пулинг тутаган куни кетингга бир тепади. Учиб келиб, эски тос, эски ҳаммомингга тушасан. Унда кеч. Чунки ит ғажиган суякдек қип-яланғочсан. Яна ўша, бир вақтлар кўзингга хунук кўринган аёлинг, ахлат кўринган хонадонинг сени ўз бағрига олади. Яна ўша...

Машҳурбек ғижинганича ўрнидан туриб кетди: «Бунчалар сўқир бўлмасам, — лаблари пичирлади, — олийгоҳда ўқиганим билан сенчалик ақлим, сенчалик дунёқарашим йўқ экан, Жамилам?! Кўр бўлмасам, сендайин гавҳари ноёбни келиб-келиб бир ифлосга алиштираманми? Мен ўта кетган аблаҳман! Аблаҳ!!»

У қўлини куйдираётган дафтар саҳифаларини худди чўғни ушлашдан ҳурккан каби аста варақлади: «Бундай кунларни кўргунча кўзим оқиб тушса бўлмасмиди? Менинг бу ҳолимдан ва ҳар турли кўринишларимдан ўзга бир гумон қаърига чўмган қайнабувим ўзимдан экан, ҳатто болаларимдан ҳам минг ўргилиб, минг айланиб-да, бир сир билолмади. Қўшнимиз Барнога айтган шекилли, у кечга яқин кириб келди. Аммо у ҳам юқоридаги жавобни эшитгач, юзимга сирли тикилди:

— Юзингиз нега бу қадар норанж каби сарғаймаса, — деди ва Раънога юзланиб:

— Ишқилиб даданг янги ая сотиб олмабдими? — дея сўради.

Юрагим жиғ этиб кетди. Ер тагида илон қимирласа билади-я. Ўпкам оғзимга тикилиб, қизариниб ўзгарганимни пайқади. Тоқчадан нимадир олаётган қизим:

— Дадам ақлли одамлар, — деди хўмрайиб.

— Қўш-қўш хотин олаётганлар ақлсиз деб ким айтди сенга, она қизим?

Раъно бу гал сўзсиз еб қўйгудай ўқрайди-да, ташқарига отилди.

— Қўйинг, кўнглини чўктирманг, — зорландим, — бир куни келар, келмай қасргаям борарди?

Барно ялт этиб қаради-да юзи ўзгариб кетди. Чунки унинг тақдирига ҳам бу қора вабо ёпишган бўлиб, беш-олти йилдан буён онаси билан ёлғиз яшайди. Суйиб олган синфдоши уни фарзандсизликда айблаб, устига уйланиб олган.

— Буларни ер ютсин, — жаҳл билан деди у, — мени-ку тирноқсизлигим сабаб, сизни-чи? Гулдай икки боланинг юзи йўқми?

Шундагина сирни ошкор қилиб қўйганимни пайқадим. Нима дедим ўзи: «... бир куни келар...». Кўз олдим қоронғилашди. Тилим қурсин, қалбим, дилим яширган сирга дushman — тилим гуллаб қўйди.

— Бир шаҳарлик суюғоеқларга тўйсин, — яна тўнғиллади у, — қайтиб келганда кўраимиз ҳали...

— Беш қўл баробармиди, — зор ялиндим, — энди гапирганингиз билан фойдаси йўқ. Фишт қолипдан кўчиб бўлган. Ҳеч ким билмайди лекин. Илтимос сиздан, ҳеч ким билмасин.

— Билдирмасак-да, ўзлари меникига ўхшаб сездирадилар, ҳали етаклаб келмаса гўрга эди.

— Дарвоқе, ўзи етаклаб келса-я?
— Энди кўп куйинаверманг, ўзингизни қўлга олинг.
— Пулингизни сал кейинроқ...
— Ташвиш қилманг, — шарт бўлди гапимни, — Жаҳонингиз жони дилим, мендан унга совға бўла қолсин. Менга қаранг Жамила, мен билан бирга ишламайсизми?

— Қандай бўларкин?
— Шеригим пенсага чиқди, дирихтиримиз янги ходим ола-миз, деганди. Сизни шерик қилиб беришларини сўрардим.

— Машҳур акам...

— Қўйинг ўша Машҳурингизни. У ялло қилиб юрсинда, сиз бу ерда икки бола билан заҳар-заҳқумлар ютиб ўтиринг. Сиз эрга тегаётибсизми-ки, Машҳурдан истиҳола қилсангиз, гуноҳ деб қўрқсангиз! Сабаби тирикчилик. Қайтанга севинса керак, у номи улуг — супраси қуруқ!..

Шу пайтда бешакл хаёлларим манзили бўлмиш бошим гўё туманга кўмилгандай, юрагим санчар, вужудим карахт эди. Одам тафтини одам кўтаради, деганларидек, нима қилиб бўлса-да, Барно мени бирга ишлашга кўндирди.

* * *

Кўзларини уқалаб Жийдакапа уйғонди. Унга қўшилиб намозхонлар, келинлар, қиз-йигитлар уйғондилар. Борлиқни титратиб азон айтилди. Тавба, неча бор айтилган азонларнинг бири-ку, лекин бугунги азоннинг ҳазин садоси қалбимни тилкалаб ўтди. Юрагимда туғён бош кўтарди: «Эҳ, Машҳур ака! Нималар қилиб қўйдингиз? Онамиз кундан-кун кексайяпти. Парваришга зор улар. Бу табаррук зотни тополмай ҳам қоласиз. Бу томондан эса мени уйла деб инингиз турибди. Қизимиз ҳам кўзга кўриниб боряпти, сеп қилиш керак. Жаҳонни ўқитиш керак. Ўйласам, ҳали бизга кўп пул керак экан. Шун-чун, сиздан берухсат бўлса ҳам Барно билан ишлашга қарор қилдим...»

Жийдакапанинг чанг қўнган кипригида тонг нури жилвалана бошлади. Аста ташқаридаги ҳаёт оғушига шўнғиганимни сезмай қолибман. Кўк юзида каптарлар мисли раққосадай чарх урар, айвон пештоқида мусичалар, ҳовли юзидаги дарахтлар бутوقларида эса чумчуқлар гурунги авж олган. Туни билан баргларга қўнган шабнамни зиё ютган. Назаримда, дунё ёруғлик завқидан ва табиатнинг бу ажиб манзарасидан энтиккандай туюлди.

Дилимда умид тўла нур билан мактаб сари отландим. Учкўчада Барно ҳамроҳ бўлди.

— Магазинда ишим бор эди, — кўришиб туриб жилмайди у, — мудири Фаппор акамми дўсти бўладилар. Кеча бир хат бериб эди, хаёлда йўқ уйга опкетиппан, ҳозир бериб чиқдим.

Иккимиз директор хонасига кириб борганимизда, у киши ни-мадир ёзиш билан банд эди. Бизни кўрибоқ ўрнидан турди ва эски қадрдонлардек илиқ сўрашди. Қип-қизил юзида деярли ажин йўқ. Пайваста қошлари остидаги чақнаб турган кўзлари ва бар-васта тик қоматини кўриб, аввалдан танишдек кўзимга иссиқ кўринди, аммо эслаёлмадим. У киши ўз ўрнига, бизлар эса қар-шисидаги диванга ўтирдик.

— Янглишмасам, исмингиз Жамилахон, а?

— Ҳм, шундай.

— Ие, ановини қаранг, бу Машҳур ака юрибдиларми? Дуго-нангиз неча кундан бери шу ўртоғимни шерик қиберасиз деб, ҳол-жонимга қўймади. Қалай, бизда ишлашга кўндингизми?

— Ҳм, шундай.

— Машҳур ака билдиларми?

Саросимада Барнога қарадим. Не кўз билан кўрайки, ҳозир-гина тўлин ойдек чарақлаб турган дугонам чеҳрасида тундлик пардаси зоҳир эди.

— Таниш экансизлару, мен эса... — у дўрдайди.

Директор хоҳолаб юборди. Бундан терсланган Барно чиқиб кетмоққа шайланди.

— Барнохон, — деди у киши кула-кула, — таниш ҳам гапми, биз бу киши билан мактабдошмиз. Машҳур акамдан икки синф мен, мендан икки синф пастда Жамилахон ўқиганлар.

Ҳалигдан бери юзини нимтабассум қоплаган Барно бирдан асли ҳолига қайтди. Нега энди, менга яхши муомала қилса унинг гаши келади. Ахир ўзи етаклаб келди-ю? Аллоҳдан ўргилай, сиз тўғрин-гиздаги ҳар икки саволга ҳам гап оралаб, мени хижолатликдан қутқарди. Негадир директор зимдан тикилиб қарар, ҳар қараган сайин Барнодан уялиб, лола янглиғ қизарардим.

— Иккингишни ўқимишли деган жиндай қоғозингиз бўлганда эди, — деди директор, — муаллима қилиб ишлатган, очиғи бирин-гизни ўринбосар, бирингизни мудира қилиб олган бўлар эдим. Наилж, ҳа энди фаррошлик ҳам бир ҳисобда яхши, жўн иш. Бўпти, бугундан бошлаб ишга чиқаверинг.

— Раҳмат.

Севиниб кетдим. Минг қилса-да мактабдошлик қилди. Агар бегона ердан келганда борми, астар-аврамни титган ё ишга олган ё олмаган бўларди. Чиқиб кетмоққа қўзғалган эдик:

— Ие, бир оз сабр қилларингиз, — деди шошилиб.

— Ёдидан кўтарилди, дегандим, — кулимсиради Барно.

— Айбга букормаيسىз Жамилахон, — директор энди бир оз жиддийлашди, — озгина расмийлаштирадиган ишимиз бор. Таги нозикроқ бўлгани учун қалъа деворини бир оз мустаҳкамлаб оламиз-да.

Тушунмадим. Ниманиям тушунай? Ахир умрим уй юмушию, бола тарбияси ва дала иши билан ўтса.

Шу пайт директор энкайиб, стол тортмасидан зангори муқовали, зарҳал ёзувли семиз китобни олиб, олдимга қўйди.

— Яқинроқ келинг, Жамилахон! — илтифот кўрсатди.

Ўрнимдан туриб, китоб юзига кўз югуртирдим: «Қуръон».

— Танидингизми?

— Ҳм, Аллоҳ томонидан нозил қилинган китоб.

— Онаси катга отинойлар-да, — деди Барнога қараб, — бу китобнинг қудратини сизу биздан мукамалроқ биладилар.

— Унда кўнмайди, — хавотирланди Барно.

— Савобли иш учун кўнмоқ, Аллоҳни рози қилмоқдир. Нима, биз одам ўлдиргани қасам ичармидик. Хуллас калом шу китоб гувоҳлигида Жамилахон, Аллоҳ номига қасам ичасиз.

Устимга қайноқ сув сепилгандай сесканиб кетдим. Чунки, онамнинг айтишича, ўтган замонларда кишилар жиноятчиларнинг айбини аниқлаш учун «Қуръон»дан фойдаланганлар. Айбдор айбини бўйнига олмай, халқ олдида орият учун бу китобни ушлаган кимсалар жинни, ё бирор даҳшатли воқеага гирифтор бўлиши турмушда кўп кузатилгани, «Қуръон» энг қудратли кучга эгалигини кўп марталаб айтардилар. Унда мен нимага қасам ичаман? Нима айбим бор мени... Ё манови киши...

— Ўйлаб қолдингиз? — сўради йирик-йирик кўзларини хавотирли кўзларимга қадаб директор, — қўрқяписизми?

— Нима айбим бор мени?

Директор яна хонани бошига кўтаргудек қилиб хохолади.

— Вой содда тушмагур-эй, — ёшли кўзларини бармоғи билан сидириб, тикилди, — сизни биров айбдор қилаётгани йўқ.

— Мен ўзим эплейвераман, — деди Барно, — жудаям оғир иш эмас-ку!

— Шеф илтимос қилган, шефга керак.

Мен яна тушунмадим:

— «Шеф нима?».

— Ҳм, — Барно қийғоч қошини кериб қўйди, — айтдима, айнан шу номзод учун мунчалар куйиб-ёнмаса деб... Гап бу ёқда экан-да, а? Ҳм, қўрқманг, — деди мени чиганоғи билан туртиб, — мениям шунақа ҳазил билан ишга олганлар. Ишимиз у ёқ-бу ёққа хат ташиш холос.

У ҳозиргина қишлоқ магазин мудирига хат бериб чиққанига ишора қилмоқда эди.

— Иннайкейин, — давом эттирди Барно, — Гаппор акам бу ерда бир гуруҳ ўсмирларни эскича илмга чуқурроқ ўргатиб, каратэ билан ҳам шуғуллантирадилар. Иннайкейин, ҳалиги каратэни сир тутмоқчилар.

— Эскича деганингиз диний илм, — тузатиш киритди директор, — сизга бу борада кўп танбеҳ бераман, Барно!

— Диний илмни ҳам чуқур ўқисалар савоб-ку, — деб юзландим Барнога, — ахир бу яхши иш-ку!

Дугонам эркаланиб кулди. Тавба, бошлиқни худди ўз акасидай кўраркан-а?

— Ундай бўлса, ўғлимни ҳам шу мактабингизга қабул қилмайсизми?

Директор жонланди:

— Қасрда ўқийди?

— Шу ерда.

— Ие, шу ерда? Ҳм, кундузи денг?

— Йў-ўқ, — Барно суҳбатга аралашди, — диний мактабга демоқчилар.

— Жоним билан, пешиндан кейин тўғри масжид имомининг олдига бораверади.

— У кишига ўтган йили учрасам кўнмаганлар.

— Мени айтди десинлар.

— Раҳмат сизга.

Анчадан бери орзулаганим шу топдаёқ ушалганидан севиниб кетдим. Чунки зеҳни ўткир Жаҳонгиримни албатта бу илмда ҳам зўр чўққиларни эгаллашига имоним комил. Онамнинг таъкидлашича, бу илмни ўқи деб фарзандига хитоб қилган одамнинг пешонасига Аллоҳ ўша топдаёқ жаннатни битаркан.

— Ойига қанча тўлайман?

— Ўғлингизни ўқишигами? Бир пул ҳам бермайсиз. Мендан сизга ёрдам бу. Фақат бизнинг ишгаям кўмаклашиб турсангиз бўлгани. Лекин мактаб ишини шомгача тугатишинглар шарт, Жамилахон!

— Майли.

— Бу ерда нима иш бўлса сир тутаман дея...

Директор айтгандек иш тутдим. Китобни олиб ўпдим ва аввал кўзларимга, сўнг пешонамга суртиб, қасам ичдим.

* * *

— Барно, — ташқарига чиққач унга юзландим, — кўнглимнинг бир чети ғаш, чироқ ёқсангиз ёришмайди.

— Яна нима бўлди?

— Нега энди ҳамма ерда очиқ-ошкора бўлаётган каратэни сир тутмоғимиз лозим?

— Э, — қўл силтади у, — телевизорга бирданига чиқмоқчилар. Шунгаям ота гўри қозихонами!

Шеф нима ёки кимлигини ҳам сўрамоқчи эдим, лекин оҳангидаги жеркишни сезгач, бошқа индамадим. Ошпазларнинг бошлиғидир-да, дея гумон қилдим-қўйдим. Негаки, шеф повур деган сўзни кўп эшитганим бор. Шу пайт мактаб биқинидаги кичкина хонадан гўлабир йигит чиқиб келиб:

— Илтимос, Барно опа, Гаппор акамми телефўнга чақиряпти, айтиб қўйинг, — деди.

Барно эшикни қия очиб, йигит илтимосини етказди.

Дунёнинг ишлари қизиқ. Шу куни ишга ҳам кирдим, Барнонинг тилидан тушмайдиган Фаффор ака кимлигини ҳам билдим. Фақат нима учун қасам ичдим, шеф кимлигини тушунмадим, лекин ўша каратэда қандайдир сир борлигини аниқ сездим.

Йўлда ёнма-ён уйга қайтарканмиз, иккимиз ўз хаёлларимиз домида эдик: «Умрим даргоҳида мени яна қандай сир-синоатлар кутяпти? Мен сизни умримнинг қайси бурчида авайлаб-асрадим ва қай ерида бир умр айрилдим. Тақдир нега иккимизга кулиб боқмади? Бахт деган бадбахт нега биздан юз ўтирди? Нега устимиздан кулди? Эвоҳ, тақдирим бошида мунча қамчи ўйнамаса?»

— Нима бўлди? Мунча хомушсиз?

— Неча йиллардан бери умидларим бемадор қушлар каби талпина-талпина чарчади. Мундоқ ўйлаганда, бу дунёда менчалик нотаваон фақир бўлмаса керак.

— Яна ўша номардни ўйлаялсизми?

— Унга нималар қилганимни ҳаётим бўйлаб изладим. Лекин мендан нима гуноҳ ўтганини хотираларим қаърини титкилаб-да тополмадим...

Кўзим пардасини ёш қоплади. Барно эса маҳзун қараб қўйди, ammo миқ этмади.

* * *

Бедор тунларим роҳатнинг юзини кўришдан маҳрум кунларимнинг бирида, кечга яқин онам келди. Қайнабувимнинг боши осмонда, ҳар гал онам келганда шунақа қувонадики, таърифга тил ожиз, қалам ожиз. Шунинг учун, аёллар тилидан тушмайди-ган, қуда-қудага барибир қуда-да, деган гапга мутлақо ишонмайман. Ош-томоқ ўтгач, узоқ суҳбатлашиб ўтирдик. Қайнонам ухлаш учун узр сўраб чиқиб кетгач, ғамларимнинг изи буткул ўчмаса-да, онамга ёрилгим келди. Ахир онадан ўзга яқин инсон борми дунёда?

— Ойижон, азобларга боқавериб нигоҳим толди, қисқаси, яшашдан толдим, — бор гапни айтиб бўлгач яна дедим, — бир умрга беором йўлда қолгандайман. Ўтаётган кунлар эса умримни нимталаяпти... Бу дардларга қандайин тоқат қилай? Бировга айтсам гап, айтмасам ичим тўла дард, ойижон!

Юрагига санчилган изтироблар захмидан онамнинг юзлари бужмайиб кетди:

— Сени нечоғлик ўт устида турганингни билиб туриппан, — дедилар ҳорғин, — сен туғилган вақтда мен ҳам шундай кунларни кўрганман.

— Наҳотки? — қотиб қолдим, — дадам..., наҳотки?

— Ҳм, ўша меҳрибон даданг ҳам менга шундай кунларни раво кўрган.

— ...?

— Сиз нима қилгансиз, деб сўрамоқчисан. Ҳа, мен ўзимни чалғитиш мақсадида илм олгани отинойининг олдида борганман. Ўшанда отинойи энг буюк ҳаётий масалани, яъни ўтган улуғлардан қолган бир меросни сўзлаб берганлар...

— Мен ҳам билсам бўладими? — сабрсизландим.

— Албатта, болам, Биби Фотима онамизнинг устига ҳам кундош балосини юклаганлар. Бунни кўра-била туриб, ҳазрати Муҳаммад алайҳиссалом пайғамбаримиз севимли қизларининг

ҳолига ачинса-да, куёвига нисбатан бир оғиз сўз айтишга журъат этолмаган эканлар. Шундай улуғ авлиёлар шу ишни қилганда, уларнинг олдида бизнинг эрларимиз ким бўлибди? Оёқлари остидаги тупроқдирлар...

Лағча чуғ бўлиб ёнаётган дилим бир оз таскин топгандай бўлди. Онам яна сўзлашда давом этди:

— Сен атак-чечак бостан кунларда, мен эса «Қуръон»ни ўқишни бошлаган дамларда даданг кириб келди.

— Кириб келди!

— Ҳа, кириб келди. Ҳеч иш бўлмагандай кутиб олдим.

— Нега? Ахир..?

— Ҳа, мен диний илмни чуқур билмасам-да, инсонлар ўзлари қилган гуноҳлари туфайли жаннати ёки дўзахи бўлишларини англаб етгандим, болам. Шу ваздан дадангга раҳмим келарди.

— Ниҳоятда бағри кенг аёлсиз-да, ойижон! Сизни хўрлаб таҳқирласин-да, сиз яна кечиринг! Бунақа иш менинг қўлимдан келмаса керак ойижон!

— Ҳа болам, аёл зотига номатлуб энг олий таҳқир дея ўйлаган ҳаёлларим юзига тупурдим, тупургандим.

— Тушунмадим?

— Ақлни мундоқ ишлатиб кўрганимда, аслида энг олий таҳқир эгаси даданг эди.

— Дадам? Наҳотки?!

— Ҳа, даданг. Боя айтганимдек, дунёда инсонлар томонидан зоҳир этиладиган катта-кичик гуноҳлар бор. Булардан энг улуғи — ишқдан совиш, фарзанддан тониш. Бу ахир мунофиқлик, гумроҳлик-ку? Ахир бу гуноҳни қилган одам номус қилиши, иймон азобига дучор бўлиши керак эмасми?

Шу ерга келганда Машҳурбек қўлидаги чаёндек чақаётган лафтарнинг юзини шарт ёпди-да, уйнинг бурчагига қарата отиб юборди:

— Эй, Дунё? — қалбининг қаъридан отилиб чиқди нидо, — ғаму аламлардан сиқилаётган дилимни мунча ўртайсан? Бағримни мунча тилка-пора қиласан? Қатламанинг қатидек қатланган ҳасратларим мени ҳар тун илон бўлиб бўғяпти, еб адо қиляпти? Кўрмаяпсанми, эй, Дунё?! Сенга берадиган ва сени безайдиган ҳеч вақоси йўқ бир гадойман, гадой. Йўқ дейсанми? Йўқ бўлса ке, мени у Дунёга оғиб юбор! Зора ғамларга қорилган вужудим ором топса! Ие, нега юзинг буришади? Нега? Ҳа-а, отиш қўлингдан келмаяп-

тими? Ҳм, мана энди тушундим. Шунинг учун бағрингда мендек химсалар ҳам изғиб юраркан-да, а? Ҳа, мендек разил, малъун, мунофиқ ва гумроҳлар, қисқаси, бағри, юзи қоралар. Бардошингга балли-е, Дунё? Нима дединг? Бу менинг ишим дедингми? Бунда келган ҳар бир кишининг иши азоб чекиш дедингми? Эҳ-ҳа, ғалати экансану, ҳали бу ғавғоларни бошимга ёғдирган ва ҳолимни томоша қилган сенмидинг? Вой-бў, мен бундан беҳабар сенга арз қилиб ўтирибман-а? Қилар ишинг пасткашлигу, яна мунча мағ-рурсан. эй, Дунё?! Ниманг бор ўзи? Фақат тўрт тарафинг ва шовқ-ин-сурондан иборат пастлигу юксаклигинг, топдимми? Мен эса ўша тўрт тараф ичига маҳкум этилган қулман, ҳа, қул. Ҳа, сенинг найрангларингга чидаб, амри фармонингни бажаргувчи-ку! Англадимки, сендан фақат ўлиб қутулиш мумкин, эй, Дунё! Ундан бошқа илож ва нажот йўқ, Дунё!!

У шарт ўрнидан турди ва қилган гуноҳидан уяла-уяла, кўча-ни чулғаган зулмат қаърига шўнғиди:

— Ҳм, мен энг олий таҳқир эгасиман! — пичирлади лаблари.
— энг олий таҳқир!..

Кўзёшлари томоғига тиқилиб келди, аммо йиғламади, йиғла-ёлмади. Негаки, ҳозиргина Дунёнинг устидан кулиб, писанда қилгани боис унинг олдида йиғлашни ўзига эп кўрмади. Кечанинг қоронғи ранги баттар юрагини сиқди. Еру кўкни музлатган сукут бағрида афтода жисми тентирай-тентирай, яна уйга қайт-ди:

— Пешонамга сиғмаган гулим, — бу гал ўзини тутолмай йиғ-лаб юборди, — кўнглим ярим, дилим ярим, қалбим ярим, жоним ярим! Унга сен кераксан, Жамилам!? Лекин, сени мен..., сени мен ўлдириб бўлганман. Энди эса, фақат Аллоҳдан сенга раҳмат нурининг ёғишини тилашдан ўзга чорам йўқ.

У хўрсинганича келиб, жойига чўзилди. Кўзларини юмиб, дафтарга терс ўгирилиб ётди. Аммо дафтарга эмас, назарида ўзини Жамилага тескари қарагандай ҳис қилди. Қалби, юрагига бўйсунмаган кўзлари беихтиёр дафтарга бориб қадалди. Ихти-ёрсиз-ихтиёрий борди-да, уни қўлга олди ва юзидан ўпиб, бағри-га босди:

— Мени кечир, Жамилам!

Саҳифаларни варақлаб, тўхтаган ерини қидириб топди ва аста ўқишга тутинди: «Қутлуғ бир туйғуни туя бошладим. Бу туйғу эса гўё бошимни чулғаган қоп-қора рўёни қувиб солди. Ҳа, бир

мартага бериладиган умрни минг хил хаёллар қийнашига изн бермасликка аҳд қилдим.

— Кетар, кетар, кўнгли кетар, — ҳорғин жилмайди онам, — бир куни кўнгли қолар-да, кириб келар. Шайтоний ҳою ҳаваслар ҳам кўнглига урар. Қизим, Барнохон билан бирга ишлашни тўғри ўйлабсан. Иш билан овунсанг, юрагингга кўмилган дарду ғамлар чекинади. Ахир иккита кўзмунчоқдай болларингга кераксан. Уларда нима гуноҳ, болам...

Шу куни қисматнинг кўчаларида тентираб, беун йиғлашларни бас қилдим. Изимни туманли йўлларга солишдан қайтдим. Ҳа, онам билан бўлган суҳбатдан ҳаётда ҳар не ишда собит туришдек, қисқаси, мардларча яшашдек сабоқни олдим...

Яна, келинчакдай баҳорнинг ҳар йили такрор келиши, такрор гуллагувчи атиргуллар ва жийдаларнинг хушбўй иси, ҳансираганча ҳовуз лабидан, гуллар юзидан ўпич олган шамоллар, замин бошига оппоқ ҳарир рўмол ёпгувчи ва унинг устидан беҳисоб кумушларни жаранглатиб сочишдан толмайдиган қиш, хазонларини ўзга фаслга қолдирмай йиғиб олувчи ориятли куз, зилол сувлари чулдираганича қўшиқ куйлаган анҳорлари бўйидаги ҳиди етти оламни тутган ялпизлари ила бутун дунёни ўзига мафтун айлаган ёз, бутуқлардаги қушларнинг сасию осмону фалакка талпингувчи учқур хаёллар, ҳамма-ҳаммаси яшашга ундадилар, ундайвердилар. Энг муҳими, ҳамон бир хаёлий қуёшдай бутун борлигимни ёритиб туришингиз мени ўлимга бермади. Ҳасратлар тўкилиб, тош қотган дийдалар эриди. Улар Худога ялиниб ёлвориб биз учун бахт сўрадилар. Мундоқ ўйласам, тақдир ҳар биримизни ўтдан олиб, ўтга соларкан. Шун-чун армонлар арғамчисида учини тарк айладим. Номингизни эса, жодугар фалакнинг кўксига қадаб қўйдим.

Ҳа, онадан қайта яралдим гўё...

* * *

Мактаб ҳаёти менга ёқиб қолди. Деярли осма дорга осгулик иш йўқ, лекин зўр. Барнонинг айтишича, муаллимлардан ҳам кўп маош оламиз. Негаки хат, кичкина халтачани у ёқдан-бу ёққа ташийдиган қўшимча ишимиз ҳам бор-да...

Мактабдан қайтган Раъно чеварлик хунарини ўргангани Адол аянинг олдига, Жаҳонгир эса масжидга, имомдан янги сабоқ олгани кетадилар. Уларнинг кетидан ўзим ҳам мактаб сари чопа-

ман. Бошлиғимиз айтмоқчи, ишни шомгача тугатишимиз зарур. Мактаб ҳаётини тебратган ўттиз-қирқ чоғли ўқитувчилари бўлиб, деярли бир-бирларимиз билан ишимиз йўқ. Озодалик жойида бўлгач, нимаям дейишлари мумкин. Мен учун ажратилган хоналарни супуриб-сидираман, ёғ тушса ялагудай қилиб юваман. Секин-секин ўзим ва болаларимнинг уст-бошларини ўнглай бошладим, егуликларимиз ҳам жонланди.

Аста-секин уйга қамалган ва фақат қайнона, эр буйруғидан чиқмай яшаган фикрларим ўса борди. Маошлардан жамғариб юриб, аввал қизимга, сўнг ўзимга тилла зирак ва узук олдим. Жаҳонгирга эса куёвлар кийгудек либослар ҳадя қилдим. Чунки сиз фалончи фирманинг бошлиғи бўлганингиздан кейин болаларингиз ҳам шунга мос кийиниши, ўқишлари керак-да.

Барно орқали бошлиғимиз Фаффор аканинг данғиллама ҳовли-жойларга, турли хилдаги машиналарга эгалигини, Тошкентдаги қариндоши йирик жойда ишлашини, доимо жиянини қўллаб-қувватлаб туришини билиб олдим. У кишининг хотинига ҳавасим келди. Бир сўз билан айтганда, егани олдида, емагани кетида бўлса керак...

Шу кунгача чизигингиздан чиқмай келдим. Энди эса иш, янги ҳаёт бошладим. Болаларимни кийинтириш, едириш керак. Сиз эса топганингизга эга топибсиз. Бизлардан совибсиз. Сиз энди Тошкентдай гўзал, озода шаҳарнинг қизига тенгсиз. Мен эса... Қишлоқда тайёр нарса кам. Тандир, ўчоқ, сигир, қўй деганларидек. Оёғимда шиппак ўрнига резинка калиш, ишга бориш учун бежирим туфли ўрнига қўпол этик. Чунки дала кесаклари туфли умрини икки дақиқадан оширмас. Энг ширин атир ўрнига тер ҳиди анқигач, албатта биздан совийсиз-да. Сиз севган аёл покиза юриб, покиза ишласа керак. Албатта-да, домларда қўлларни қорайтирадиган тандир-ўчоқ не қилсин? Ҳиди ўзингга урадиган бузоқ-сигир борми? Менимча ойингиз, инингиз, синглингиз ҳам биз тўғримизда анча-мунча совуқ гаплар қилишган. шу сабаб биздан меҳрингиз сўнган. Сизнинг севган гулингиз эса бундан мустасно. Фақат сиз учун яшайди: кутади, эркалайди, кузатади. Икки қоринга бир бармоқ овқат-да...

Мен каби сизни ташвиш уясига рўбарў қилмаса керак. Севганингиздан ҳам фарзанд туғилар, асаб торлари ҳам узилар, сўнг етарсиз бизнинг қадримизга. Ўша бахтиёр аёлни уйга опкелиб, оила аъзоларингиз билан бирга бир ой яшаптингизни истардим.

Қани, унга боғланган севги ришталарингизга дарз кетмасмикин?

Аввал сиз ҳақингиздаги уйланиш янгилигини ойингизга айтмоқчи, сўнг ўз уйимга, қизлик умрим ўтган ҳовлига кўчиб кетмоқчи ҳам бўлдим... Йўқ, ойингиз сизни бу умидда катта қилмаган. Шундоқ ҳам ғаму ҳасратлари ўкинчлари бардошини ёриб яшяпти.

Кунда «анови Азимжоннинг катта ўғли ҳам пирма бошлиғику», дея ўксигани ўксиган. Айтсам, сизни бу йўлдан қайтармоқчи бўлиб, ҳар турли ишлар, сўзлар қилар, оиламизда бир оз тўкин-сочинлик бўлар, бўй етган укангиз уйланар, аммо мендан кўнглингиз бадтар-да қолар. Бу аниқ. Ҳам бу дамғазалар қишлоқ бўйи овоза қилинар, болаларингиз боши ҳам бўлар. Сиздан меҳри бир оз совурлар. Совумасалар-да диллари ўксирлар. Бўйни қисилиб, мунғайиб қоларлар, юзларига заҳиллик урар. Уларнинг бу ярим етимлик қиёфаларини кўриб мен чидарманми? Йўқ!! Ундан отамиз палон жойда бошлиқлар дея кўтаринки руҳ ила шод-хандон юришлари менинг ярим кўнглимга ямоқ бўлиб тушмасми? Тилкаланган қалбимга қадоқ бўлиб турмасми? Бу каби андишалар онамнинг олдига кўчиб кетишга ҳам йўл бермади. Ғамлар даштида куйиб адо бўлган қалбига дўсту душманлари чўғ ташламасинлар, дедим.

Ўйлаб кўриб, умр йўлида айқаш-уйқаш шому саҳарлар, хатарлар борлигини хаёлимга ям келтирмабман. Инсонлар дунёсида бу қадар разилликлар, қабоҳатлар борлигини ўйламабман ҳам. Инсонлар дунёсида эмас, тошлар дунёсида яшагандекман. Мен энди сизнинг, умуман оилангиз тасарруфидан чиқдим. Шунинг учун биринчи бор сиздан бесўроқ иш тутдим. Яшаш учун, болаларнинг келажаги учун ишлашни ҳаётим мазмунига айлантирдим.

Бир шоир айтмоқчи:

*Мунофиқлар боғи кўкармагай ҳеч,
Худбин гулзорида булбул куйламас.
Гўзаллик сирини ҳис этмас тўнғиз,
Бахиллар кўнглига нур инган эмас.*

Бахт дарёсини бор ўзани билан сизга бердик. Бизларга жилағалар ҳам бас! Шодлик диёрини сизга бердик, бизга алдансак-да ишониб яшаш! Сизга баҳор қучоғини бўшатиб бердик, бизга қор-

лар ёққан қиш ҳам бўлса бас! Сизга бор яхшилик тоғини бердик! Бизга дийдираган бўлса-да садоқатнинг ўзи бас!

Бир умр фарзандларимиз қаршисида жимгина куйиб, соғинганда ҳаёлий суратингизга термулиб яшаш қисматимга айланди.

* * *

Ишларим жойида. Пешиндан кейин мактабда зоғ ҳам қолмайди. Кўрсатган жойларни тозалаб, уйга қайтаман. Иш вақтигача оила юмушлари билан гоҳо инимизнинг хўжалик ишларига ҳам қарашаман. Чунки, қишда инимиз етиштирган полиз маҳсулотларидан тортинмай ишлатишни ўйлайман. Энди ҳою ҳаваслар ҳам кўнгилда ниш ура бошлади. Октябрнинг ўнида Раънонинг туғилган куни. Нима қилсам экан, дея дилдан тайёрланиб юрган кунларимнинг бирида, роса Тошкентга бориб келганимизга ой тўлди, деган куннинг пешинида кириб келдингиз. Ҳайтовур уйдагилар олдида ёлғончи бўлмадим.

Дадам туғилган кунимга келди деб, Раънонинг шодлиги беқиёс. Жаҳонгирни сўраган эдингиз:

— Укам имомда диний илмдан таҳсил оляптилар, — суюнчилади Раъно.

Ҳеч бир сўз демадингиз. Раъно эса мулзам бўлиб менга қаради. Кўзимни қисиб далда бердим.

— Бекор юриб ҳар турли гуруҳларга қўшилиб қолмасин, — деб...

Гапим бўғзимда қолди. Шунақа ўқрайиб қарадингиз-ки, гапирганимга пушаймон едим. Юрагимга битиз бўлиб қадалди. Сизни мен хавотирланган, қилмишидан уялган каби кутгандим. Сиз эса аксинча, ҳеч нарса бўлмагандек парвойи фалак.

— Дада, борсак бошқа шаҳарга кетган экансиз.

Ток ургандай сесканиб кетдингиз. «Ҳм, гап бу ёқда экан-да...»

— Сизлармидиларинг? — деб жавдирадингиз.

— Ҳа, ишингиз битдими?

— Ҳм, қизим, битди.

— Дада, туғилган кунимни бирга ўтказамиз, а?

— Ҳм, қачон?

Ўн кун қолганини айтганда рангингиз ўзгарди. Ишингиз кўплигини айтиб, қўлига бир даста пул бердингиз. Бунни кўрган ойингизнинг жаҳллари қўзиди. Сизнинг оталик меҳрингиз қад-

рини бу қоғоз пуллар боса олармикин? Қизингиз дилидаги сизга зор, ташналик тафтини шу арзимас қоғозлар билан қадрлаганингизни ҳис қилдингизми? Раъно пулни секин сиз ўтирган тушак устига қўйиб, туриб кетди. Сиқилган кўксимдан силқиб, кўзларимга қуйилиб келган ёшни сездирмаслик илинжида ташқарига отилдим. Дилимдаги алам, юрагимдаги аланга қоришиғи вужудимни ўртади. Шу топда тақдирнинг зулмидан дод дегим келди. Начора!

Юзларимга думалаб тушган биллурдай доналарни титроқ қўлларим ила сидириб улгурмай, ортимдан чиқдингиз. Шарпангизни сезиб, уйга отилдим. Чунки сиз билан бўлгуси суҳбат бир маромда, бахтиёр кунларимиздаги каби осуда бўлмаслигини англаб турардим. Бир қурига, ўжар ва мағрур хаёлларим сиригизни фош қилишимга ундади. «Қараб турасанми, балларасини очиб ташла!» — деди. Сабрим эса қайтарди: «Сабр қилсанг, ғўрадин ҳалво битар».

— Қачонгача болларни менга қарши қайрайсиз? — лишқирдингиз гезариб.

— Нима-а-а? — товонимгача зирқираб кетди, — нима деб қайрапман?! Буни ўзларидан сўраб билинг! Агар қайраганимда, бунчалар меҳри товланмасдилар.

— Пулда нима гуноҳ? Ёш бола пулни кўрганда севингучи эди.

Шу пайт кўзларим тўла ёш ўрнини нафрат эгаллади, дилимдаги меҳр ўрнини қаҳр:

— Наҳотки, дунёда пулдан ҳам юқори турадиган нарсалар борлигини билмасангиз? Наҳотки, сиз учун ҳамма нарса пул билан ўлчанса?! Йўқ! Сиз қўрққан олдин мушт кўтарар каби дағдаға қиляпсиз, шу йўл билан тинчитмоқчисиз? Кеч қолдингиз? Чунки ўлган одамга на дағдаға, на меҳр кор қилур, кечирасиз! — деб кетмоқча шайландим.

Сиз эса бўзрайганча йўлимни тўсиб:

— Сизни нимагиздан кўрқаман? — дедингиз писанда қилиб, — сиз кимсиз-ки, сиздан кўрқсам...

— Аёллигимдан ҳайинқмадингизми? — қаҳрим ҳайқирди, саволга савол билан юзландим, — аёллик шаънимни улуғловчи икки боладан-чи?

— Э-э, — қўл силтадингиз, — катта бўлишгач, севги асосида қурилган турмушнинг лаззатини билишганда менинг қадримга етадилар.

Кўз олдим қоронғилашди. Тилимнинг учидан то оёғимнинг учигача музлаб кетдим. Ҳали содда ишончимнинг руҳимга кўп озорлар етказишини англадим. Орзуларим саробдай битганини, тақдирим йўлларида ёлғизлик кутаётганини сездим. Аслида бу дунёнинг ёлғонлари кўплигини энди тушуниб етдим.

Шу пайт онам билан бўлган бир суҳбат ёдимга тушди: «Э, болам, — дегандилар насиҳат қилиб бир куни, — ошиқлик чўғдай, совиса кулдай дейдилар. Ишқилиб, сени бу йигит аро йўлда қўймаса деб қўрқаман.

— Йўқ, худди сиз айтган эртак «Тоҳир ва Зуҳра»даги Тоҳир-дек соф, аяжон, мана кўрасиз.

— Ишқилиб Тоҳир ва Зуҳра бўлганларнинг рости кўчсин-да...».

Менинг хотиралар уммонига фарқ бўлганимдан бошқа маъно ясадингиз чоғи:

— Ишқнинг нималигини энди билдим, — дедингиз кўзларингиз ёниб, — мен ундан ажрамайман, ажралолмайман. Хоҳласангиз, сиз ҳам бир қишлоқининг этагидан тутишингиз мумкин.

Дилимдаги борки нафратим йиғилган кўзларим билан кўзларингизга тик боқдим. Бардош беролмадингиз. Бир оз каловланиб тургач, чиқиб кетмоқчи бўлдингиз:

— Тўхта-а-анг!

Важоҳатимни кўриб, ортингизга тисланингиз.

— Орийтли болаларингиз сизни бу тахлитда яшаётганингизни билмайдилар, — дея шивирладим яқин келиб, — эндиам билмасинлар.

Шу дамда сизга нисбатан менда заррача меҳр қолмаган, ситамлар бағримни сўккан, ҳориган қаптардай титранардим:

— Умуман қишлоқ аҳли ҳам билмасин!

— Нега? — булут қатраларидан базўр юз кўрсатган офтоб каби хира жилмайдингиз, — билса нима бўпти? Ахир дунёнинг бир қавати шундай-ку!..

— Негалигини вақти келиб биласиз. Ҳозир кўзларингиз кўр, қалбингиз сўқирга айланган, — мағрур боқдим, — ҳа айтганча, яхшилаб эшитиб олинг, мен бундан бошқача яшолмайман. Сабаби, менинг кўксимдаги юрак итники эмас!!

Ё тавба! Умримда мағрурлик нелигини билмасдим. Ҳозирги виқор билан туришим мағрур қиёфада эканини кейинроқ ҳис қилдим. Сиздан эса, кўкариб кетишингизни, бошлаб сўкишингизни кутгандим. Аксинча, пинагингизни бузмай чиқиб кетдингиз-да,

шу тундаёқ онангизнинг сўроқ-саволига ҳам тумтарақай жавоб қайтариб, Тошкентга кетвордингиз...

Шу тун бу ўйлар мени чаён бўлиб чақди. Кўнглимга қил айланмас. Борлигим хўрлик ботқоғига ботган. Илон чаққан одамдай карахт эдим. Хаёлларим тўзғоқ гулдай ҳар тарафга сочилган. Вужудимда қатра бўлсин қувват қолмаган. Армонларим, аламларим каттариб, жону жисмим аро чўккан. Худди зулмат нурни қаърига ютгандек, шу кунгача бўлган ва айнан бугунги танҳолик жонимга тиг мисоли ботар эди. Хотиралар сабр ичириб, бетоқат руҳимни тонгга қадар етаклаб келдилар. Бардошим эса сукунатнинг совуқ кўзларига тик боқишни ўргатди.

Аста бўзариб отаётган тонгни беун қаршиладим. Ҳаял ўтмай, жийдакапаликларни азон садоси уйғота бошлади. Бу садо гўё дунёнинг бошида чалинаётган дардли куйдай янграрди. Азон тингач, учкўча бошига ўрнатилган симёғочдаги радиокарнайдан ҳазин бир куй тарала бошлади:

*Гули сафсарни кўринг, сувга қараб қайрилади,
Бевафо ёрни кўринг, ўлмай туриб айрилади...*

Сабр-косанг қанчалар чуқур, юрак эътиқодинг қанчалар бутун ва бақувват бўлмасин, бу каби машъум айрилиққа ироданг дош беролмай, чок-чокидан сўкилиб кетаркан. Бағрим бузилган уй каби харобазор. Фамларим кўчадаги тупроқдай тўзгиган. Айрилиқ азобларига боққан ниғоҳларим эса толиққан.

Бундай пайтда дилбар ҳисларинг исканжага олиб деркан: «Кетишига йўл берма, изла, топ уни...» Қаҳринг эса хўмрайганча: «Унинг ишқи сенга нима берди? Фаму ҳасрат! Бахт бермади! Кеч ундан!»... дея ўдағайларкан.

Икки ўт оралиғида жону жисмим қоврилиб, сиздан қанча узоқ кетсам-да, шунча дардингизни туйдим. Кўзларимдан дувиллаб тўкилган ёшлар юзларимни ювди. Ҳа, ҳар бир аёл жонида ёр меҳри офтобдай яшнасин экан. Бағрим жон саҳни бўлса, юрагим сиз эдингиз. Ажабо, ўша юрагим тубидаги бир илиқлик ўз оғушига тортаверади, қалбимни ўз таъсирига олаверади. Бу илиқлик эгаси эса сизсиз. Ҳа, бугун яна шу нарсани аниқ билдимки, боши янчилган илон каби ўзимни ҳар томонга урсам-да, сизни қанчалар сўкиб-қарғасамда, барибир сизнинг таъсирингиздан, хаёлларингиздан қутулолмаслигимга амин бўлдим.

Роса ўн кундан кейин Раънонинг туғилган кунига кичкина тўйча қилиб бердим. Маҳалла ва мактаб аҳли ёппасига кирди. Қизгинамнинг синфдошлари-чи? Тонготар базм бўлди. Анчайин танилган отарчилар гуруҳи директордан, кўнмасам-да кучли чиқимлар мен танимаган, фақат ишга кирган куним номи тилга олинган шеф деган киши томонидан уюштирилган эди. Айниқса, қизгинамнинг бўй-бастига лойиқ кўйлак-чи?

— Яхши, даданг кўйлак олишниям биларкан, — дея писанда қилди бувимиз.

— Дадаммас. — Раъно болалик қилди, — буни менга аям совға қилдилар. Қаранг, чиройли-а? Жудаям чиройли! — қувончи ичига сиғмасди.

Энди нима жавоб қиламан деб жонимни ҳовучлаб тургандим:

— Яқинда куёвга чиқарасиз, — дедилар афтидан неварасига ортиқча гап қилишни истамаган бувим, — шунча дамгазани нима кераги бор эди?

— Қиз бола муълиқ* экан, — ҳалитдан бери четда индамай кузатиб турган Жаҳонгир суҳбатга аралашди, — ҳар қандай қийинчиликда ҳам кўнглини олишимиз, кўзёшини тўкмаслигимиз шарт экан. Буни бизга домламиз айтдилар.

— Айланайин тилингдан, — Жаҳонгирни жон-дилидан яхши кўрадиган қайнабувим унинг гапига алаҳсиб, Раънони унутди, — дадангни ҳам эскичага ўқитмаган эканман. Ўқитганимда балки аммангдан тез-тез хабар олиб турармиди?

— Ўкинманг бувижон, дадамми ўрнига мен хабар олиб тураман. Ишлаб пул топайинда, байрам-ҳайитларда кўйлак-рўмоллар совға қиламан.

— Ўргилай, бўйингдан, ақлли гапларингдан бувинг айлансин. Қаранг, Жаҳонимнинг гапларини Жамшахон, шуни айтсалар керак-да, отаси аҳмоқ, боласи чақмоқ, деб...

О, оналар армони?! Дарё тубига чўккан катта-кичик тошлар каби қалбингиз қаърига чўккан армонлар!..

.. Не-не ҳодисаларнинг тилсиз гувоҳи бўлмиш Жийдакапа бағрида бизларни ҳам ўртамиёна кунимиз ўтиб боряпти. Элдан-элга наф деганларидек, яхшиям Барнонинг борлиги. Йўқса ҳоли-

*Муълиқ — муниса, ота ва онага, эрга қарам маъносинда

миз не кечарди? Умуман ишга бориб-келгунга қадар яхши-ёмон билан ҳоллашаман, узун-қисқа гаплар эшитаман. Баъзи эшитганларимдан дил қаърига чўккан дарду ғамларим ниш уради, болалайди, баъзилардан эса кўнглимдаги ғуборларимдан асар ҳам қолмайди.

Кунларим шу зайлда кечар, бу кунлар қатида не-не байрам-ҳайитлар ўтиб борарди. Мана, яна кичик ҳайитнинг ёлғон арафаси. Шу куни директор Барно иккимизни чақиртирди ва қўлидаги семиз китобчалик келадиган пакетни шефга бериб келишимизни тайинлади:

— Бутундан қолмасин, — деди негадир хавотир-ҳадик арамаш, — тозаловни эса ҳайит эртаси бажарасизлар.

Шеф ким? Қандай одам? Шу кунгача фақат у кишига дахлдор яхши сўзларни эшитаман, аммо ўзини кўриш бугунга насиб этибди.

— Қаерга борамиз? — сўрадим Барнонинг чўнтагидаги пулларики кўздан кечираётганини кўриб.

— Туман марказига, ўша ерда мелисаларнинг бошлиқлар, — деди у мамнун, — жуда яхши одам, мана кўрасиз. Ўзингиз ҳам гувоҳ бўласиз.

Марказнинг энг кўркем биноларидан бирига кириб бордик. Камида йигирма чоғли хоналарнинг ҳаммаси озода, саришталиги шундоқ сезилиб турар, бинодаги ҳаётни тебратаётганлар эса ҳаммаси бир хил формада эдилар. Биз юқорига, иккинчи қаватга кўтарилдик.

Шеф идораси атрофи янаям кўркем бўлиб, кираверишда, чап томонда катгакон тувакда бўйи шифтга етгулик Хитой гул дарахти ўсиб ётибди. Тўғридаги дераза рафида эса бир хил тувакларда ҳар турли анвойи гуллар очилиб турарди. Шеф хонасининг эшиги биқинига стол-стул қўйилган бўлиб, у ерда жиккаккина бир йигит машинкада нимадир ёзиш билан машғул эди. Йигит бизни кўриб, дик этиб ўрнидан турди ва бошлиғи олдига киришимизни эшитиб, ичкарига кириб кетди ва зум ўтмай қайтиб чиқди:

— Барно ола, яккама-якка кираркансизлар, — деди.

Барно пакетни менинг қўлимга бериб, у ёқ-бу ёғини тузатган бўлди:

— Бунга сиз олиб кирарсиз.

Кўнмадим. Ноилоҳ қолган Барно пакетни кўтариб, ичкари кириб кетди. Ҳаял ўтмай, юзлари бўғриққан ҳолда қайтиб чиқди.

— Кетдикми? — сўрадим шошиб.

— Сиз ҳам кираркансиз.

— Нега, ахир.. мен... ҳалиги...

— Шеригингизни ишончлими ё йўқми, билмоқчиман дедилар.

Ғалати алпозга тушдим. Номақбул хаёллар қамраб олди: «Нимага ишонишади?»

— Қўрқманг, — Барно аста туртди, — шеф наманганлик, иймонли киши.

Минг истиҳола ва минг андишага бориб, ичкари кирдим. Кирдиму донг қотиб қолдим. Ахир бу шеф деганлари сизнинг курсдошингиз Мардон ака эдилар. Эсингиздами, тўйимизни гуллатган, кейин ҳам бот-бот хабар олиб турган Мардон ака.

Кейинчалик чойхонада қандайдир гап талашиб орангиз бузилганди. Сабабини сўрасам, «у сени деб келаркан, уқдингми?» дея ўшқириб бергандингиз. Шу-шу узоқлашиб кетгандик.

Омон-эсонлашгач, эски қадрдонлигимиз туфайли узоқ гаплашиб ўтирдик.

— Бола кўр қилгур, Мапхурни ҳозир нима иш билан шуғулланаётганини яхши биламан, — деди ғазаб келиб, — орамизда битта тирноғимиз бўлмаса-да, дугонангизни ҳали бу даражада ранжитганим йўқ.

— ...

— Раъно хурсандми?

— Раҳмат, — севинч ёшлари қоплади кўз пардамни, — қизимнинг туғилган кунини отасидан зиёда қилиб ўтказиб бердингиз, миннатдорман. Биздан қайтмаса Худодан қайтсин, раҳмат!

— Бунӣ Ғаффор айтиб қолди, — мамнун жилмайди. — бормоқчи эдим, аммо бу ердан жилишнинг сира имкони бўлмади, — биласиз, ишимиз нозикроқ.

— Тушунаман, албатта.

— Синглим, энди нима қилмоқчисиз?

— Сизга таъкидлаган гапларни айтдим.

— Ойни этак билан ёлиб бўлмайди, — деди бир оз сукут сақлаб тургач, — сиз ҳали ёпсиз, бир сулув қиз ҳуснига эга латофатингиз бор. Бирон лойиғингиз чиқса...

— Йўқ! Гапирманг Мардон ака, — шарт бўлдим гапини, — яқинда куёв кўраман-а, уят бўлади, — нафасим бўғзимга тикилиб, лавлагидай қизариб кетдим. руҳимда ингроқ бир нидо ўрмалади, — уяламан!

— Нега, ахир...

— Йўқ, Мардон ака, агар эркак зоти шунақа бўлса, қайтиб номини атамаганим бўлсин.

— Беш қўл баробар эмас, Жамилахон!

— Барибир ҳаммасининг юзида туки бор.

Кетишга изн сўраб, ўрнимдан қўзғалдим.

— Кечирасиз, сизга бир акалик қилмоқчи эдим, — деди хиёл қизариниб, — бу қадар хафа бўлишингизни ўйламабман, кечирасиз!

— Ҳечқиси йўқ, Мардон ака.

— Мен ҳам кўнглимдаги борини айтдим-қўйдим...

— Албатта.. сиздан хафа эмасман.

Эшик олдигача кузатиб келди ва жажжигина қутича узатди. Бир муддат ортимга тисарилдим.

— Олинг, — деди маънос қараб тураркан, — Раъно қизимми туғилган кун кулоғига тақиб қўймоқчи эдим, аммо насиб бўлмади.

— Ахир, бусиз ҳам.., нима қилардингиз? — тараддудланиб қолдим, — ахир тўйида тақсангиз ҳам бўлардию.

— Эски қадрдонлигимиз туфайли қараб тургим келмади. Худо буюрса, тўй кунига бундан каттароғини мўлжаллаб қўйдим. Биласизми, — бирдан маънос тортди, — шу билан фарзандга совға қилиш гаштини тотдим. Ахир, Раъно ҳам курсдошимнинг қизи-ку, а?

Олмасликнинг иложи қолмади:

— Ҳм, албатта.

Титраб кетдим. Оталик бурчини сизга ўхшаганлардан минг бора аъло даражада бажарувчиларда фарзанд йўқ! Тирноққа зор... Неча бор қувончлар юзини тепкилаб ўтган сиз каби фақат ўз ҳирсини ўйловчи, нафси ҳаталак отганлар учун эса хору зор. Ҳа, сиздек баднафсларга ҳам бир кун инсоф келар, виждон уйғонар. Кўзингиз мошдек очилар, ҳай, унда кеч... Энди ишқ боғида бизлар учун гуллар ўсмаслиги аниқ.

Йўл бўйи Барнога Мардон акани сизнинг дўстингиз эканини, кейинчалик иш билан бўлиб, иккинчигизни ҳам бир-бирингиздан йироқлашиб кетганларингизни сўзлаб бердим. Аммо ўргангизда бўлиб ўтган ҳангомани тилга олмадим.

— Ҳм, вилоятда бошлиқ бўлиб юрганда қўли тегиб келолмагандир-да, а? — негадир маъносланди Барно. — жуда яхши кишида ўзиям. Киройи эринг шундай бўлса...

— Ҳм, жудаям баҳоси йўқ кишилар. Машҳур акангиз ҳам бу дўстини яхши кўрардилар, — бунисини тўқидим, — айтдим-а, бир бегона одам Раънога мунча илтифот кўрсатмаса деб. Ҳа, айтганча, Раънонинг туғилган кунига арзимас совға ҳам олган экан, ҳозир берди.

— Қани, кўрай-чи?

Чўнтагимдан қутичани олиб, қўлига тутқаздим. Шоша-пиша очаркан:

— Вой-бў, — деди кўзлари ола-кула бўлиб, — бу арзимас совға қанча туришини биласизми? Баҳоси миллионнинг тепасидалигини-чи?!

— Йўқ, — шоша-пиша кўз ташладим қутичага, унда кўзлари оқ, товланиши жилвадор олтин сирға ва узук турарди, — кўзлари қизил бўлганда, а? — сўрадим кўнглим тўлмай.

— Вой ўртоғим-эй, ўша сиз писандингизга илмаган мана шу оқ тошнинг номи бриллиант дейилиб, буни фақат катта пулдорларнинг аёл-қизлари тақадилар.

— Нима-а? — жунжикиб кетдим, — ҳали буни, йўқ, ҳозироқ қайтариб бераман.

— Шошилманг, — Барно ўйчан деди, — қайтиб бериш осон, лекин буни тарсаки билан баробар қабул қилса, бирорта меласани чақириб, сизни ўғирликда айбласа унда нима дейсиз?

— Йўғ-э, у киши унақа эмас.

— Одамнинг ичидагини билиб бўларканми? Яхшиси, уйга олиб боринг-да яшириб қўйинг. Аввал бунчалар қадрдон бўлган экансизлар, мабодо кейинчалик борди-келдиларингиз тикланса, қайтариб беришга силлиқроқ баҳона топилиб қолар...

— Миллиондан ортиқ дедингизми? — ҳайратимни яширолмай яна сўрадим, — шу иккита жимитгина нарсая-я?!

— Ҳа, эҳтимол битта машинанинг пулидир.

— Вой-бў.., — кўзларим ўйнаб кетди, — қўрқиб кетяпман. Мабодо синаш учун берган бўлса-чи?

— Шунинг учун қайтариб беришга баҳона топишгунга қадар уйга олиб боринг-да, киши билмас жойга яшириб қўйинг.

Маслаҳат маъқул келди. Уйга келибоқ, сандиқнинг бир бурчагида, ҳамон кийилмай турган, тўй арафасида сизлар томонингиздан совға қилинган маҳсининг ичига солиб, яшириб қўйдим. Кулгим қистади, гўёки битта машинани сандиқ ичига беркитиб қўйдим...

Тун эриб, ажиб бир тонг отди. Арафа. Жийдакапа ҳамон ўша-ўша, болалигим тонгларидай оқ, ҳа тонглари оқ, одамларнинг диллари ундан-да оқ.

Қуёш бош кўтариб кўкка йўл олди. Бу ердан, асрлар оша ўз фусункорлигини йўқотмаган букк чўққиларнинг елкаларидаги қорларнинг қуёшга юз тутиб пориллаши яққол кўзга ташланиб туради. Бу пориллашдан қишлоқ бағри ажиб нурга чулғангандай, теграсида эса қиш сочини тараётгандай... Аммо, қуйидаги ўша қишлоқ, яъни Жийдакапа бағрига яна кўклам келди. Замину кўкка ранг улашди, ранго ранглардан атроф яшарди, жаҳон яшарди. Авваллари ҳаётнинг бу қадар улканлигини ҳис қилмас эканман. Эндиликда баҳор рангларида завқланган кўзларимга олам бошқача кўринар, худди бошқа муҳитга ўтгандек сезардим ўзимни...

Ҳа, сабаби эркинман, бамисоли осмону фалакда гир айланиб учаётган эркин қушман.

Эрталаб бозорга бордим ва энг аввало арафалик сотиб олдим. Сўнг болаларимга уст-бош, қайнабувимга ҳайитлик совға, ширинликлар олдим. Ҳайитлик учун харид қилган чуст дўппим Жаҳонгирга сигмаса бўладими? Нима қиламан? Сизнинг бир неча йил бурун ҳайитда кийган шунақа дўппингиз бор эди. Сандиқдан олдим. Ҳидингиз келди-я... Жаҳонимга нақ қуйиб қўйгандай тўғри келди.

— Дадамиз шу ерда бўлганда анави ўтган ҳайитлардаги каби бир нарсалар опкелардилар, а?

Раъно ялт этиб укасига қаради:

— Дадамми опкелиши шартми? Аям-чи? Аям нима керак бўлса оберди-ку!

— Аям ҳам опкеляптилару, қийналяптилар-да, — деди, — ўзлари ҳам бизни соғиниб, ҳайитни бирга ўтказмаганига афсусланиб юргандир, а? Аяжон!? Ҳамма жойда ҳайит байрами-ку, опа, нега дадам келмайдийкин?

Ичимда бир нарса узилгандай бўлди. Оналар учун энг оғир кулфат, бу — болаларининг ўксиганини кўриш. Гўё сонсиз игналар қалбимга санчилгандай сездим. Бизларни тарк айлаган толенинг юзига тупургим келди. Ҳа, бу кулфатлар менинг гул ёшимни сўндиргани етмагандай, кўланкаси ҳам болаларим юзига ўз нусхини урмоқдайди.

— Иплари кўпдир-да, — ақлимни пешлаб, уни чалғитдим. — қолаверса Тошкент, ўзинг кўрдинг, олисда, қўшни қишлоқ эмаски бир зумда келиб кетавергани.

— Махтап дирихтири тез-тез бориб кепгурадию?

— Қаердан биласан? — сўради Раъно.

— Домламиз олдига кўп келади-да, суҳбатлашганда эпита-ман.

Рухимда ўзга ҳол ғалаён қилди. Хавотир сандиғим очилиб, фикрларимни ковлай бошладим: «Нимага Тошкентга боради? Унинг уйланганини билса-я? Ахир нималар деяпман? Мардон ака билан Барнонинг хабари бор-ку? Икковидан бири айтган, ҳа айтган. Ишқилиб Жаҳонгир бундан хабар топмасин-да...»

— Балки намоз ўқигани борар? — юрагига қўл солиб кўрдим. — яна нималарни гаплашишади?

— Кўпроқ бошқа вақтда боради, қандайдир куч дори, дўля дейишадими-е, унча тушунмайман.

— Қайтиб уларнинг суҳбатига қулоқ солма, одобдан эмас. Қани, бўл тезроқ. Ҳайит намоздан кеч қоласан.

Жаҳонгир шошиб жойнамозни олди-да, шундоққина мактаб биқинидаги масжид томон кетди. Дарвоқе, ўғлимиз анчадан буён маҳалламиз имоми Маҳсум акадан таҳсил олади. Анча-мунча саводи чиқиб, диний йўл-йўриқларнинг баъзиларини ўрганиб олган. Шу важдан, тонгги бомдод ва тунги ҳуфтон намозларини ўқиш учун масжидга қатнаб, ҳам сабоқларини янгилаб туради.

Кечгача бувимни йўқлаб қўшнилар кирди. Азим ака рўмол олиб кириб дуосини олди. Қўни-қўшниларнинг ҳаммаси ҳар турли, озми-кўми совға билан кирганда сизни кўз олдимга келтирдим. Ахир, дунёда она кўнглини синдирмоқликдан ортиқ гуноҳ бормикин? Шунга кўра сизни ақлсиз деб баҳоладим. Агар ақлли бўлганингизда... Ҳа, билиб қўйинг, ақли хиралар ҳеч қачон шоду хандонтик юзини кўрмайдилар, бу дунёдан кўзи кўр бўлиб ўтадилар...

Начора, шундай улуг айёмдаки бувимдан хабар олмадингиз, кўрлигингиз-да....

Айвон сўрчисидagi хонтахта атрофида ўтиргандик. Намоздан қайтган Жаҳонгирни кўриб, бувим даст ўрнидан турди. Аввал ўнг, сўнг чап елкасини тавоф айлаб, пешонасидан ўлди. Бу орада Раъно унинг қўлидан халтани олиб, ичидаги нўхат, иссиқ нон ва калла гўштини хонтахта устига қўйди.

— Ўргилай бўйларингдан, қаторга кириб қолганингдан сени, илоё кўз тегмасин.

Ҳаммамиз бувим каби тавоф айлаб, янаги шу кунгача тинч-омон етказишини Аллоҳдан сўраб, шукроналар айтдик.

— Бўйларингга жоним қоқиндиқ, отангнинг йўқлигини билдирмай, мени йўқладингми?! Ё тавба, худди Машҳуримга ўхшаб савдо қипти-я, аммаси, ол иссиғида егин, ол! Жамилахон, Раъно қизим, олинглар!

— От ўрнини той босади, деганларидек, — синглингиз суҳбатга қўшилди, — акамми йўқлигини билдирмабди-да... Раҳмат жиян!

Томоғимга ёнғоқдек нарсა қадалди. Майли, Жаҳонгирнинг бошқа жиҳатлари сизникига ўхшамасин, аммо..., ҳаргиз разиллик кўчасидан ўтмасин.

Баъзи-баъзида опа-сингилнинг суҳбатларини эшитиб, еру кўкка сиғмай кетаман. Кўксимга ин қурган армонларим улғайиб, кар-соқов саҳролар каби бўзараман. Изтиробларим зиёда бўлади. Гоҳида ғамгин чеҳраларига боқиб, карвондан ажраган туюдек бўзлайман. Неча бор сизни ёд олмасликка қасд айлайман. Лекин истасам-истамасам-да болларингиз хаёлимда тиклаб туради.

— Аяжон, — деди ўғлим аста ёнимга келиб ўтираркан, — бугун ошнам Салим «Амма»ни тугатгани учун ош қилиб беряпти, кечроқ қайтсам хавотир олманг.

— Сен-чи? — бувим эшитиб турган экан сўраб қолди, — сен қачон тугатасан?

Ўғлингиз мийиғида кулди. Ё алҳазар! Кулиш санъатини сиздан ўрганганми дейман.

— Мен-ми? Мен «Қуръон»ни бошладим-ку, бувижон.

— Нима-а-а? Нимага шу пайтгача индамадинг, жоним болам? Мен ўзим ош қилиб берардим-ку!

— Дадам келганда совға қилмоқчи эдим-да, буви.

— Ўргилай эсингдан, айланай сендан.

Бувим алқай-алқай узоқ дуо қилдилар:

— Ўғлим, — деди бувингиз, — эртага аянг билан бирга бориб, қудамни кўриб келинглар. Униям йўқлагувчи кимиси бор...

— Ўзим ҳам шу ҳақда ўйлаб тургандим, бувижон.

Жаҳонгирнинг кетидан киприкларимга инган кўзёшларимни қайтариш учун минбаад уриндим, йўқ, улар юзларимни ювиб

тушдилар. Шундай пайтларда туйғуларим титрар, кўнглимни изтироблар йиртар ва умидларим парчаланиб, қалбим ҳасратларга тўларди. Не қилай, умрим йўлларида ғамларим гуллаган бўлса...

* * *

Кечга яқин Жаҳонгир дўпписиз кириб келди. Сўроғимга, мактаб қоровулхонасида қолганини эслаб, жавоб қилди.

— У ерда нима қилдинг?

— Дадамга телефон қилиб, ҳайит билан муборакбод этмоқчи бўлдим-да.

Қалқиб кетдим. Тунни ютиб, кунлар ўтаверибди. Қаранг-а, жигарбандингиз телефон орқали бўлса-да, сизни табрикламоқчи. Ахир, биздай қора булут ортида ҳам шуълалар борлигини унутманг...

— Қоровул йўқ эди-да, бўлмаса дўппим қолганини эслатарди.

— Юр опкеламиз.

Жаҳонгирнинг ҳайрати ошди:

— Эрталаб-чи?

— Йўқ, ҳозироқ опкеламиз.

Қизиқ, инсоннинг табиати қизиқ. Эгаси йўқолиб бўлган дўппи менга нима қилиб берарди. Нега энди дўпписини йўқотиб қўйишдан чўчийман? Аллақачон умид тоғларимни қулатиб, ўзга дил билан ошён қурган-ку?! Нега энди унинг...

Аччиқ кўзёшларим бўғзимга қадалиб келди, аммо йиғламадим, йиғлаёлмадим. Она-бола бирин-кетин борарканмиз, ўз ўйларимиз билан банд эдик:

— Аяжон, дадамми номерига телефўн қилсам, аёл киши жавоб қилди.

Каловланиб қолдим:

— Эҳтимол адашгандирсан?

— Йўқ, аввал ҳам гаплашганман, бу гал ҳам ўша нўмирга қилдим.

— Ҳм, биласанми ўғлим, эҳтимол биронта фаррош ходими уйини тозалашга келгандир.

— Шунақами? — севиниб кетди у...

Эҳ-ҳа, бекорга дўппини унутиб қолдирмаган, гап бу ёқда экан-да. Сизнинг гумроҳ разиллигингиз кўланкаси шунчалик кўнгилни чўктиряпти. ўзини кўрсатганда қандай тоқат қиларкин? Агар

кўрганда қор каби тоза юрагининг энг тўрисиға қурилган ота макони харобазорға айланарди. Меҳрингиздан ёришган дил уйидаги ёруғ ҳислари юзига қор ёғарди, қор...

— Аяжон, — бехосдан гап бошлади яна Жаҳонгир, — домламиз жуда бой одам эканлар.

— Қаердан била қолдинг, болам?

— Куни кеча ҳовлисида жиндай юмуш бажардик. Иннайкейин, уйидаям бола ўқитар эканлар.

— Демак, маошлари кўп экан-да, а?

— Ая, ёшлигимизда бизникига дадамми бир ўртоғи келарди-ю!

— Ҳа, нима эди?

— Ўша ўртоғи домланикига келди, роса қуюқ сўрашиб, сўнг уйга кириб кетишди.

— Қандай, қайси ўртоғи? — ҳадик бўй кўрсатди шу топда.

— У ерга мелиса формасида келди.

— Менга қара, дадангни мелиса формали дўсти йўқ эди-ку!

— Йў-ўқ, унда мелиса эмас эди, — Жаҳонгир ўйга чўмиб, тўхтаб қолди, — ҳм, энди эсладим. Дадам у кишини доим Мардон, Мардонми деб чақирардилар.

— Нима-а? Мардон?!

— Ҳм, Мардон, Мардон. Энди эсладим.

— Тўхта, Мардон ака у ерда нима қилади, ё қариндоши эканми?

— Билмайман, эҳтимол у кишиям мен каби ўқир.

— Ҳм, эҳтимол у ҳам ўғлини ўқитгани бергандир.

— Йўқ, ўғли йўқ, буни аниқ биламан. Лекин ая, иккиси нима қилишди, биласизми?

— Нима қилишди? — юрагим алланечук бўп кетди.

— Икковлари ҳовли этагидаги кўримсизгина уйга кириб кетишиб, ҳадеганда чиқавермадилар. Биз домланинг кўрсатган юмушини тугатиб бўлдик. Яна анча кутиб ўтирдик. Чиқишавермагач, кетмоққа изн сўрагани ҳовли қоровулини тополмадик, сўнг домланинг ўзидан рухсат олиш учун бориб, эшикни тақиллатдим. Ҳеч ким овоз бермади. Ичкари кирдим. Яна ҳеч ким йўқ. «Ахир шу ерга кирганди-ку» дейди ҳадеб ичимдаги бир нидо. Ер ютдими ё осмонга чиқиб кетдими булар, дея ҳайрон бўлиб, уйнинг ўртасига борганимда, пастдан, полнинг тагидан овоз келиб қолди. Юрагим ўйнаб, анча турдим. Энди чиқиб кетмоққа шайлангандим, остонага яқин ердан бир тахта жилганини ва жипс ёпилмай, қияла-

ниб қолганини сездим. Аста энкайиб, сичқон сиғарли узун тешикдан пастга қарадим.

— Хўш нимани кўрдинг?!

— Гаплашиб ўтиришарди, лекин...

— Нима лекин?! — юрагим қинидан чиқар даражада гупиллаб урарди.

— Лекин ўша ерда военний ўқитувчимиз айтган ва дарсда расмларини кўрсатган милтиқлар, пистолетлар ҳам борлигини кўрдим. Яна, анови Азим бувамми кичик ўғли чекадиган нашаниям...

— Наша? — дармоним қуриб, илигим қалтираб кетди, — наша дедингми? Уни қандай биласан?

— Тоҳир акам ҳовли этагида қоғозга ўраётганида кўрганман.

— Тушингда кўрган бўлмагин яна бу ишларни?!

— Йў-ўқ! — Жаҳонгир пинжимга яқин келиб яна деди, — рост, кўрганларим рост ая?!

Бир вақт ИИБ ходимларининг телеэкран орқали бериб бораётган хабарлари, улар орасидаги напашурушлар, қора дори сотувчилар ва хониларнинг ишларидан огоҳ топган кимсаларнинг ҳолига войлиги ёдимга тупди. Сесканиб, шошиб, Жаҳонгирни бағримга босдим.

— Улар сени кўрдими?

— Йўқ, секин туриб, энди ҳовлига чиққан эдим, ортимдан чиқишди.

— Хайрият-э, сени кўришмабди, — кўрқувдан бир сиқимга айланган вужудим лаҳзалик қувончдан бир дам жимираб кетди, — ҳм, дарвоқе, бу ҳақда бировга сўзламадингми?

— Йўқ ая, ҳеч кимга айтмадим.

— Асло гапирмагин.

— Ўшанда негадир улар Ғоппоржон директўримизни тез-тез тилга олишди?

— Полнинг тагида-я? Нима дейишди?

— Бир балоси бўлмаса шудгорда қуйруқ на қилур деганларидек, бу Ғоппоржон тез-тез Тошкентга йўрғалаб қолди, — деди домламиз Маҳсум ака, — яна бошқа қариндош ҳам топиб олган кўринадир. Иннайкейин, Мардон ака «Қуръон» гувоҳлигида сўроқ қилинг-да, Тошкентга ўзга бир одамни жўнатынг, — деди. Агар қасамдан ташқари чиққанини сезсангиз, гум қилиш пайида бўлинг, — деди. Нима у гум?

Бутун борлиғимни даҳшат қамраб олди. Ишга кирган кунни ичган қасамим ёдимга тушди. Каратэ гуруҳи кўз олдимдан ўтди. Қарда, қачон шуғулланади улар... Миям ғовлаб кетди. Она-бола қора кўланкасини елкасига ортмоқлаган тун бағридамиз. «Мардон ака бу ерда нима қилади? Маҳалла имомининг дирихтир билан нима алоқаси бор? Нега имом билан Мардон ака полнинг тагида гаплашадилар? Нимага? Домла напшани нима қилади? «Қуръон» гувоҳлигида, — этларим туклашиб кетди, — дирихтирни нима қилимоқчилар?»

Аввал имомга Жаҳонгир масаласида учрашганимда рад жавобини олган эдим, ўртага Ғаффор ака тушдию, хамирдан қил суғургандек ҳал бўлди-қолди. Юрагим ўйнаб кетди. Қанча ўйламайин, барибир ўйимнинг адоғига етолмадим. Ҳисларимнинг эса елкаси яғир, ҳансираганича дармони тўкилди.

— Жаҳонгинам, — ўғлимни ўқидим, — бу ҳақда бировга сўзламагин! — яна таъкидладим.

— Хўп.

Иккимиз бир лаҳза жим қолдик-да, сўнг аста юриб кетдик. Кўк саҳнида юлдузлар ғужгон. Ой эса аҳён-аҳёнда уятчан қиз каби унда-мунда саланглаб юрган булутлардан юзига парда тортар. Тун сукунати бузиб, қаёққадир поезд ошиқиб ўтди. Элас-элас қиёфаларнинг нафаслари тун бағрига санчилганча у ёқ-бу ёққа ўтиб турарди. Она-бола иккимиз судралишган кўйи қоровулхонага бордик. Дарҳақиқат, қоровул йўқ бўлиб, дўппи қоровул тунайдиған чорпоёда турарди.

— Қара-я, шу вақтгача қарда юрибдикин? Ё қариндош-уруғлари келган бўлса ҳайит қилиб...

Шу пайт ичкаридан келган кучли ҳайқириқдан бир ирғиб тушдим:

— Нима бўлди? Жаҳонгир? — кўксимга туфладим.

У елка қисди-да, қоровулхонанинг деразасидан ташқарига аланглади. Бу вақт яна нимадир гурсиллагани қулоққа чалинди.

— Қоровулни яна биронтаси ураётган бўлмасин, юр-чи?

Она-бола иккимиз мактаб ичкарисига кирдик. Спорт хонаси ёруғ бўлиб, ичида кимлардир борга ўхшади. Шопиб бориб эшикни итардим, берк. Ёндама йўл билан ташқаридаги дераза олдиға чиқдик ва оёқ учиди тик туриб, ичкари бўйладик.

— Ая, — Жаҳонгирнинг нафаси ичига тушиб кетди, — қоровул, Маҳсум домламиз ҳам шу ерда экан.

Мен уларни кўрмас, икки кўзим хонанинг бир бурчига қўйилган стол-стулда ўтирган Мардон акада эди. У кипи қўлидаги соатга термулганича миқ этмас, аҳён-аҳёнда машқ бажарувчиларга кўз ташлаб қўярди.

— Ая, кўряпсизми?

— Кимни?

— Қоровул, маҳалламиз магазинчиси, домламиз Маҳсум ака-ям шу ерда экан.

— А-а?

Саф тортганлар қирқ чоғли навқирон йигитлар бўлиб, ҳаммаси каратэчиларнинг ялтироқ силон либосида, аммо қўллариди қандайдир ўқ отадиган қуроллар... Улар ҳаммаси саф тортган, аллақандай машқ бажаришарди-да, яна тик қотардилар. Сўнг, қаршисида турган кимсанинг навбатдаги кўргазмали машқини кузатиб турардилар. Синчиклаб кузатдим. Эвоҳ, не кўз билан кўрайки, турли машқлар устаси Фаффор ака бўлиб, у ҳам ялтироқ силон матодан либос кийганди. Саф тортганларга яна бир бор синчиклаб қараганимда ҳушим бошимдан учди. Кўпи мактабнинг юқори синф ўқувчилари бўлиб, дуркун ва келишган йигитлар эди.

— Ая, кўшнимиз ҳам бор экан, анови Сардор амакимнинг ўғли Зоҳир. Ие, Азим бувамми ўғли Тоҳир акам ҳам шу ерда экан.

Бу орада машқ тугади шекилли, директор ҳаммасига оқ қоғозга ўроғли нарсалар келтириб, улашиб чиқди.

— Бувак боланинг мушгидай келадиган бу ўрамлар нима-кин-а, Жаҳонгир?

Ўғлимнинг энсаси қотганича турарди: «Ҳа-а, — деди у охири кўзларини катта-катта очиб, — напани булар қаердан топаркин десам, директўримиз берарканда, ая? Ие, анови киши-да Мардон ака деганимиз, ана, ўтирибди. Қизиқ, ўша столдан оляпти-я напани!

— Кўрдим, — типларим такилларди.

Ҳаммасининг тарқалиш тараддудига тушганини кўриб, она-бола шипиллаб ташқарига чиқдик ва ўзимизни тун қучоғига урдик.

Алламаҳалда қайтганимизни кўрган бувимиз:

— Илоё сабр бергин, яхшиларга ёндаштириб, ёмонлардан адаштиргин, — дея гудранганича уйга кириб кетди.

Тилак менга оғир ботса-да, миқ этмадим. Кўнглимнинг чокчоки сўкилди. Нимагадир дилим ғаш. Тун ярмини қоралаб қўйган бўлса ҳам кўзларимга уйқу келмас, кўнгил армонларим тутдай

тўкилган, насваса эса бағримни хун этиб маҳзун термулиб турарди: «Илоё, Жаҳонимни ўз паноҳингга олгин! Уни ҳар турли дарду палакатлардан, балою офатлардан, қуруқ маломатлардан ўзинг асрагин, Парвардигор! Умри завол кўрмасин! Бу даражада иш оғирлигини қасрдан билай? Орзилаганим оғзимда қолди. Сизнинг ўрнингиз билинди. Ҳар ҳолда сиз кўча одамисиз, бу сирлардан огоҳ бўлган ва бу ишлардан бизни қайтарган бўлармидингиз! Мана, йўқлигингизнинг оқибати, аёллик қилиб... Нима? Мен аёллик қилиб чоҳга итариппанми? Кўзининг қорасида маърифат нури порласин, деб ният қилгандим. Яна бир ниятим, диний илмни чуқур билиб олса, келажаги хавфсиз, турли-туман заҳарли оқимларга қўшилмайди, деб ўйлагандим. Ўйларимнинг кўзи ўйилди. Энди нима қиламан? Яхшиси, у ерга қадам бостирмайман, ҳа, шуниси маъқул. Эҳ-ҳа, онам айтарди-я, йилларнинг етмиш хил азоби бор, бу азоблар қўйнида минг хил синовлари..., деб. Нақадар ҳақ эканлар...!»

Оромимни ўғирлаган тумтарақай хаёллар оғушида қачон ухлаб қолганимни ҳам сезмабман.

* * *

Ҳафта ўтар-ўтмас директор бизни ўз қабулига чорлади ва:

— Мана буни шефга етказинглар, — деди семиз пакетга ўхшаган қопчиқни кўрсатиб, — биров сезмасин.

Бирор ваз кўрсатиб, бормасликни хаёлладим.

Аммо томдан тараша тушгандай четланишим уларнинг кўнглига ғулу солишини ўйладим: «Майли, мени нима қилсақилишсин, майли, этларимни нимталаб итларга ташлашсин, аммо болам соғ-омон қолса бўлди. Шунинг учун кўрганларимни сездирмаслигим лозим».

— Ўйланиб қолдингиз, Жамилахон?

— Ҳа, Мардон ака туманда энг обрўли зот, бу ерда эса сиз, — андишанинг юзига парда тортдим, — Барночи, ҳам опам, ҳам синглим. Сизлар билан биргалигимдан ниҳоятда хурсандман.

— Албатта-да, биз ҳам сиздай ҳамкоримиз борлигидан бағоят шодмиз, — ўт чақнади кўзларидан Ғаффор аканинг...

Кечга яқин марказдан ўша семиз қопчиқ ўрнига Ғаффор ака учун озғин пакет келтирдик.

Мақтаб ишларини саранжомлаб, уйга қайтишда Барнога дедим:

— Жуда ваҳимали ишдай менга қасам ичиришганига ҳайронман. Ишимиз семиз пакет олиб бориб, озғинини опкелиш экану!

— Озғинини обориб, семизини опкелиш гоҳида...

Кўчани бошимизга кўтариб кулишдик, лекин лаҳза ўтмай у маъюсланиб қолди:

— Ҳаҳ ўртоқжон-а, ўша семиз-озғин пакетларда иш кўп-да, буни билмаганингиз ҳам маъқул.

— Қизиқсиз, ҳар ҳолда бомба эмасдир.

— Қанийди бомба бўлса, — ғамгин кўзларини ерга тикди, — иккимизгина портлаб қўя қолардик.

— Ҳаҳ, галингизни ел олсин, мунча совуқ?

— Ҳа, гапим чин, иккимизгина портлаганимиз маъқул эди. Унинг ичидаги эса бутун шаҳарни, ҳаттоки бутун мамлакатни портлатади.

— Н-нима дедингиз?

— Ҳм, эшитганингиз. Худо кўрсатмасин. Агар ўша семиз пакетлар сири очилгудек бўлса борми, ҳаммамиз асфаласофилинга жўнаймиз. Фоппор аканинг тили билан айтганда фирмаси ҳам барбод бўлади.

— Қ-қанақа фирма?!

Мен унинг сарҳади йўқ қизғиш уфқларга қадалган маъюсгана нигоҳига, йўл четидаги терагу толлардан тўкилаётган сояларга ҳайратомуз тикиларканман, ҳеч кимнинг қалб осмонида қора булутлар сузмасин экан, дея ўқиндим. Шу вақт қисмат ўйинидан кўнгли қон бўлган қалбим тубида бир исён бош кўтарди. Бу исён, ўғлим ва ҳозирда Барно билан бўлаётган суҳбат мағзидан сезганим, ҳали, ўзим тўлиқ англаб етмаган бир жирканч ишга қарши бўлиб, юзини кўрсатиб қўйишига бир баҳя қолди.

Мен ҳамон анграйганча кетар, Барно эса ўйчан ва ҳадик аралаш деди:

— Давлатга қарши жиноий ишга аралашиб қолишимни билганимда эди, очимдан тиришиб ўлсам ҳам бу ерга ишга келмаган бўлардим.

Қўрқиб кетдим. Шу қадар қўрқдимки, тилимнинг учигача музлаб кетдим: «Д-демак, хо-хоинлар...»

— Н-нималар деяпсиз? Қанақа жиноий иш? Унда нега мениям шерик қилдингиз?!

— Ўзим ҳам яқинда билдим.

— Энди нима қиламиз? — дор тагига кетаётган маҳбусдай дағ-дағ титрар эдим, — энди нима қиламиз?!

— Нима қилардик, — кутилмаганда дадилланди у, — ишлай-вера-миз. Агар чиқиб кетмоқчи бўлсак, сезишибди дея калламиз-ни сапчадай узиб ташлашади, жасадимиз беқабр қолади.

Энди тамом ўзимни йўқотдим. Сезиб ўйлаганим жирканч иш-гина бўлиб қолмай, балки давлатга қарши хоинлик эканини ҳис қилганимда дармоним қуриб, йўл четидаги анҳорча лабига базўр судралиб бордим. Мабодо туш эмасми? Қанийди, эшитганларим рўёга айланиб қолса! Шошиб, муздек сувдан ҳовучлаб олиб, юзимни ювдим. Сесканиб, ён-беримга қарадим. Йўқ, туш эмас, кўча ўртасида хаёлларга ғарқ бўлиб серрайганича Барно турарди. Бемажол юрагим борми-йўқ ўртасида урар, хаёлимга эса минг хил шубҳа-гумонлар ин қурганди. Кўзларим яна шошганича қуйига қараб оқаётган сувга бориб қадалди. Аксимни ювиб ўтаётган сув гўё гуноҳимнинг оғирлигига дош беролмай майда-майда зарраларга бўлинарди-да, анҳорчанинг қиргоқларига урила-урила қочиб бораётганга ўхшарди. Барно ҳам аста келиб ёнимга чўнқайди. Ҳайит кунги кўрганларимни сўзлай бошлагандим:

— Уни биламан, — деди у гапимни бўлиб, — ўша қоғозга ўралиб, ўсмирларга тарқатиладиган нарса, Фоппор аканинг таъбири билан айтганда куч дори дейилади.

— Куч дори?!

— Ҳм, кўриниши оқиш бўлиб, одамни буйруққа итоат этадиган қип кўяр экан.

— Йўғ-э, қандай қилиб?

— Рост, бундан бир неча йил илгари Фоппор ака Тошкентга борганда... Яна гуллаб қўйманг, нақ хотинидан балога қоламан-а?

— Ўлибманми? Наҳотки шу кунгача мени билмадингиз?

— Тошкентга, ўша пулдор тоғасиникига борса, жияни Лайло деганнинг туғилган куни экан. Лайлонинг Шарифами, Шалола-ми, ҳа Шалола, негаки нақ шалоланинг ўзи дея баҳо берганди-да. Ўшани кўриб севиб қолибди. Қўлга киритиш учун ҳар нарса қилибди, охири... Ҳаҳ, севгиям ўлсин, бир хилги эркакларда болалаб кетади, — тўнғиллади у, — охири ўша куч доридан ичимлигига қўшиб ичириб қўйибди.

— Иннайкейин нима бўпти?

— Эҳ Жамила, шунақаям содда бўласизми, мақсадига етибди-да.

— Ҳм-м.

— Яна ҳм, дейди-я!

— Эҳтимол, ўша Шалоланинг эри йўқдир.

— Бор экан, қандайдир каттакон фирманинг бошлиғи экан...

Олов тили қамраб олди гўё мени, юз-кўзимга тиканлар бўлиб санчиларди. Ҳозиргина борми-йўқ ўртасида саланглаб турган юрагим кўкрак қафасимни бузгудек гупиллаб урар, қўлларим мадорсиз титрарди. Ахир бу, адашмасам ўша Шалола-ку? Ё бошқаси... Эҳтимол бошқасидир. Аниқлаш керак. Лекин қандай қилиб?

— Ўша тоғасининг уйи қаерда экан?

Барно ялт этиб қаради.

— Оқтепада, нима эди?

— Ҳечқиси йўқ, ўзим...

«Ҳм, ўша, худди ўша». Маъюс қалтираётган қизғалдоқ каби титранардим.

— Нега суриштириб қолдингиз? — ўсмоқчилади Барно, — ё...

— Йўғ-э, нималар деяпсиз, шунчаки қизиқдим-да.

Бепарво кўриндим шекилли, у қайта сўрамади.

Таскин тополмаган кўнглим баттар ўртанди: «Икки болани ота меҳрига зор қилган, ширингина турмушни ари бўлиб чаққан — Шалола-ку!»

— Ғоппор ака эрининг кимлигини айтмадими?

— Йўқ, шунча ялинсам ҳам айтмади. Тўхтанг, бунчалик суриштириб қолдингиз, ўшами эрингизни йўлдан урган? Ҳм-м, Машҳур ака Оқтепада фирма очганмиди?

— Йўқ, бошқа ерда, биласизми? — чалғитдим, — Ғоппор аканинг хотинига раҳмим келяпти. Менга ўхшаб...

— Унчалик эмас, — гапимни бўлди Барно, — сизникига ўхшаб бирала иккинчисиникида ётиб олгани йўқ. Мундоқ ўйлаганда, Ғоппор ака бир ўқ билан икки қуённи уряпти. Аслида, ўша куч дори масаласида Тошкентга тез-тез бориб турарди-да.

— Ифлослар! Ўз зотини овлайдиган ўшандай касофатларга ҳам Худонинг буюргани бордир!

Барно бир тарз ўзгарди. Ҳозир пориллаб турган кўзлари мунгли, олазарак кезинарди.

— Нега бунча ўзгарди? Нима бўлди унга?

— Таги паст одам пасткашлигини қилаверар экан, — тўнғиллади яна бироздан сўнг.

— Ким? Кимни айтяпсиз?

У жавоб беришни истамади.

«Таги паст деб кимни айтди? Шалоланими ё Ғоппор аканими? Ҳм-м, Ғоппор ака менга раҳми келганидан ишга олган эканда. Унда Мардон ака-чи? У ҳам бир вақтлар бўлган можаролар аламини олмоқчими? Ҳа-ҳа, шундай бўлса керак. Йўқса мени жиноят ботқоғига итарармиди? Эҳ, Машҳур ака, Машҳур ака! Шу кунгача сиздан нафратланардим. Бугун эса раҳмим келди. Наҳотки, сиз, қўлма-қўл юрадиган суюгоёқ бир малъуннинг қурбони бўлгансиз? Унинг тузоғига қандай илиниб қолдингиз? Ақлга сиғмайди, бир вақтнинг ўзида иккита эркакнинг жазмани... шу қадар калтабинлик... Ифлос! — тишларим такиллаб кетди, — наҳотки, бир қишлоқдан бўла туриб Ғоппор ака сизга шунча ёмонлик қилса, мунча пасткаш бўлмаса?»

— Бу ҳаёт боғида кўп заҳар-заққум ютсам-да, — хомуш сўзланди Барно, — умид билан бахтга интилавердим. Ҳа, бу умид учқуни дилимни бир он бўлсин тарк этмади. Аммо..., қасққа қарасам, жодугар рўёнинг қаршисидан чиқавердим. Шундай маҳзун юрган кунларимнинг бирида Ғоппор акага дуч келдим. Ундан макрнинг ҳиди кептурса-да, меҳри дил яраларимга малҳамдай, кўрганда дилимдаги тутунлар счилгандай бўларди...

У яна жимиб қолди.

Мен эса унинг бу йўсин гапларига тушунмас, ҳамон алғовдалғов фикрлар оғушида эдим.

— Наҳотки Ғоппор ака ўша танишига шу қадар ёмонлик қилса?

— Ҳм, мен ҳам ўша аёлни деб шунча куйиб-пишишлар зарурмиди, десам, Ғоппор аканинг ёшлигида кўнгил қўйган қизига уйланиб олган экан. Буни қасддан қилдим, дедилар.

Энди совуқда қотган одамдай қақшаб кетдим. Бу қабиҳликлар кўнглимни ларзага келтирди. Демак, дастлаб ишга келган куним зимдан тикилиб-тикилиб қолишларида гап бор экан-да. Мен туфайли сизга хиёнат?! Эркакми бу? Йўқ, бу инсон қиёфасидаги махлуқ! Сонда бор, сифатда йўқ инсон бу! Унда виждон пўпанак босган, ор деган нарса юз буриб кетган. Яна бошлиқ эмиш. Тупурдим бундай эркаклар башарасига! Эй, Худо! Нега устимизга осмонингни ташламаяпсан? Бундай махлуқлар юзига қандай қараяпсан?! Уларнинг қилмишларига қандай тоқат қиляп-

сан?! Янаям ер кўтаряпти бизни! Янаям Парвардигорим ризқ-насибадан қисмаяпти. Наҳотки ўша Шалолани ён-беридагилар билмаса? Битта уйга иккита эркак танда қўядию билмайдиларми? Билиб туриб нега индамайдилар? Улар ҳам шу қадар разолат ботқоғига ботганми? Шу қадар наҳс босганми? Қабоҳатни қалпоқ қилиб кетганмилар? Наҳотки, инсон деган улуғ номга хиёнат қилиб яшасалар...?!

* * *

Бир ҳафта ишимга бормадим. Бу орада Раънонинг чеварликдан ўргангани ниҳоясига етиб, беш-олтита аёллар гувоҳлигида Адол аямдан оқ фотиҳа олиб бердим. Ғарибгина дастурхонимизни кўп ўрнида кўришди.

— Дирихтиринглар касалхонада эканми? — сўради ош устида Сардор амакининг кампири Рузвон хола.

— Шунақа эканми? Беш-олти кундан бери бироз тобим қочиб, ишга бормаётгандим. Нима бўпти?

— Ҳм, Азим бувангиз гап топиб келди, — деди Адол ая, — райўндан келятса, мелисаларнинг машинаси урворган эмиш.

Терак барги каби титраб кетдим. Ўзимни михнинг устида ўтиргандай сезардим. Кулоқларим остида фақат бир товуш магнитофон лентасидай айланарди: «Қуръон» гувоҳлигида сўроқ қилинг. «Сўроқ қилишдими? Нимани сўроқ қилиши керак эди? Ҳм, Тошкент сари қатнаб қолганини... Наҳотки, ўша суюгоёқ аёл учун... Гоппор ака уларга бу ҳақда сўзламаса керак. Унда Барно қасрдан била қолди? Ё Барнога яқинлиги борми?»

Айқаш-уйқаш хаёллар гирдобида бошим ғовлаб ўтиргандим, кўз жияклари қизарган Барно кириб келди:

— Юринг, Гоппор акани кўриб келамиз, — деди ёлвориб, — қайнабувингизга бирон важ кўрсатинг.

— Ахир узункулоқ гапнинг қаноти бор деганларидек, кейин эшитиб қолса-чи?

— Бошлиқни кўриб келиш айбмас-ку?

Барнонинг бошқа гап эшитишга тоқати йўқ эди.

Ажиб феълликмизда Ёмон кўрганингнинг бошига бирон кулфат тушса, унга нисбатан кўнглингда гина-кудуратинг тоғдай ястаниб ётса-да, унутиб кечирасан. Енгил-ёлпи кийиниб, унга ҳамроҳ бўлдим. Фаффор аканинг таниб бўлмас даражадаги аҳво-

лига ачиндим. Чунки, юқоридаги айрим нохуш хабарлар туфайли у кишига нисбатан дилимдаги олий мақомдаги ҳурмат ўрнини туганмас нафрат эгаллаганди. Жазман топгинг келибди, нега энди айнан ҳамқишлоғингнинг жазманига осиласан? Бошқаси қуриб кетганмиди? Ўч олишнинг бошқа йўллари йўқмиди, дея, дилимда яниб юрардим. Ахир иккови ҳам жийдакапалик бўлса, бугунмас эртага юз кўришсалар...

Барнонинг кўзёшлари селоб: «Намунча куйинмаса?».

— Мунча куйинаверманг, — тилга кирдим охири, — дард бошқа, ажал бошқа дейдилар. Худо хоҳласа ҳеч нарса кўрмагандай бўп кетадилар, мана кўрасиз.

— Қотиллар!!!

— Ички ишдагилар буни ўз ҳолига қўйиб қўймайди, албатта ўша тентираган шўпирни топади. Адабини беришади ҳали.

— Кошкийди шундай бўлса...

Юрагим шувиллаб кетди.

— Мен уни севардим, — ўйчан деди Барно, — эрим мени тапплаб кетгач, Ғоппор акага суяниб қолган эдим. Лекин оиласига халақит бермадим. Ўша Маҳсум домла яширин никоҳлаб қўйгандилар.

Анқайиб қолдим. Шу мен бирга ишлайдиган Барноми? Ё тавба! Шу даражада гўл, анқов бўламанми? Наҳотки иккисининг муомалаларидан ҳам сезмадим?

— Билган у — деди, билмаган — бу. Гоҳи кунларда бизникида меҳмон бўлиб чиқиб кетарди.

— Ўлай агар, билмас эканман. Ҳа-а, ҳайит куни Жаҳонгир билан дўппини олиб келамиз, деб кеч қайтганимизда қайнабувим шунга шаъма қилган экан-да, ҳм, энди билдим.

— Биз эр-хотин эдик. Лекин кўпчилик Муҳаррам аям каби ўйларди, буни сезардим.

Шундагина мен «ўз зотини овлайдиган ўшандай касофатларга ҳам Худонинг буюргани бордир» дея нафратланганимда, Барнонинг бир тараз ўзгарганини тушуниб етдим.

— Охири шундай бўлишини билардим. Бу йўлдан қайтаришга кўп уриндим, лекин бефойда бўлди.

— Анови Шалола...

— Э, — қўл силтади у, — бу йўлда Шалола бир қуриган хаснинг ўзи. Ғоппор акам энг оғир жиноятга шерик эди. Хоинликнинг оқибати ўлим ё умрбод турма эканлигини ҳам кўп уқтир-

дим, аммо пинагини бузмасди. Жарақ-жарақ пуллар, айш-ишратлар кўзини кўр қилиб қўйган эди. Энг ёмони шерикларига ишонарди. «Ўша ерда военный ўқитувчимиз айтган ва дарсда расмларини кўрсатган милтиқлар, пистолетлар борлигини кўрдим...» Қулоқларим остида Жаҳонгирнинг овози жаранглади: «Демак шериклари»...

Шошиб Барнога қарадим. Ҳозир шу туришида унга икки дунё бир қадам эди:

— Охир-оқибат, — деди у, — бургутнинг қаноти қайрилишни билмаганидек, мен ҳам уни бу йўлдан айиришга қодир эмаслигини англаб етдим. Мана, уларга бўлган ишончи бугун бошига етиб турибди.

— Ундай деманг? Дўхтирлар соғайиб кетади дедилар-ку, яхши бўп кетар. Яхши ният қиптурайлик-чи, ноумид шайтон, дейдилар.

Менинг бу каби гапларим Барнога қилчалик таскин беролмаслигига ақлим етар, етса-да индамай туришим ҳам инсофдан эмас эди. Унинг шўрлик ҳислари кўршапалакка айланган эди.

— Энди бундан ҳам айрилсам, дунёнинг қизиғи қолмайди менга..., — пичирлади лаблари...

Роса уч кун ўтгач, Фаффор ақани жойига қўйди. Дафн маросими тугагач, Барно билан кечки пайт уйга қайтди.

«Эҳ, Гаппор ака! Шунча бисёру бекамлик етмасмиди? Бу шоҳона уй-жойлар, машиналар ордоналар қолдию? Гўрингизга ортмоқлаб кетмадингиз-ку, ахир? Гулдай хотинингизни тул, болаларингизнинг етим қолишини ўйламадингизми? Сизни «Қуръон» гувоҳлигида суд қилишдими? Ҳа, суд қилишган. Бу иш — ана шу суднинг ниҳояси. Унда қотиллар ким? Нима айбингиз учун ўлдирдилар?».

Масаланинг бу томони менга қоронғу бўлса-да, лекин замирида қандайдир оғир жиноят, Барно айтмоқчи, хоинлик писиб ётарди. Хўш, хоинлик нимага ва кимга нисбатан? Ҳа, мен масаланинг мана шу моҳият илдизини тополмай хуноб эдим.

Барнонинг йиғлайвериб қовоқлари шишган, овози хирилларди:

— Эртага вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғига бориб, буларнинг ҳашагини очаман, ўт қўяман! Ўт!!

Унинг кўриниши аянчли, сўзлари хириллоқ товуш йўрғагида чиқаётгани учун даҳшатли эди. Худди тепамда биров пичоқ ўқталиб тургандай писиб кетдим.

— Буларнинг бошлиғи Мардон! — тишлари гичирлади унинг, — қурол-яроғларини домла Маҳсум қўриқлайди, яна у дин пешвоси, иймондан гап сотади: Ғоппор акам эса «каратэчилар» ниқобида йигитларни қандайдир курашга тайёрларди.

— Кўрганман, ҳайит куни спорт залида кўрганман.

— Ўша гуруҳ йигитларига ҳам Ғоппор акам тоғасидан доллар опкелиб, едириб-ичирарди. Ўша Тошкентдаги тоғасининг чет эллик дўсти бор, чамадон-чамадон долларни пул ўрнида кўрмайдиган..., тез-тез келиб қора дори опкетадиган.

— Қора дори?!

— Ҳм, Ғоппор акам таъбири билан айтганда куч дори. Ҳм, ҳаҳ, — у телбаларча кулди, — магазин мудирини ўшлик денг. Болалиғи қайсидир тоғлар бағрида ўтган экан. Ўша тоғлик қора дори билан шуғулланувчилар магазин мудирига, магазин мудирини тўплаб Ғоппор акамга, у эса тоғасига олиб борарди-да, доллар опкеларди. Кўряпсизми, бари бир-бирига занжир каби боғланиб кетган. Мана бу каратэчилар, Мардон кейин пайдо бўлди, домла Маҳсум ҳам. Ақлим етиб турибди. Бу Мардоннинг иши, унинг кетида бошқа бир жиноят борга ўхшайди. Лекин булар қандай қилиб бирлашиб қолган, сира ақлим бовар қилмаяпти...

Барно бизникида қолди. Эшик тик этса бир чўчийман. Худди ажал кўзларини менга қадаб турганга ўхшар, ваҳима ўраб олганди. Барно эса қимир этмай ухларди. «Нима қилиш керак? Жаҳонгирнинг домла Маҳсумга қатнаши бас! Барно эртага вилоятга бориб айтса, бордию, улар ҳам шерик бўлса-чи? Унда Барно иккимизни ҳам ўлдиришади. Қандай кунларга қолдим. Ишга кирмай мен ўлай. Тўхта, бордию вилоятдагилар билмасачи? Билмайди. Ахир ёшлар телевидениеси ҳам бу жиноятларни фош қилиб ташлаяпти-ку! Барно айтгач, балки омон қолармиз».

Афсус, тонг саҳар чиқиб кетган Барно кечга яқин мурда тусида судралиб кириб келди:

— Тумандан ташқарига ёлғиз чиқманг, — деди менга, — вилоятга кетадиган автобусда эдим. Ярим йўлда Мардоннинг ўринбосари бошлиқ иккита мелиса мени автобусдан судраб тушишди ва хонасига опкелиб, роса сўроқ қилди. Ҳеч бир жавоб ололмагач, дубинкасининг учини қорнимга, энди билсам, жигарим рўбарўсига тикиб олди. Қон қусиб юбордим.

У яна нимадир демоқчи бўлди. Оғиз жуфтлаган ерида мени дағ-дағ титраётганимни кўриб, гапи бўғзида қолди. Иссиқ чой бердим. Кўзларининг ости кўкимтир товланар, зўрға ҳаракат қиларди.

— Ифлослар! — назаримда у бор кучини тўплаб сўзлаётганга ўхшарди, — йўлда яна ўлиб қолмасин деб, битта мелисанинг машинасида муқолишга ташлаб кетишди, ер юткурлар!!

— Қўйинг, ундай деманг? — кўнглим бузилиб кетди, — ичи қоралар нима ният қилса, ўзларининг бошига келсин. Биз ҳам нима кўрибмиз.

Қанча қистамайин қолишга кўнмади. Ўз уйи томон кетди. Ортидан бироз энкайиб юришига қараб турарканман, дилим вайрон бўлди: «Оҳ, Барногинам! Аламлар шамшод қаддингни буколмади! Бахтнинг баридан тутолмаган армонларинг иродангни синдиrolмади. Чунки, сенинг кўксингда баланд тоғлар бардоши жо эди. Шунинг учун қисматнинг неки аччиқ-чучукларига ҳам мардонавор чидадинг. Лекин нияти қоралар сени шу кўйга солди. Майли, қаддинг эгилса-да, умринг эгилмасин!».

* * *

Тонг қоронғусида аёл зотининг чидаб бўлмас аламли фарёдидан чўчиб уйғондим ва овоз келган томонга бош яланг югуриб кетдим. Не кўз билан кўрайки, фиғони фалакка ўрлаётган Барновинг онаси эди:

— Бахт юзини кўрмай кетган, вой болам, нолалари кўкка етган, вой болам...

Кўз олдим қоронғилашиб, борлиқ хиралашди. Хаёлимда онанинг ёнаётган юраги ҳовурида бутун борлиқ куйиб кул бўлгандай. Бир вақт юзимга сепилган муздек сув таъсирида ўзимга келдим. Аста бориб, юзини очдим. Унинг зебо ҳуснига ўлим тамғасини босиб улгурса-да, гунча лабларидаги майин табассум ҳаётдан дарак берарди.

— Сендан ҳоли қолди-я, бу Дунё! — ўкириб юбордим. Бу оғир мотам дилимни ўртар, бисёр нолаларим ҳовлини зир титратарди.

Барнони ҳам жойига қўйдик.

Унинг ўлиmidан сўнг шу нарсага амин бўлдимки, хоҳ шоҳ, хоҳ гадо бўлсакда ажалга бегона эмас эканмиз. Қазомиз етган

куни бағрини очиб келаркан-да, бизни «У Дунё» деб аталмиш манзилимизга элтиб қўяркан.

Ён-берим ҳувуллаб қолди. Эҳ, Барно, Барно?! Сени кеча охириги марта кўриб туришимни билганимда эди... Ажал юзларингдан бўса олиш учун атрофингга гирдикапалак бўлаётганини қасрдан билай? Билсам ҳам нима қила олардим. Ажал — дунёдаги энг кучли айрилиқ. Ажал — гулдай инсон умрини ҳазон қилгувчи қотил. Ажал — бир хилқатни абадий йўқлик сари элтгувчи восита. Ажал — тилсиз ёв, у ҳеч бир кимсага шафқат қилмайдиган даҳшатли ҳодиса. Ҳа, юқорида айтиб ўтганимдек, у ҳеч нарсага ва ҳеч кимга бегона эмас.

Гулдай жувоннинг бевақт ҳазон бўлиши юрак-бағримни кабоб қилиб турган ва назаримда ўлим шарпаси менга ҳам яқинлашиб келаётган бир кунда қайнабувим гапириб қолди:

— Ювгичининг айтишига қараганда, Барнонинг ҳамма жойи кўкарган, эзилиб кетган эмиш. Ўша куни муюлишда икки давангир эркак машинада ташлаб кетган экан. Кўрганлар айтди. Мен айтиппанми, саёқ юрган таёқ сйди деб...

Лом-мим деёлмадим. Нима ҳам дердим...

— Ўзи бу ишлар онасидан бош, — менинг индамай туришим бувимнинг чакагига зеб берди, — онасидан бўлмаса дирихтингларга қўшиб берармиди?

— Ёлгон! — энди чидаб туrolмадим, — Ғоппор ака никоҳига олган. Улар ҳалол, пок яшашган. Фақат хотини жанжал кўтармасин, деб бекитиқча иш тутишган. Ёмон қовуннинг уруғи кўп деганларидек...

Нафасим тикилиб, гапиролмай қолдим.

— Мен айтиппанми буларни? — ўзини оқламоқчи бўлди қайнабувим.

— Иккови ҳам ўлиб кетди, — дилимдаги журъат тилимга кўчди, — ўлганнинг кетидан ёмонлаш гуноҳ-ку! Ўқиган намозлари, тутган рўзалари савобини селга олдириб нима қиларкин бу одамлар!.. Бу хил игволар билан борлиғи ёнаётган она бечоранинг юрагини ўядилар-ку! Шуми тенгдошга ҳурмат? Шуми маҳалладошлик?! Ахир холам бечора яккаю ёлғиз дилбандидан айрилиб, девоёнага ўхшаб қолди. Раҳминглар келганими бу? Кўнглини кўтариш, ҳамдард бўлиш ўрнига..., — йиғлаб юбордим. — Бу одамларнинг мунча чўнтаги туҳмат тошларига тўлайкин-а, — дилимдаги дардхонани очиб ташладим, — Ғоппор ака-

нинг қотилларини айтгани юқорига кетаётган эди. Сезиб қолиб, уни ҳам шу кўйга солишди, ҳа, уришибди.

— А? — анграйиб қолди қайнабувим, — Гоппоржонни ўлдирганларни билармиди?! Вой бечора-а?!

— Ҳа, буни ўзи учун эмас, етим қолган болалари учун қилаётганди..., афсус, қўли қисқалик қилди...

Қайнабувим нима қилишини билмай, бироз гарангсиб турдида, сўнг уйга кириб кетди.

Бошим говлаган, миям гўё нам тортган каби хира. Кўз олдимда фақат иккисининг сиймоси: бирининг Жийдакапа юрагини ёргудек қаҳқаҳалари, бирининг эса юракни пармаловчи маҳзун қарашлари... Эвоҳ, кечагина Жийдакапа бағрини қитиқлашиб юришганди-я... Бугун эса уни ташлаб кетишди. Ҳамма яқинлари қатори Жийдакапа бағрини ҳам куйдириб, ҳам кўзларини ёшлаб кетишди. Ахир улар учун Жийдакапа иккинчи она эмасмиди? Улар учун бор-будини тутган, нимаики иташса бисёр этган эмасмиди? Ҳа, улардан бевақт айрилган Жийдакапанинг ҳам қалби вайрон, дилига ғам-алам чўккан, бу айрилиқ — Жийдакапа билан бирга барча кўнгилларни хароб этган...

«Боламдан биттагина тирвоқ қолсаям майлиди-я». О, юракка санчиқ армон?! Минглаб оналар армони бу? Доғ-ҳасратда куйган, бола кулгусига зор қалблар армони бу... Менинг юқоридаги соғинч тўла армонларим она армони олдида нима бўпти? Эвоҳ, она армони оламни қаритар, аёл армони эса дунёнинг қаддини букар экан. Лекин..., мен нега армон қилай? Сиздан айрилганим-гами? Йўқ, минг бора шукр. Кўзимнинг нури бўлган иккита таянчим бор. Ўтсам, кетимдан кўкарган зурриётим қолади. Мана шу икки тоғим, гуллаган боғим олдида ҳар қандай армонлар ўтаверсин экан. Энди кўзим очилди...

* * *

Қорлар ёғиб, излар босилди. Бечора Барно тўғрисида тўқилган бўҳтонлар қуюни ҳам тинди. Биров унинг қотилини қидирмади ҳам. Ёлғиз муштипар онанинг қўлидан нима ҳам келарди? Нолаю фарёд холос!

Мен эса, Барнонинг сўнгги дамда айтган «тумандан ташқарига чиқманг» сўзига амал қилиб, ойлар ўтказдим. Бу орада ўрта мактабни аълога тутатган Раъно уйда чеварчилик қилиб, анчамунча пул топар бўлди. Жаҳонгир эса фақат мактабга қатнар,

домлага учрамасди. Бирданига Гаффор ака билан Барнонинг орамиздан кетиши сабабини билганим-чун, атрофимда ўлим шарпаси айланиб юргандек, сал нарасага чўчийдиган, сал шарпага додлаб юборадиган одат чиқариб олган эдим. Бу орада онам уч-тўрт марта ўқиб кетди, қайнабувим эса «Барнонинг қораси босиб қолди» деб, кўчириқ ҳам қилдирди. Хиёл ўзимга келиб, энди у-буга ярайдиган кунларимнинг бирида:

— Ая, — деди мактабдан келибоқ чала-чулпа чой ичгач Жаҳонгир, — янги дирихтиримиз домламизга бир хат бердилар, бо-риб берай?

— Хат?! — юрагим қинидан чиқиб кетай деди, — қанақа хат?! Менга бер-чи?

— Ая, ўзингиз бировнинг хатини ўқиш одобдан эмас дейсиз-ку. Эшитишимча, диний ўқишлар тақиқланармиш, — қизим ара-лашди.

— Нимага?

— Улар шу ниқоб остида турли хил гуруҳлар тайёрлаёттий-кан, телевизорда ҳам кўряпсизу?

— Ҳм, кўряпман.

— Балким шунгадир.

— Илоё шундай бўлсин...

Жаҳонгир шошиб чиқиб кетди. «Тўхта! Диний ўқишни тўхта-тишга хат бермас. Балки, Жаҳоним шу бўйи...» У билан бирга жонимнинг бир бўлаги ҳам кетгандай бўлди. «Ёлғиз чиқманг!» Қулоқларим остида Барнонинг гапи жаранглади. Даҳшатдан, сакраб туриб кетдим.

— Жаҳонгир, Жаҳон бола-а-м!!

Ортидан югурдим. Эндигина учкўча бошига чиққан экан:

— Мунча куйинасиз, ая? Ахир, — кулимсиди, — мен энди ёш бола эмасман-ку!

Худди сизнинг бепарво ёшлигингиз-а...

— Кс, хатни менга бер!

— Ая, қўйинг энди.

— Мени домланг билан ҳисоб-китобли ишим бор.

— Эртага борардингиз.

— Кс, кўп гапирма, опангнинг ёнига қайт, уйдан чиқмай ўтир-ларинг!

Важоҳатимни кўрган Жаҳонгир хатни қўлимга тутқазди-да, ортига қайтди.

Шундоққина қўшни маҳалла бошида яшовчи Маҳсумнинг нақшинкор, қўш табақали дарвозасидан ҳовлисига кирганимда оғзим ланг очилиб қолди. Шоҳона кошона. Гўё ўзимни, киноларда кўрганим Худоёрхоннинг масканига кириб қолгандай ҳис қилдим. Во-о, ажабо-о? Атрофга алангладим.

Нега ҳеч ким йўқ? Аста юриб, жимжимадор нақшларга чулганган айвон ичига кириб бордим. Сим каравотда давангирдай одам тош қотиб ухларди. Шу пайт ичкари уйда эркак кишининг гўнғиллаган овози эшитилди. Гарчанд ўзгалар суҳбатига қулоқ тутиш одатим йўқ эрса-да, бирон аёл зотининг шарпаси сезилса, чақириш мақсадида эшикка яқинлашдим, аммо беихтиёр ичкаридаги гап-сўз таъсирига берилганимни сезмай қолдим.

— Яхши, — деди таниш овоз, — анови икковининг ўлиמידан бизга зарар етмади. Энди, каратэчилардаги Зоҳирни тинчитип лозим.

— Нега тақсир? — Маҳсумнинг овози-ку!

— Чунки Фоппор бир-иккита сирли юмушни у орқали бажарган, мабодо гуллаб қўйса...

— Гулламас-эй, дейман.

— Балким.

— Мен ундан ҳам анови гўзал жувондан чўчийман.

— Қайси? — сўради яна таниш овоз.

— Анови Барнонинг дугонаси-чи?

— Ҳм-м, Жамилами? — кесди гапини яна таниш овоз.

— Ҳа-да, устига-устак ўғлини ҳам ўқишга жўнатмай қўйди.

Бир нарсани сезган-ов! Шунга бироз хавотирдаман, тақсир.

Баданим чумоли ўрмалагандай жимиллаб кетди.

— Уни менга қўйиб беринг.

— Биронтасига гулламай туриб...

— Хотиржам бўлинг.

— Ўғлини-чи?

— Ўғлининг бу ишга даҳли йўқ менимча.

— Ул писмиқ бул ерга келганда кўп сирдан огоҳ топган кўринадир, тақсир.

— Қаердан билдингиз?

— Ўқишга келмай қўйғони бунга далил, тақсир. Ул бадбахт онасига гуллаган бўлса, жўнатмай қўйғонми дейман-да, тақсир.

— Ўзиям ҳар бир шарпадан чўчидиган бўп қопсиз. Балким, бирон юмуши чиқиб қолгандир ё касалдир.

— Энди ҳар эҳтимолга қарши олдини олғон маъқул-да, тақсир.

— Турган-битганингиз ваҳиманинг ўзи-я...

Енгилгина кулги эшитилди. Мен эса турган жойимда қоққан қозиқ эдим. На ортимга қайтгани мадор бор, на уларга юзма-юз бўлгани юрак. Қўлимдаги конвертга тикилиб тургандим, ичкаридан гандираклаб, таниш овоз эгаси Мардон ака чиқиб келди.

— С-салим? Бормисан? Ие, — каравотга қараб кулди, — тарашадек қотиб бўпти-ку, а? Чамамда ановидан тузукроқ отвопти шекилли..., ие, — мени кўриб, бироз ҳушёрлашди, — қ-қачон к-келдингиз?

— Ҳм-м, ҳ-ҳозир к-кеп туриппан. Бирорта аёл чиқиб қ-қоладими деб... — тамом тугадим. Яхшиям нуридийдамнинг келмагани...

— М-манови, — тилим қалтираб, нафасим бўғзимга тиқилди, — х-хатни дирихтир бериб юборганди.

Мардон ака қўлимдаги хатни олди-да, ўқиб кўрди ва:

— Маҳсум ака! Сизни янги дирихтир йўқлабди, — деди.

Ичкаридан домла Маҳсум чиқиб келаркан, мени кўриб қуюқ салом берди. Сўнг хатни олиб ўқиркан, хавотирли нигоҳини Мардон акага қадади.

— Хўп, — деди Мардон акадан ҳеч бир садо чиқмагач, — мен дарров бориб келай-чи? Нима гапикин!

Домланинг кетидан жуфтакни ростламоқчи бўлиб турган эдим:

— Бундай ўз оёғингиз билан келмайсиз, — деди Мардон ака, қоп-қора, чиройли кўзлари билан яниб, — қани ичкарига кириңг!

— Йўқ, мен шошиб тургандим. Дарвоза тагида туриб роса чақирдим. Эшитмадинглар.

Қилмишимдан уялиб, ўзимни оқламоқча тиришдим.

— Хижолат чекманг, бир иш хусусида тортишиб тургандик. Атай қилгандай Салим ҳам ухлаб қолган экан-да.., ҳечқиси йўқ.

— У киши ким?

— Ҳовлининг қоровули.

— Ҳм, бундай ҳашаматли ҳовлига, албатта, қоровул керак.

Оёқларим ўзимга итоат этмас, ўрнимдан қўзғалишга мадорим етмас эди.

— Уйда Машҳур йўқдир?

— Ҳм, куни кеча келиб кетганди.

«Ёлғон!! — нидо келди қалбим қаъридан, — нега ёлғон гапирасан? Ҳозир ориятинг гапирди, сен эмас! Ахир унинг ой-ойлаб қорасини кўрмайсан, яна хаспўшлайсан-а? Нега энди? — бирдан ваҳима босди, — ҳозир уйга кирдим сўйиб ташласа-я...»

— Жамила, — яқин келди, — мен сизни...

Шу топда Мардон ака шунақаям ювош, шунақаям сокин эдики, ундан қотиллик экан, ҳатто бошқа бир ёмонликнинг ҳам ҳиди келмас эди.

Қоп-қора кўзларининг қаърига яширинган мавҳум бир сир маъсум қарашларида ўзини опшора қилмоқда эди:

— Мен сизни шу қадар севаман-ки..., — қизариниб, четга қаради.

«Демак Машҳур акамми бу кишидан рашк қилгани ҳақиқат. Пайқаган бўлса керак. Унда ичкаридаги суҳбат-чи?». Бошимдан қайноқ сув қуйилгандай сесканиб кетдим.

— Ёлғон!? Сиз севмайсиз! — телбаларча ҳайқирдим, — агар севганингизда, тилим курсин, бекор гапирдим, ахир эри бор хотинни севиб бўларканми?! Ёлғон?!

— Ҳа, шунинг учун дардим ичимда, Жамилахон. Агар хўп десангиз, икки фарзандингизни ўз тарбиямга олсам, оталик қилсам?

— Сиз-а? Сиз тарбиялайсизми? Ўлдираман денг!!

Унинг кўзлари олайиб кетди:

— Қасрдан олдингиз бу гапларни?

— Ҳаммасини, Зоҳирни, мени ўлдирмоқчи эканинглари эшитдим. Ҳа-ҳа, эшитдим!

Мардон аканинг ранги оҳақдай оқарди, бурун катаклари керибди, кўзлари бежо боқарди.

— Мардон ака, — ялиндим. — Сизларга ишониб топширган гўдакларни нега ўлдирасизлар?! Уларнинг гуноҳи нима? Бир парча этни не азоб-уқубатлар билан катта қилиб, илм ўргансин деб сизларга топширсагу, сизлардан келадиган оқибат шуми? Ҳали Жийдакапа бағридаги нолалар тингани йўқ! Фоппор ака билан Барнонинг гуноҳи нима эди?! Барнонинг девонага ўхшаб қолган онасини кўрганимда бу оламга сиғмай кетаман? Фоппор акани етим қолган болаларининг ота дийдорига зор кўзларининг жавдирашларини кўрсам дод, дегим келади! Тоғу-топшларга қочиб кетгим келади, Мардон ака! Ахир мен ҳам шу икки боламни деб ўтган кунларимни билмайман! Шу икковини деб аёвсиз хиёнат-

ларга чидаб келяппан, аёвсиз хўрликларга бардош беряппан!! Агар ўғлимга бир гап бўлгудай бўлса, мени ўлди деяверинг, Мардон ака?!!

Украб юбордим. Кўзёшларим ёмғирга айланди. Рост-да, қачонгача таҳликали кунлар гирдобиди яшайман. Кунда-кунда ўлгандан кўра, бир кунда ўлиб қўйган афзал эмасми?

— Ҳаммасини биламан денг? — бўшашиб сўради у.

— Ҳа, биламан, биламан!

Қаршимда ўлим шарпаси бўй кўрсатгач, ҳеч нарсадан тоймас, бор дарду ҳасратларимни тўкиб солмоқда эдим. Менинг ҳозирги ҳолатимни бошидан ушбу дақиқаларни ўтказган биладди, билмаганлар балки кулар.

— Меҳр қўйганим битмас-туганмас жафолар қаърига отди, — оёғи остига тиз чўқдим, — болаларимни ҳам ота, ҳам она бўлиб тарбияляяппан!

— ...

Мардон аканинг кайфи тарқалган, аммо карахт эди.

— Мукаммал тарбия олсин, мукаммал билимга эга бўлсин, деб сизларга, айниқса сизга ишонгандим. Сизлар эса жонига кўз тикиб турибсизлар! Биласизми Мардон ака, ҳаммасига чидадим, аммо фарзанд доғига чидай олмайман! У ҳали гўдак, ҳеч нарсани билмайди. Ҳали берган кўкрак сутимнинг ҳиди оғзидан кетгани йўқ! Тушуняписизми?! Бу ёруғ дунёдан тўйиб кетдим! — тўйиб-тўйиб йиғладим, — илтимос сиздан, унинг ўрнига мени ўлдиринг! ўлдиринг! — бўйнимни тутдим.

— Сиз айрим гапларни янглиш тушунгансиз, — деди аста елкамдан ушлаб ўрнимдан турғизаркан, — сиз эмас, мен сизнинг хоки пойингизга тиз чўкишим керак.

— Хоки пойимга тиз чўкаси? Нега, ахир..

— Ҳа, агар керак бўлса бир умр. Ҳозир менга шу нарса аён бўлдики, руҳ ақлдан юксалмоғи керак экан. Шунинг учун юзингиздан, сўзингиздан, қўйингки, бутун борлигингиздан нур ёғилиб тураркан, Жамилахон!

Унинг кўзларида ёш ҳалқаланди:

— Ҳеч бир аёлда сиздагичалик фидойиликни кўрмадим, — шивирлади яқин келиб, — сизни нақадар севишимни билсангиз эди.

Орага жимлик чўқди.

— Бундоқ ўйлаб кўрсам ўйларнинг ичида сира айнамайдигани севги экан, — бир-икки ёш томчилари юзига думалаб тушди.

— сизни илк бор ҳовли супураётганингизда кўрибоқ севиб қолганман, то ҳануз бу дард юрак-бағримни ўртайди. Юрак-юрагимдан севган инсонга ўлимни раво кўриш, йў-ўқ, то мен тирик эканман, ҳеч ким сизларнинг тинчингизни бузолмайди, қўлини теккизолмайди. Ишонинг менга!

— Мен, мен...

— Тушунаман сизни, — у ёқ-бу ёққа аланглади, — оилалик-сиз. Ҳам Ғошпор билан Барнонинг тўсатдан ўлими сизни даҳшатга солган. Ишонинг, бунда менинг қўлим йўқ! Айбим йўқ, ишонинг?!

— Ростданми?

— Албатта, ҳали бу ҳақиқатни вақти келиб билиб оласиз.

У булут остидан базўр юз кўрсатган қуёш каби аста жилмайди:

— Шом ҳам яқинлашиб қопти. Ҳализамон Маҳсум келиб қолади. Кўзига кўринмай, уйга қайта қолганингиз маъқул.

— Раҳмат, миннатдорман. Ҳм, ҳалиги Маҳсум шунақа кўрқинчлими?

— Йўқ, кўрқоқ одам. Биласизми, бу гапларни ҳеч кимга айтманг? Илтимос!

— Албатта, энди кўрқмасам ҳам бўлади, а?

— Жуда соддасизда, Жамила? Балки мана шу соддалигингиз учун ҳам менга ғоятда гўзал кўринасиз?

— Бир умр сизга ишонсам бўлади-а, Мардон ака?

— Албатта, — кўзлари ёниб таъкидлади, — ишонаверинг менга Жамила! Ҳм, сизга бир туҳфам бор эди, — ён-берини ковлаб тополмагач, — ҳозир, — деди-да уйга кириб кетди.

«Алдаб туриб ўлдирмоқчи, — ўргимчак ўлжасини ўз тўрига ўраганидай, гумон ҳам мени чирмаб ташлади, — тайёр турибсан, ичкаридан пичоқ олиб чиқиб, ҳозир каллангни сапчадай узиб ташлайди, қоч!!!»

Ногаҳоний телба куч жисмимда тугён урди. Зинадан пастга югуриб тушиб келаётиб, ўнг оёғимнинг қарсиллаганини эшитдим. У ёғи нима бўлганини билмайман.

Ҳушимга келганимда, ичкари уйдаги юмшоқ диванда ётганимни билдим. Ёнимда Раъно билан Жаҳонгир хавотир аралаш кўрқув зоҳир нигоҳларини қадаганича миқ этмай қараб туришарди.

— Тузукмисиз ойи?

— Аяжон, яхшимисиз? Қўрқиб кетдик.

— Нима бўлди? — сўрадим, бошим қовоқ ари инидай гўнгиллар, миям ҳеч нарсани фарқламас эди, — қаердаман?

— Узоқлашиб кетганингизга хавотирландик. Бу ерга келиб, энди дарвоза ичкарасига кирганимизда айвонда бир ўзингиз турган экансиз. Бизни кўрибоқ, пастга қараб югуриб юбордингиз, — уқтира кетди Раъно, — зинадан қоқилиб тушиб, ҳушингиздан кетдингиз. Кейин анови тоғам бир нима ҳидлатди, зўрға ўзингизга келдингиз.

— Қайси? Тоғанг?!

— Ана, ёнимизда турибди-ку!

Англай олмадим, аниғи кўрмадим.

— Жаҳонгир, мияси чайқалган кўринади, тез дўхтирга олиб бориш керак! — яна таниш овоз қулоғимга урилиб ўтди.

Бу нима? Бўғзимга жон қадалиб ўтяптимиз? Нима гап? Бу нимадан дарак? Ана, яна ҳалқумимга нимадир тикиляпти...

Шаҳар касалхонасида бир ойга яқин даволандим. Мен турган хона учинчи қаватда бўлиб, у ердан дераза ортидаги ҳаёт кафтдек кўриниб турарди. Қайтар куним дераза ташқарисига қарадим, қарадиму табиатнинг бу қадар фусункорлигига маҳлиё бўлиб туриб қолдим.

Қуёш саҳарданоқ хизматини бошлаб юборган. Ана, ерлари ҳаминиша яшнаган баҳордек обод шаҳар, зилол сувли ариқлар. Кўчалар байрамдек безанган. Шаҳар ташқарисига теп-текис далаю боғлар, унга ёндош, ҳув олисда ястаниб ётган қир-адирлар. Юқорида эса кумуш қалпоқ кийган чўққиларини чор-атрофга кўз-кўз қилгувчи салобатли тоғларнинг қаддини оппоқ булутлар белбоғ каби ўраб олган. Ана, борлиқнинг бағрини ёрганича самолёт учиб ўтди.

— Биз бу ердамиз.

Овоз келган томонга ўгирилдим. Ёнгинамда Жаҳонгир билан Мардон ака турарди.

— Табиат шу қадар гўзал эканки, — тўлқинланиб дедим, салом-алиқдан кейин, — қараб тўймайсан киши, лекин, бироз алам қиларкан.

— Нега?

— Нима учун? — тенг савол беришди.

— Биз кетамиз, аммо дунё, мана бу табиат шу тахлитда абдий қолаверар экан. Нега бизларга ҳам шундай яшаш насиб қилмаган? Сири нимада? Бу не ҳикмат, а? — Мардон акага қарадим.

Иккови ҳам бир-бирига маъноли қараб олишди.

— Биздан олдин ўтганлар ҳам шу савол қаршисида гунгу лол бўлганлар, — деди Мардон ака, — ҳеч ким, ҳатто буюк алломалар ҳам бу жумбоқни ечолмаганлар. Машҳур файласуф шоир Умар Хайём ҳам бу сир ҳақида шундай дея олган холос:

Сирлар пардасига йўл йўқ ҳеч қандоқ,

Ҳеч ким ечган эмас — бу чигал жумбоқ.

Номи минг йиллардан бери оғиздан тушмай келаётган Абулқосим Фирдавсий эса:

Жаҳон бошдан-оёқ ҳикмату ҳикмат,

Нечун гафлат бўлибдур бизга қисмат?

дейди кукониб. Эҳ-ҳа, ул зотлар олдида бизга йўл бўлсин!

— Замондош шоирларнинг бирини шеърдан ёд олгандим, — суҳбатга аралашди Жаҳонгир, — мана, эшитиб кўринглар-да:

Дунёнинг сирини топа олмадим,

Дунёнинг сиридан қоча олмадим.

Ҳаётнинг тунн бор, кунн бор, бу — сир.

Шул сирдан ҳеч бир гап оча олмадим.

— Қалай, мен ҳам сирлар ҳақида кўп ўйлайман.

Кўларим ҳайратга тўлди: «Шу менинг Жаҳонимми? Туф-туф, кўз тегмасин».

— Мана масалан, нега оёқ юрадию, қўл юрмайди, нега оғиз гапирадию, қулоқ гапирмайди. Тил таъм билади, аммо кўздек кўрмайди. Нима учун? Бундоқ ўйласангиз, табиат ҳам шундай: нега ариқда сув оқадию, тоғ бошида қор ялтирайди? Нега боғларда мевалар етишади? Дашту саҳроларда эмас...

— Ҳа-ай, кичкина Мансур Ҳаллож бўп кет-эй! — кулди Мардон ака, — лекин...

— Мансур Ҳаллож ким? — қизиқиб сўрадим.

— «Мен худоман» дегани учун уни руҳонийлар кофирга чиқариб, дорга осканлар.

— Ё тавба, эси жойида бўлса, — «Мен худоман» ҳам дейдими? Ахир, бу ғирт жиннилик-ку!

— Ҳа, мантиқан олиб қараганда, Мансур Ҳаллож ҳақ экан. Негаки у «Мен Худоман» деган, «Мен Аллоҳман» деган эмас. Аслида Худонинг ҳақиқати менинг ўзимдадир, дея эътироф этган. Бундоқ ўйлаб кўрганимизда энг кўп сирлар хазинаси ҳам — бу бизмиз. Бу жиҳатдан Жаҳонгир ҳам ҳаққа ўхшайди.

— Ҳа, аяжон, табиатнинг ўзгармас қонунга эгаллиги ҳам бизга ўхшайди.

— Қўрқиб кетялман, — ул-булларимни йиғиштиришга тутиндим, — сизларни Худонинг ўзи кечирсин. Бир пайтлар сизларга ўхшаганлар, вақти келиб қуёш куйиб сополга айланаркан, олимлар янги қуёш ишлаб чиқишга ҳаракат қиляпти, дея жар солган эдилар. Мана оқибат, қуёш ўрнида, лекин... лекин янги қуёш ясагани ўйлаганлар, ким билади, уларни ҳам Худо жазолагандир.

Иккови бир-бири билан кўз уриштиришди, аммо миқ этишмади.

— Бескорга овора бўлсиз Мардон ака, ўзимиз кетаверардик, — ташқарида турган машинани кўриб хижолат чекдим, — ишдан кеч қолманг, яна...

— Аяжон, сизга кўп юриш мумкин эмас экан. Машинада кета қолайлик.

Негадир ёришиб турган чеҳралар сўлғинлашди, кўз боқишлар эса ғамгинлашди.

— Тинчликми? Уйдагилар тинчми болам?!

— Ҳаммамиз тинчмиз, жон аяжон, тинчмиз. Қилдай жонингизни қирқтага улашавермай, сал ўзингизни ҳам ўйланг-да бундоқ. Ахир касалсиз, жоним аям..., — Жаҳонгир йиғлаб юборди, — қанийди, ҳозир дадам бўлса...

Сизни кутавериб киртайган кўзларида ёш эди унинг. Ота деган номни муқаддас ва пок билиб, минг бор суртган кўзларида ёш эди унинг. Бу муқаддас номга, болаларим қалбини беазаган азиз одамга, яъни сизга, ҳамиша садоқат гулини тутиб келдик...

— Вой тентагим-эй, — кулдим, — мана кўриб турибсан, сопа-соғман-ку болам!

— Илоё шундай бўлсин, — ҳиқиллаб деди Жаҳонгир.

Рулда кетаётган Мардон аканинг ҳам қўл ҳаракатларидан кўзёшларини артганини сезиб қолдим. Билдимки, беш-ўн кун

ичида тинимсиз текширишлар, ички аъзоларимни тинимсиз су-
ратга олиб кўришларидан бир нима аён. Назаримда, бирор оғир
касалим бор. Бекорга дармоним кундан-кун қуриган эмас... Ана,
яна ҳалқумимга нимадир қадалиб ўтаётир. Бу — жонми? Ё...

— Жамилахон, Жаҳонгирдан кўнглингиз тўқ бўлсин.

— Раҳмат сизга. Бу илтифотингиздан танамдаги оғриқлар
азоби ҳам қаёққадир учиб кетди, раҳмат.

Мардон аканинг шу куни хайрлашаётгандаги мунгли қара-
ши бир умр кўз ўнгимда муҳрланиб қолди.

Қаранг, дунёнинг ўзи бир туш. Яна туш кўрибман... Жийда-
капани эрталабдан кўкимтир туман қоплаганимиз. Барно икки-
миз йўлда эмишимиз. Олдимизда Ғаффор ака. Ирмоқлар тилида
наво янграр, чечаклар лабида бўса тутаримиз. Шу он туман аста
тарқалиб, бутун олам олтин рангга кираримиз. Ҳов олисдаги чўнг
қоялар ҳам қулоқларига ёқут рангли гуллар таққанмиз. Чўққи-
лар эса нуқул шалола каби кўзёш тўкармиз. Қаёққадир кетяп-
миз. Ортимиздан Мардон ака қувлармиз. «Биламан, Мардон
ака қалбимга ишқ чўғини ташлаш учун мени имлаб чақиряпти,
юрагимда унга ўрин йўқ бўлса нима қилай, Барно?», дермиш-
ман. Барно эса миқ этмас, иккимиз ҳам бепарво кетиб борар-
мишимиз. Мардон ака менга етай-етай деганда, биз яна илгари-
лаб кетдик...

Юрагим оғзимга тиқилиб турдим ўрнимдан. Раъно билан Жа-
ҳонгир ухляпти. Аста ташқарига чиқдим. Ҳарир либосга буркал-
ган субҳнинг рухсори Жийдакапа бағрини нурга чуллаган ва бу
висолга ошно қушлар куйларини бошлаб юборгандилар. Қайна-
бувим нимадир иш билан машғул экан, мени кўриб сезиниб кетди.

— Тузукмисиз болам? — деди ҳансираб келиб кўришаркан,
— илоё болаларингизнинг бахтига тузалиб кетинг. Умридан ба-
рака топкур Мардонбой ҳам кўп яхшилик қилди. Туғишгандан
зиёда акалик қилди-я, ўзиям. Болаларининг роҳатини кўрсин.

— Ўғлингизнинг дўсти...

— Ҳа, биламан болам, наманганлик. Наманганликлар ўзи
дини исломлик, иймони бутун бўлади, дейишади. Минг қилса-
да, бу ерда Машҳуримнинг ҳам юзи бор-да, болам. Ҳай айтган-
ча, унга хабар бермадиларингизми?

— Қайдам, Жаҳонгир билади.

— Агар хабар қилган бўлса, бугун-эрта кеп қолади. Ҳм, айтганча, Мардонбой яна бир даста пул ташлаб кетди.

— Пул? Нега?

— Ҳа, унамасам қўймади. Жамилахон ишламаса, Машҳур узоқда, касалнинг дори-дармонига инисининг топгани етмайди, — деди.

— Ойижон, ўғлингиз туфайли-да, бу меҳр-оқибатлар.

— Албатта, калнинг юзи бўлмаса, тосники-чи, — дейдилар машойихлар...

— Ҳм, шунинг учун тушимга кирибди-да. Бироз енгил тортдим.

Жаҳонгир ўрнидан турибоқ учкўча бошидан иссиқ нон, янги қаймоқ олиб келди. Менинг кўнглимдаги чойни дамлаган Раъно дастурхон ёзди. Нонупта пайтида Жаҳонгирнинг тез-тез хўрсинганидан, бу мурувватларни дадаси қилмаганидан ўқиняпти, эрлик орияти келяпти, деб тушундим:

— Кўп хафа бўлаверма болам, — дедим дийдам зирқираб турган бўлса ҳам, — Мардон тоғанг берган пулларни соғайганимда ишлаб узаман.

— Аяжон, энди ишламайсиз, ўзим ишлайман! Бошимда кўтариб юраман сизни! Ошинсам Каъбатиллога олиб бораман! Фақат соғ бўлсангиз бас! Бизни бахтимизга омон бўлсангиз бас!!

Ҳўнграб чиқиб кетган Жаҳонгирнинг кетидан ҳам қувондим, ҳам йиғладим.

— Камлик карамлик билан боққанларим зое кетмабди. Худога минг қайта шукр! Ўғлим эсли-ақлли бўлди, Раъно эса яна...

Касалхонадан келганимга икки ҳафта ўтгач, айвондаги сўрида, она қуёшнинг беминнат ардоғида ўтирардим. У мени қучганича бошим, елкаларим ва қўлларимни илиқ нурлари билан силаб-сийпалар, юзларимдан бўса олиб, гўё кафтида эркаларди. Шу онда ҳисларим тугён кўтарди. О, ҳислар! Бўрондан ҳам кучли ҳислар! Уни на сув, на тоғ тўса олади! У — бутун оламни забт этишга қодир!

Шу пайт Мардон ака кириб келди.

— Мен сизни соғ, чеҳрангизни шод кўрмоқ орзусида эдим, — деди саломлашгач, — бир умр ёнингизда қолмоқлик эса муродим. Нима бўлди? Мунча ғамгинсиз?

— Негадир Барно кўз олдимдан кетмаяпти. Ҳ-ҳалиги, Мардон ака, ўринбосарингиз қандай одам?

— Н-нима дедингиз? — қизиқсиниб қаради, — Барнога ўринбосарим, — кулди, — тегажоқлик қилганмикин? Барно кўзга яқин эди-да...

«Демак, Мардон аканинг менга айтган гаплари рост. Мардон ака буюрмаган. Унда ким буюрган? Ажабо, бир жумбоқни ҳал қилсанг, қаршингдан иккинчиси чиқади».

— Негадир Барно ўринбосарингиздан қўрқарди...

Ҳақиқатни айтгани тилим бормади, аниғи юрагим дов бермади. Ҳамда у кишининг кўнглига ғулу солгим келмади.

— Таажуб, — елка қисиб кулди, — менга бу ҳақда айтмаган эди. Қизиқ, жудаям қизиқ. Атрофга аланглаб, Раънони чақирдим.

Ошхонада егулик тайёрлаётган қизим югуриб келди ва салом берди. Ичкаридан бахмал тўшак олиб чиқди-да, сўри четига тўшади:

— Ўтиринг тоға, хуш келибсиз!

— Раҳмат қизим.

Раъно дастурхон ёзиш тараддудига тушди.

— Одам умри фаслларга ўхшаркан, — дея сўз бошлади Мардон ака, — гуллайди, мева тугади ва хазон бўлади. Ҳаётга умид билан келган ҳар бир инсонга мана шундай фасллар насиб қилсин экан.

Унинг кўнгил дарвозасидан юз кўрсатган алами инграрди, ғами йиғларди. Тилим соқовга айланган. Нима дейишни билмасдим. Дарди тоғларга тенг, минг ҳасратга банди бу одамни қайси сўзлар билан юпатиш мумкин?

— Кўпам куюнаверманг, — топган гапим шу бўлди, — тақдир ҳар кимга ҳам севги инъом этавермайди. Сиз соф севги эгасиз. Афсуски...

— Эвоҳ, нима бу? Нимадир яна ҳалқумимга урилиб ўтди.

— Нима бўлди, рангингиз?

— Бу қандайин дардки, унинг қўлида ёлғиз ўзимман. Ана, яна нимадир борлиғимдан сидирилиб келяпти... Мардон ака.

— Раъно қизим, аянгга иссиқ чой келтир, мен ҳозир!

Мардон ака югуриб чиқиб кетди. Қўлида чой билан келган Раъно додлаганича устунда илиғлик турган сочиқни олиб, пешона терларим ва лабларим атрофидаги қон қолдиқларини артишга тутинди.

— Нима бўляпсиз, аяжон?

Чунки кўнглим айниб, қон қусиб юборган эдим. Кўзёшлари пашқатор қизгинам ҳали каттабувисини, ҳали укасини чақирар, ҳеч ердан сас-садо йўқ эди.

Уни юпатишга мадорим етмас, чунки қувватим ўзани қуриб бораётган дарё каби ҳолсизланиб борарди. Қизим бир амаллаб юз-кўзимни ювди ва илиқ чой ичирди. Бу орада Мардон ака билан етиб келган врач ҳолимни кўрибоқ дарров укол қилди ва унинг қулоғига ниманидир шипшиди.

Мардон ака шунақаям мунгли қарадики, чидолмаган сабрим чок-чокидан сўкилди. Кўнглим қизғалдоқдай дардга тўлди: «Демак, омонатга қолган умрим..., — томоғимга бир нарсa тикилди, — демак яқин... Эвоҳ, шамолни кўриб бўлмаганидек, севгини ҳам кўриш қийин, аммо иккисини ҳам ҳис қиласан. Ана шу оташ ҳислар гирдобиди чин ва ёлғонининг фарқига боролмай қоласан! Тақдир йўлимиздаги энг катта хато шу бўлса керак. Ҳа, сиз ёлғон севгининг қурбони бўлдингиз! Сиз билан ҳаётга ярашиб яшашни орзу қилгандим, афсус! Болларим, ишонган тоғларим, — қайноқ ёш томчилари юзимни юва бошлади, — дадангиз ҳамон асирликдан қутулолмас экан, сизларни Мардон акага, Мардон акани эса Аллоҳга топширдим... Оҳ, ойижоним, қанийди, кўксингизга бир мартагина бош қўйиб ухласам... Не умидлар билан катта қилган эдингиз, мен номард қизингизни кечиринг, ойижон? Сизга фақат ғам-ташвиш келтирдим, ярали кунларингизга малҳам бўлолмадим, ойижон? Сизларни яна бир марта, бир мартагина кўрармикинман?!»

Ана, нимадир ҳалқумимга урилди, ўнг томонимдаги қовурғам остида нимадир саланглаб осилиб турибди. Вужудимни эса жимирлаш каби санчиқчалар эгалляпти. Энди эса санчиқлар...

Ажабо, нима бу ўзи? Мендан тез-тез хабар оладиган ва ҳалқумимга уриладиган бўп қолди, ана, яна..., ҳа, яна...».

* * *

Шу ерга етганда кундаликни бағрига босган Машҳурбек ўкириб юборди. Чаккаларига муштлаб ўкирарди:

— Сени мен ўлдирдим! Умрингга мен зомин бўлдим! Жамила-а-а?! Қасрда-са-а-ан?!

Чўчиб уйғонган Жаҳонгир дадасининг аҳволига тушунмай, аввал гарангсиз турди, сўнг ёнига келиб:

— Энди фойдаси йўқ дада, — деди мулойимлик билан, — руҳига бағишлаб «Қуръон» тиловат қилмоқдан ўзга чорамиз йўқдир.

Машҳурбек ўғлини қучоқлаб олди.

— Аянгни мен ўлдирдим, мен, мен! Наҳотки ўша хоинчалик бўлолмасам?

Жаҳонгир ҳайрат тўла кўзларини қадади:

— Қайси хоин? Қанақа хоин?!

— Ие, — Машҳурбек ҳайронликда сўради, — манави дафтарни ўқимадингми?

— Й-йўқ! Нима эди?

— Мардон хоин-чи? Биласанми?

— Й-йўқ, у киши хоин эмас, жуда яхши киши.

Машҳурбекка алам қилди, куйиб кетди, начора.

— Хоин эканми? — сўради Жаҳонгир, — ҳам, бир марта домла Маҳсумнинг уйида кўргандим.

— Кейин-чи?

— Кейин аямми истаб бориб..., лекин бизга жуда кўп яхшилик қилди. Ишонмасангиз каттабувимдан ҳам сўранг. Аям учун керак бўлган дори-дармонларга доим пул бериб турарди. Аям, — Жаҳонгирнинг ўпкаси тўлди, — соғайиб кетсам ишлаб узаман, дегандилар.

Машҳурбек дик этиб ўрнидан туриб кетди:

— Нега менга хабар қилмадинг?!

— Аям кўнмадилар, ишлари кўп дедилар.

Илон чаққан одамдай тўлғонарди Машҳурбек:

«Шу қадар нафратланганмидинг мендан Жамила?!» Қўлла-ри мушт бўлиб тугилди.

— Яқинда, аям касалхонадалигида Раъно опам ҳам бу дафтарни ўқиб кўп йиғлаганди. Сўрасам...

— Хўш-хўш?

— Индамай, яна йиғлаганлар. Қандай дафтар ўзи?

— Ш-шунақа дегин, — бўшашиб кетди Машҳурбек. — шунчун опанг ҳам бу хонадонни тарк этибди-да. Энди қайтмас эканда, энди қайтмаса-я?!

Жаҳонгир дадасининг гапларига парво қилмай, «Қуръон» тиловат қилмоққа тутинди. Унинг овози қалтирарди, ҳа, у, эзилиб-эзилиб йиғлаган кўйи тиловат қилаётганди.

Бу қадар ақлли ўғли олдида боши ҳам бўлган Машҳурбекнинг лаблари аламли пичирларди: «Маъсумгина юрагингга

ҳаяжонлар, ҳислар, дарду ғамлар ҳокимлик қипти. Аслида мен, менинг муҳаббатим ҳоким бўлиши керак эди. Мен — нотаваон, мен — ношуд, мен — қўрқоқ ўрнимни уларга бўшатиб берибман-а?.. Хотира деб аталмиш бузилмас қалъанга ҳоқонлик қилсам бўлмасмиди? — деб деворга суянганича ғужанак бўлиб ўтирарди, — қанийди, ҳозир тирик бўлсанг пойингга зарлар сочардим, бу кўр муҳаббатимни поёндоз қилиб тўшардим, афсуски... энди мазорингни суюб-суюб силашдан ўзга иложим йўқ! Қабринг тупроғини ўпишдан бошқа чорам йўқ, Жамила! Қайтишда тақдирни қарғаб-қарғаб, қабрингни кўксимга кўчириб қайтаман. Энди бир умр сенинг учун юрагимда қабр ясайман, ўша қабрда сақлайман сени?! Эвоҳ, қабринг устида ҳар бир айтган сўзим, сени ёдга олган ҳар бир оним қонайди, энди сенсиз сўзларимдан ҳам қон силқиётир жоним, — унинг олазарак кезинган кўзлари тоқчадаги тувакда ширин ҳид таратиб турган райҳонгулга бориб қадалди: «мен лоақал шу гулчалик бўлолмайим. У кундузи ўз рангини, ҳуснини кўз-кўз қилади, тунда эса ширин ҳид таратади. У мўъжазгина танасидаги шунча қудратни намоён қила олади. Мен эса... мен қўрқоқ эса...»

Тиловатдан сўнг ўрнига ётган Жаҳонгир диванини гичирлатиб, у ёнидан бу ёнига ағдарилди. Уйқусираб, нимадир дея алаҳлади.

«Агар қабринг узра лолагул бўлиб унсанг, мен сени бир умр шаббодадек ўпиб яшайман, Жамилам!»

Ҳамон хотиралар гирдобидан чиқолмаган Машҳурбек авайланмаган муҳаббатдан, ўша басир кўзига илинмаган ёрдан айрилиш — улкан азоблигини энди тушуниб етди. Нафаси бўғилиб, тапқарига чиқди. Осмон тўла юлдузлар қуршовида тўлин ой қаёққадир ошиқиб сузмоқда. Ана, бир юлдуз ўқдай учиб, замин юзини ўз бори билан ўраб турган тун бағрига санчилди-да ғойиб бўлди: «Эҳтимол, бу менинг юлдузимдир, — пичирлади лаблари, — эҳтимол менинг ҳам қазоим яқин қолгандир.. Не-не авлодларни кўриб сочи оқарган Дунё! Сени энди тушундим. Сен бир карвонсарой экансан, бизлар эса, башарнинг сенга келиб-кетувчи фарзандлари эканмиз: биримиз оч, биримиз тўқ, биримиз юпун, биримиз беун, биримиз шоҳ, биримиз гадо... Қалай? Сени энди яхши билиб олибманми? Қойилмисан? Нега жимсан ё... Ҳм, аммо хоҳ яхшилик, хоҳ ёмонлик бўлсин, бари ўзингдан демоқчимисан? Ҳа, рост! Бари ўзимдан бўлди... тан оламан...»

У ҳовли юзини айланиб юриб, дийдираб турган қип-яланғоч дарахтларни кўраркан:

— Вой номард куз, — деди хўрсиниб, — меваларини олганинг етмагандай, либосларини ҳам ечиб олибсан-ку, а? Шунақаям, очкўз, шафқатсизмисан? Баҳоргача қандай кун кўради энди булар...? Қишнинг аёзли кунларига бардош бера олармикин?... Ҳм, менга ўхшаб ҳеч нарсасиз қолишибди-я... ҳеч нарсасиз...

Ҳовли юзидан кўчага чиқди. Йўқ! У ўзини таъқиб этган бир сиймодан қутулолмас, қутулишни хоҳламасди ҳам. Чунки юрса ҳам, ўтирса ҳам, турса-да хаёл кўзгусида Жамиланинг ҳилолдек жилмайиши..., мунгли боқиши...

...Орадан ойлар ўтди. Бу орада Мардон ва имомнинг ҳам «қилмишлари фош бўлди. Улар ўша «каратэчилар» гуруҳи орқали катта бир нуфузли корхонани портлатмоқчи бўлиб турганларида қўлга олинди. Тергов жараёнида шу нарса аниқ бўлдики, Мардон ҳарбий хизматни Афғонистонда ўтаган. У ерда тошкентлик бир йигит билан қалин дўст бўлган, иккиси ҳам бир маслакда — инженер. Ватанларига қайтганларидаги олқишлар, ҳамду саноларнинг кети йўқлиги уларни кибрлантириб юборди. Шунинг учунми, икковига ишониб топширилган юқори мартабали лавозимга бир оз лоқайдроқ қарадилар. Ишлари терговга тушиб, қамалиб кетишига бир баҳя қолди. Тошкентлик дўстининг отаси катта лавозимда, нуфузли жойда ишлагани туфайли иккисининг ҳам оқланиб кетишига ёрдам берди, бўлмаса, ўн-ўн беш йилга қамалиб кетиши аниқ бўлиб қолганди. Аммо Мардонга алам қилди. Афғонистонда жон олиб жон берган кунларини эсларкан: «Шугина хатоим учун огоҳлантириш берсалар бўларди, дарров тергов столига ўтқизмай. Агар Афғонистонда ўлиб кетсам нима бўларди? Ахир мана шу шаҳар, мана шу Ватан учун афғон тупроғини яладим-ку?» дея ўкинар, бу ўкинишлар эса юрагида нафрат, дилида гина-кудурат уйғотарди. «Халқ мулкини талон-тарож қилишликда айбланади», дейилмиш тергов хулосасини эслаганда эса тишлари гичирлаб кетарди. Шу алпозда бир неча ой ишсиз юрди. Охири, яна ўша тошкентлик дўстининг отаси жонига малҳам бўлди. Уни ички ишлар бўлимига ишга жойлаб қўйди.

Ҳа, ўлимдан бошқасининг чораси бор. Аввал қишлоқда, сўнгра туманда бошлиқ бўлиб юрган Мардоннинг дилидаги кек сўнмади, сўнмаса-да тинч ишлаб юрганди. Бироқ уни аввалги

лавозимидан бўшашига, терговга тушишига сабабчи бўлган шахснинг ўғли ўта нуфузли янги корхонага директор эканини эшитгач, пайтавасига қурт тушиб қолди. Дилидаги кек қасосга айланди. «Сен ҳам бир тергов захмини ютгин, муҳими башаранг очилсин», дея ғижинарди у. Интиқом аҳди тинч қўймади. Бир неча хил тузган режасидан сўнггисига биноан иш бошлашга қарор қилди. У Жийдакапа мактаб директори Фаффорнинг ишларидан бир оз хабардор эди. Изига тушиб, уни қора дори билан қўлга туширди. Топганининг ярмини узатиш ваъдасини қилди Фаффор, кўнмади. Унга, сара ўсмирлардан бир гуруҳ тузиб, қаратз билан шуғуллантиришни, жанговар ишларда енгилмайдиган ёрдамчилар тайёрлаб беришни айтди. Жон-жон деб рози бўлди Фаффор. Аммо..., аммо режа рўёбга чиқишига саноқли ойлар қолганда Фаффор тўсатдан аварияга учради, сўнг Барно ҳаётдан кўз юмди. Тўғри, бир неча ҳафта олдин у имом билан Фаффорни «Қуръон» гувоҳлигида сўроқ қилишни, мабодо кўнгилларида шубҳа уйғотса «гум» қилишни маслаҳатлашишганди, лекин бу маслаҳатда Барнонинг қораси ҳам йўқ эди. Иш чаппасига кетаётганини кўрган Мардон калаванинг учини йўқотиб қўйди. Ичларидан кимдир сотқин эканлигини фаҳмлади. Ким бўлиши мумкин? Имомми? Йўқ, у ўлгудай кўрқоқ одам. Мардоннинг Тошкентдаги тоғасими? Ахир у бизни танимайди-ку? Мабодо..., ҳам-м, магазин мудир, магазин мудиридан оларди Мардон қора дорини. Ҳамда Мардон билан Барнони яқиндан биладиган бирдан бир гувоҳ ҳам шу...

Мардон кечга яқин магазинга келди, берк.

Бир оз кутмоқ илинжида магазин қаршисидаги кўчанинг у бетига жойлашган кичкинагина тижорат дўкончасига кириб, салқин ичимлик ичмоқчи бўлди. Сотувчи йигит билан суҳбатлашар, кўзи эса тинимсиз магазинни назорат қиларди. Кутавериш жонига тегди шекилли, охири йигитчадан сўради.

— Ҳа, — бепарво деди у, — шайтон тоғанинг жияни келган.

— Шайтон? Исми шайтонми?

— Йўқ, — кулди йигитча, — негалигини билмайману, лекин одамлар Мамасоли шайтон дейишади. Дадамнинг айтишича, пихини ёрган одам эмиш.

— Демак, шайтонга ҳам дарс берадиган устомон экан-да, а?

Бир вақт магазин эшиги очилди. Не кўз билан кўрсинки мудир билан ўринбосари чиқиб келарди. Юраги қинидан чиқиб ке-

тай, деди унинг. «Негадир Барно ўринбосарингиздан қўрқарди», — қулоқлари остида Жамиланинг овози жаранглади. «Демак, қотил... Жамила мендан ниманидир яширган, у билган...»

Мардон боши говлаганича ортига қайтди: «У мениям билади, ҳа, билади. Билса нима қипти? Ҳар бир ўринбосарнинг орзуси нима? Бошлигининг оёғидан чалиш, сўнгра юқори мансабга кўтарилиш. Бу ўйинда бошлиқ ё қамоққа ё бирон жойга ишга ўтади, бу аниқ. Э тўхта, мабодо билмаса-чи? Нега билмасин? Ахир мудир Фапшорни беш қўлдай билади-ку? — унинг хаёллари чанг кўчадай тўзғиб кетди, — нима бўлганда ҳам отни қамчиламоқ даркор».

Мана, яна оқибати тергов...

Бу тафсилотни ишончли кишидан эшитган Машҳурбек Мардоннинг иши билан шуғулланган терговчига юзланди.

— Давлат ишида хиёнат қилганликда айбланиб, узоқ муддатга қамоқ жазоси белгиланди...

Машҳурбек Мардон билан ўқиб юрган онларини эслади. Қандай соф, беғубор эди-я ўша дамлар. Эҳ, Мардон, Мардон! Сени қасос ебди-ку, дўстим. Ўша директорни тергов стулида кўрмоқ учун корхонани портлатиш зарурмиди? Бошқача йўл тутсанг ҳам бўлардию... У билан рашк туфайли оралари бузилганини ҳам ёдга олди. Кундаликдан билгани, яъни Жамилага нисбатан пок муносабатини ҳам эслаб, обдон таъсирланди:

— Наҳотки сенчалик севолмадим, — сўзланарди у, — севганман. Ёгдумисол кунларга етганимда кўларим қамашди. Ва ниҳоят, умрим поёнида, кунботар чоғида ҳамма нарсани кўриб турибман. Энди кеч. Негаки, ҳамма нарсам елга совурилган. Дунёда инсон ризқи, муҳаббати ва умрининг меъёри бор экан. Кимки Аллоҳ берган меъёрга қаноатланмаса, унинг қаҳрига учраркан. Бас, энди умрни ҳўл гаврондай тутаб ўтказишдан фойда йўқ. Қишлоқда шундай фирма бунёд этайки, унда ишлаган кимса муродига етсин! Фирмада фаолият кўрсатган юзлаб Жамила, минглаб Барнолар довруғи оламни тутсин!..

Лекин қандай қилиб? Қайси маблағ евазига? Тошкентдаги фирма-ку адоин тамом бўлди. Қаердан нажот кутиш мумкин?..

Машҳурбек ўйлай-ўйлай, кундаликда ёзилган қимматбаҳо совғани хотирилади: «Сандиқдаги маҳси ичидами? Ҳа, шундай! Мабодо қайтиб берган бўлса-чи?...»

Ташқаридан ўқдек отилиб кирган Машҳурбек, нимадир юмуш билан банд онасини ҳайратда қолдириб, ичкарига шошиб

кириб кетди. Зум ўтмай, қўлидаги мўъжазгина қутичага тикилганча чиқиб келди: «Бу ердаги заргарлар унинг баҳосини кўтара олармикин? Яхшиси Тошкентда пуллай қолай, бир йўла фирма ҳужжатларини ҳам расмийлаштириб келаман».

* * *

Машҳурбек кечки поездда яна Андижонга қайтишини ўйлаб, «заргарлик» дўкони томон шошиб бораркан, йўл чеккасида писта сотиб ўтирган бир аёл унинг диққатини тортди. Аёлнинг чеҳраси негадир танишга ўхшади. Ким? Ким бўлди у? У ортига ўгирилиб, аёлга зимдан разм солди: «Шалола-ку!» Юраги енгилгина дукурлаб кетди.

Нақ олмадек тўлишган юзлар қани? Қоп-қора учкун сочувчи кўзлар-чи? Энг сўнги модадаги қимматбаҳо кийимнишлар-чи? Ҳа, бу ўша, ёғдumisол кунларни зим-зиё тунга алмаштирган. Бу ўша, ёнаётган қуёш нурлари янглиғ муҳаббатидан маҳрум қилган. Бу ўша, бахтдан энгиккан, бахтиёр кунларини ўғирлаган. Бу ўша, умр йўлига айрилиқ тўрини ташлаган аёл... Ҳаёт унинг қилмишларига яраша чириган олмадек топтаб ташлабди-ку?! Шу қисқа вақт ичида-я...

Машҳурбек энди ўгирилиб кетмоқчи эди, унинг қаршисида турган аёлга дийдиёсини эшитиб қолди:

— Эй Лайло, Ғаппор акамдан айрилгач, уйимдан барака кетди. Нима қилай, алаимдан шу ишга шўнғидим. Камига уйимни ўғри урди. Қалай, дадангнинг суди бўлдимми?

— Ҳм, узоқ муддатга...

«Демак униси Лайло. Лайлонинг ҳам дадаси қўлга тушибди-да. У ҳолда Мардоннинг ўринбосари-чи? Магазин мудирини ҳеч нарса кўрмагандек сип-силлиқ юраверадими? Эҳ-ҳа, гуручни қанча тошлардан тозаламагин, барибир қолдиқ қолганидек, булар маза қилиб юраверишсин?! Йўқ! Бунга бефарқ қаролмайман! Хиёнат қилган тақдирда ҳам Ғаппор менинг ҳамқишлоғим, Барно эса Жамиланинг дугонаси... Гарчанд менга оғир бўлса-да, кундаликни гувоҳ сифатида ишга солишим керак. Шундагина руҳим покланади. У Дунёда эса ёруғ юз билан бораман уларнинг олдида...»

* * *

Машҳурбек қишлоғига қайтган куниёқ дафтарни жиноятчилардан ташқари ҳеч кимга ошкор этмаслик шарти билан судья-

га топширди. Тез кунда маълум бўлишича, Мардоннинг ўринбосари Барнонигина эмас, ҳатто Ғаффорнинг ҳам қотили эканини тан олди. Сабабини сўрашганида:

— Мен нашани, гоҳида қора дорини тоғликлардан йиғиб, тоғамга келтирардим, тоғамдан эса Ғаппор оларди. Кейинчалик Ғаппор шубҳа туғдира бошлади, — деди ҳеч иккиланмай.

— Масалан?

— Баъзан тоғ йўлида, баъзан эса..., хуллас ойимчаси билан қаршимдан чиқаверди...

— Изимдан тушди, дея гумон қилганмисиз?

— Худди шундай...

Мардоннинг ўринбосари қотилликда айблангани учун оғир жазога, мудир эса қилмишига яраша қамоқ муддатига ҳукм этилди.

Фақат суд залида ўринбосарининг:

— Мен ишларни ҳеч қандай гувоҳсиз бажарган эдим. Лекин, қандай ошкор бўлгани мени ҳайратга солди. Амин бўлдимки, Аллоҳ ҳамма ишларни кўриб тургувчи зот экан, мен бунга иймон келтирдим, — деб айтган гапи анчагача одамларнинг орасида шов-шувга сабаб бўлиб, барчани ҳайратга солди...

«Айбсиз — айбдорлар, — Машҳурбек Ғаффор билан Барнога ачинарди, — эҳтимол саёҳат қилиб юришгандир. Ахир кундаликда айғоқчилик ҳақида ҳеч қандай гап-сўз йўқ-ку...»

Орадан кўп ўтмай, Жийдакапанинг гавжум жойида «Жамилабону» номли янги савдо ишлаб-чиқариш фирмаси очилди. Буни Машҳурбек барпо этса-да, фирма эгадорлигини ўғли Жаҳонгирга расмийлаштирди. Чунки, қилмишларининг оғир оқибатларидан қаттиқ таъсирланиши натижасида савдойи бўлиб бораётган отанинг бу фирмани узоқ, дадил юргизишига ақли етмайди. Ўғлини ишга ўргатиб қўйса бас...

Яхшиямки ўша кўз очиб кўргани Жаҳонгирдай ўғилни туҳфа қилиб кетгани...

Адабий-бидиий нашр

ОМИНА ТОЖИБОЕВА

**ҚИСМАТНИНГ ТОШЛОҚ
ЙЎЛЛАРИ**

Қисса

Мухаррир	Г.МИРЗАЕВА
Мусаввир	Б.БОЗОРОВ
Тех. муҳаррир	Е.ДЕМЧЕНКО
Мутахххх	Н.МИНАҲМЕДОВА
Компьютерда саҳифаловчи	Р. ЕСАУЛЕНКО

ИБ № 4039

Босишга 27.05.2005й.да рухсат этилди. Бичими 84x108 1\32.

Босма тобоғи 2,75. Шартли босма тобоғи 4,62.

Адади 2000 нусха. Буюртма № 121.

Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» нашриёт-матбаа марказида тайёрланди.

«Ёшлар матбуоти» босмахонасида босилди.

700113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.